



МЕН АЛЛА АЙТСАМ-У, кўбизим муножот айтса...

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисида сўзлаган нутқида мамлакатимиз раҳбари шундай деган эди: “Бугун ҳамма бўлмаса ҳам, лекин кўпчилик одамлар яхши англайдик, фақат замон билан тенг қадам ташлаётган, тез ўзгараётган дунёнинг қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга интилаётган мамлакатнинг келажаги ёруғ бўлиши мумкин.

Шу маънода мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш учун биз учун биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверди. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда мамлакатдаги камбағаллик ва қолоқлик муаммоларини ҳал этиш мумкин ва зарур. Инкор этиб бўлмайдиган ушбу ҳақиқат шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетишини истардим”.

Бу биз—юрт фуқаролари мудом англайдиган, амал қиладиган устувор вазифалардир. Ушбу маърузада янги йилда, умуман, бундан кейин ҳам икки палатали парламент депутатлари, сенаторлари ва халқ биргалликда амалга оширадиган муҳим стратегик ҳамда тактик вазифалар яққол ифода этилди.

Кўшма мажлисдан кейинги матбуот анжуманида Президент Ислоҳ Каримов журналистларнинг долзарб саволларига конструктив жавоб берди. Бир оддий фуқаро, қолаверса, қаламкаш сифатида жуда кўп мафкуравий хавф-хатарларнинг моҳиятини Президентимизнинг сўзларидан сўнг чуқурроқ англадим.

Четда туриб бизга дин, эътиқодни ўргатмоқчи бўлганларнинг мақсадлари аслида нодон ёшларни зомбига айлантириб, ўзимизга қарши қўйишдир. Бошқа давлатларга қочиб кетган террорчи гуруҳ раҳбарлари биз ислом йўлида керак бўлса ота-онамиз билан ҳам жанг қиламиз деб ҳайқирганларини эшитганмиз. Хўш, шу нарса ўзбек миллатига хосми? Ёки муқаддас ислом дини эътиқодига мос келадими?

Турли шаклдаги, турли кучга эга хавф-хатарлар бор. Аммо энг катта хавф, бу—ўз ичимиздаги хавфдир. Бу хавф тарбиядаги нўноқлигимиз, фарзандларни ўз ҳолига ташлаб қўйишимиз, баъзи мафкуравий тазйиқларга бепарволигимиз оқибатида кириб келади. Ўз ҳолига ташлаб қўйилган болалар онгига динни “экспорт” қиляётганлар, Европа яланғочлиги ва шармисизлигини тарғиб қиляётганлар тезда таъсир ўтказадилар.

Ҳаммага маълум, ахборот оқими ҳеч маҳал ҳозиргадй тезлашиб кетмаган. Албатта, “тараққийёт” йўлида бу тезлашув суръати яна ҳам ошади. Бу ҳам табиий жараён. Кўшни қишлоқдаги воқеадан беҳабар қолишинг мумкин, бироқ Австралияда ҳаво ҳарорати неча градус, Франциянинг фалон Президентининг таржимаи ҳоли қандай, фалон йилдаги АҚШ раҳбарининг маъшуқаси кимлигини зум ўтмай билиб оласан. Турли оммавий матбуот нашрлари, келаётган телеканаллар, интернет, сунъий йўлдош орқали ҳисобсиз ахборотлар

бунга қулай имконият яратади.

Албатта, информация тарқатувчиларнинг ҳам ўз кўзлаган мақсадлари, манфаатлари бор. Улар бу ахборотларни тарғиб қилиш асноси шундай ҳийлалар ишлатишадик, фақат оқибатидан сўнг, лаққа тушганиндан кейингина мақсадини билиб қоласан. Аммо уни тuzатиш энди кеч бўлиши мумкин.

Масалан, фундаментализм оқимларининг ҳозир янги бир кўриниши пайдо бўлди. Бу демократик фундаментализмдир. Бир қарашда у демократик тамойилларга асосланганга ўхшаб кўринади. Чет эл матбуот компанияларига муҳбир бўлган баъзи “ўзимизнинг” журналистлар Ўзбекистон қамоқхоналарида мана бунча маҳбуслар сақланмоқда, мана бундай азоб чекмоқда, бу маҳбус ундай деди, бу маҳбус бундай деди, деб атайин бошқаларнинг эътиборини тортиш учун жабрдийда қилиб кўрсатганларини эшитганмиз. Ҳеч бир жиноятчи мен шу қилгуликларни қилиб қўйган эдим, баракалла, давлат мени тўғри қамасди, жазолаётгани учун минг раҳмат деб айтмайди. Аммо жазо ўтаётган одамнинг товуши лоп этиб радиодан эшитилиб қолса ким ҳам қулоқ тутмайди? У ёқ-буёғидан беҳабар шинаванда унинг ва журналистнинг фикрларини тўғри деб ўйлайди.

Президент ўша маърузасида жазони манзил-колонияларда ўтаётган шахсларнинг улуши қамоқда сақланаётганлар сонига нисбатан анча кўпайганини таъкидлади. Масалан, 1990 йилда манзил-колонияларда жазони ўтаётган шахслар маҳбусларнинг умумий сонига нисбатан 7 фойиз бўлган бўлса, бугунги кунда бу рақам 21 фойизни ташкил этмоқда.

Ёки:

Бугун Ўзбекистонда ҳар 100 минг аҳолига нисбатан қамоқдагилар сони 158 кишини ташкил этаётир. Ушбу рақам АҚШда — 715, Россияда — 584, Украинада — 416, Қозоғистонда — 386, Қирғизистонда — 390, Эстонияда — 339 кишига тенгдир.

Ҳар қалай Президент, давлат бошлиғи бу фактларни ҳаводан олиб айтмапти-ку!

Қишлоқларда ночор яшаётганларнинг борлиги, кўп қишлоқ мактабларининг аҳволи яхши эмаслиги ҳам аслида тўғри. Аммо бу фактларни ушлаб олиб, бўрттириш, дўмбира қилишнинг маъноси нима? Хайрихоҳ одам масалага объектив ёндошади, нохайрихоҳ одам дунёнинг энг ривожланган мамлакатида ҳам учрайдиган қашшоқликдан кўз юмган ҳолда, улар мусулмон эмаслигини ҳам бир чеккага суриб қўйиб Оллоҳ йўлида хайр-саховат қилувчи, савоб учун елиб-югурувчи, қўли очиқ кишилар деб мақтаб ёзади. “Қўли очиқ”нинг кўнглида нима гап борлиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмайди, ёзаверади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида йиллар мобайнида йиғилиб қолган муаммолар борлиги ҳаммага маълум. Аммо бу

соҳада давлатга қарамлик сиёсатидан воз кечилганига, изчил ислохотлар ўтказилаётганлигига, яъни ерлар фермерларга, пудратчиларга тақсимлаб берилганига анча бўлди. Бу дегани деҳқон маҳсулот етказиб бериш юзасидан ким билан шартнома тузган бўлса, ўшанинг олдидагина жавобгардир деганидир. Деҳқонларнинг ўз ҳуқуқларидан фойдалана олмаслиги, ҳар хил тазйиқ, таъсир ўтказувчиларнинг борлиги бошқа масала. Аммо факт шуки, ўтган йили пахта, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш бўйича сезиларли ютуқларга эришилди.

2005 йилда мактаб қурилиши, мавжуд мактабларни капитал таъмирлаш учун молия вазирлиги томонидан 104 миллиард, ўқув жиҳозлари учун 42 миллиард сўм ажратилгани ҳам факт. Қайсидир мактаб бугун харобадир, аммо у режа асосида албатта таъмирланади: бугун, эртага ё индинга. Йўқ, ҳамкасбимизга буёғи муҳим эмас, лойсувоғи кўчиб кетган мактабда болалар совқотиб, қунишиб ўтиришибдими, ўқитувчи исимаётган синфхонада “қўлини куҳ-куҳлаб иситиб, жағлари акашак қотиб” дарс ўтаётгани—шуниси ҳисоб. Чунки шунисини дўмбира қилса зўрроқ жаранглайди-да. Бошқалар қўлоғини динг қилиб эшитилади.

Шундай қилиб, демократик фундаментализмнинг шиори воқеаларни сунъий равишда ривожлантириш, одамларнинг тайёр ёки тайёр эмаслигидан қатъи назар демократик тамойилларни ўз билганича талаб қилаверишдан иборат.

Президентимиз маънавий бойлигимиз моддий неъматлардан ҳеч қачон қанча эмаслигини бот-бот таъкидлаши бежиз эмас. Чунки маънавий савия юксак бўлган жойда ахлоқсизлик, турли нотўғри диний оқимларга берилиб кетиш, ғаразли, мафкуравий чорловларга маҳдиё бўлиш юз бермайди. Зотан, ўзлигимизни, ўзбеклик гуруримизни, эътиқодимизни собитлик, бардош ва ифтихор билан муҳофаза этолсак, бизга ҳеч бир ташқи куч раҳна сололмайди.

Баъзи чет эл нодавлат ташкилотлари, “беминнат ёрдам” беришга шошаётган фондларнинг асл муддаолари ҳам бугун маълум бўлиб қоляпти. Текин китоб, компьютер, текин аудиокассета тарқатганлар эртага фақат шу китобни ўқишни, шармсиз кассеталарни муттасил намойиш қилишни талаб этишади. Кассетада беҳаё манзаралар кўплаб учрайди. Қишлоқда уни кўрган ёшлар биз замондан орқада қоляпмиз шекилли, аслида ривожланган мамлакатда ҳаёт тарзи бундай бўлиши керак экан, деб ўйлаб қолади. Номустага тажовуз қилиш, ахлоқсизлик шу нуқтадан бошланади.

Кассета эгасининг ҳам мақсади шу: ахлоқсизлик оқибатида жанжал ва жиноятлар кўпайиб, аҳвол борган сари чигаллашиб бораверсин. Биз эса кассетанинг, томошанинг текинлигидан мамнунмиз. Бу ёқда эса отабобомиз минг йиллардан бери асраб-авайлаб келаётган кадриятлар, эътиқоду ор-номусимизнинг илдизини секин-аста емираётганимиздан беҳабармиз.

Бизнинг бошқарув тизимимизда соф ўзбеккона моделлар пайдо бўлганига баъзан эътибор бергимиз келмайди. Масалан, ўз-ўзини бошқаришнинг маҳалла механизми. Унинг таркибидаги хотин-қизлар кўмитаси, ёшлар қаноти. Шу механизмни ривожлантиришнинг натижаси қандай юксак самаралар бериши лозимлигини ўйлаб кўрганмисиз? Афсуски, бу борада ҳам бефарқлигимиз анчагина.

Қишлоқда ўсганлар оқсоқол, ўтоға деган гапларни яхши билишади. Қишлоқнинг оқсоқоли, маҳалланинг, уруғнинг ўтоғаси шу аҳднинг юзи-кўзи ҳисобланган. Қишлоқнинг, маҳалланинг ўтидан кириб қулидан

чиқадиганлар ҳам шулар бўлган. Ва, табиийки, тегишли халқнинг тўй-азасидан тортиб, талаби, ор-номуси ҳам улар зиммасида эди. Оқсоқол одамнинг оилавий жанжалларга ҳам араллашиб, бир адолатли тўхтамага келиши бировларга малол келмаган. Камбағалнинг тўйини кўплашиб, ёрдамлашиб яхши ўтказайлик, деса одамлар ёрдам берган. Маросимлар ҳам худди шундай бўлган. Демак, оқсоқол ҳар бир уйнинг оила аъзосидан тортиб, уларнинг феъл-атвориғача яхши билган. Шунга кўра ҳукм фикр айтса одамлар кўшилган.

Биздаги маҳалла тизими ҳам худди шундай, одамларнинг ихтиёрий бирлашиб, бош қўшиши ва ихтиёрий оқсоқол сайлаб, унинг гапига қулоқ солиш, маҳалланинг иссиқ-совуқ шароитини бамаслаҳат ҳал қилиш тамойилига асосланган. Бу энди содда гап. Маҳалланинг ҳуқуқий-маъмурий мақоми бор. Бу давлат қонунлари билан чегараланган.

Яна шу каби бизда Президентимизнинг жиноий жавобгарликларни либераллаштириш сиёсати натижаси ўлароқ маҳалла ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари иштирокида яраштириш институти ташкил этилди. Мисол учун бир маҳаллада яшовчи ёки бегона, қариндош ёки эр-хотин, ота-бола ўртасидаги низо, бойлик, ҳуқуқ талашилар, уй жанжали оқибатида юзлаб одамлар қамалиб кетиши мумкин эди, бир-биридан аламзада бўлиб қоларди.

Яраштириш институти эса мана шу можароларни қамайтирди. Тўла барҳам берди десак хато бўлади, бироқ юзлаб, балки минглаб жиноий ишларнинг олди олина бошланди. Яъни шўро давридагидек, бир жанжал учун ариза бериб, қайтадан даъвоим йўқ десаям жавобгар одам 6-8 йиллаб қамоққа олинишига чек қўйилди.

Бу ҳақда атрофлича, тушунарли, содда, керак бўлса мақтаниб ёзсак бўлади. Бироқ биз жиммиз. Нохолис матбуот ходими бемалол Ўзбекистон қамоқхоналари маҳбусларга тўлиб кетди десаям жим тураверамиз, пинағимизни ҳам бузмаймиз.

Дунё миқёсида глобаллашув жараёнининг натижасида Югославия, Грузия, Украинада ҳар хил “рангли” инқилоблар (Украинада апельсин тусли, Грузияда қирмизининг гувоҳи бўлди. Яқин қўшни мамлакатларнинг бирида “лимон рангли инқилоб”га тайёргарлик тўғрисида эшитяпмиз. Булар бари халқнинг эҳтиросини жунбушга келтириш орқали четдан “экспорт” қилинаётган инқилоблардир. Хўш, улар халққа нима берди ва бераёпти? Ваъдадан бошқа ҳеч нарса. Оқибат натижа шундай бўладики, моддий-иқтисодий жиҳатдан ўша экспортёрларга қарамлик вужудга келади.

Биз ахборот таҳдидларига нималарни қарши қўямиз ёки нима билан жавоб берамиз?

Президентимиз таъкидлагани сингари халқимиз, ота-боболаримизнинг минг йиллар мобайнида тўплаган бой кадриятларини ардоқлайдиган, аждоқлари хокиётган замин—Ватанни севадиган, улуғ, эзгу ғояларимизга хиёнат қилмайдиган, иродали, собит, ҳамжиҳат миллат бўлсаккина бу хуржларга қарши тура оламиз.

Бу борада ҳар бир фуқаро очик кўз, ҳушёр бўлиши даркор. Ўрт раҳбари айтганидек биз тараққиётга эҳтимол уч йил, беш йил кеч эришармиз. Бироқ эл тинчлиги, осойишталиги ҳамма нарсдан муҳим, тинчлик бўлмас экан, тараққиёт беш йил эмас, ўн-ийгирма йилга кечикиб кетиши мумкин.

Бунинг учун эса эътиқод, ирода, огоҳлик зарур. Маскур фазилатлари юксак миллатга ҳеч қандай ташқи кучлар бас кела олмайди!





Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ЯХШИ ТУШЛАР КЎРИНГ,

МАЛИКАМ...

(Олтиариқда қолган дафтарлардан)

Эски дафтарларни титкилаб кўрсам, турли сабаб билан китобларимга кирмай қолган шеърларим талайгина экан. Уларни кўздан кечирарканман, ёшликнинг жўнликлари, самимияти, олишувчанлиги кексаймоқ аломати бўлмиш мушоҳадабозлик ва муросасозлик устидан ачитқилаб кулаётгандек туюлди...

Муаллиф.

Кўзларинг маст,
Кокилнинг "шогон",
Гап бошладинг дилкаш, меҳрибон.
Ўзни бунча тутяпсан яқин...
Эрга теккан бўлмагин тағин?!

1978 йил

ЮЛДУЗИМ

Юлдузим,
Розиман,
Ўксима сира,
Киборфеъл мунажжим олмас бўлса тан.
Гар мунгнинг хирадир, қувончинг хира,
Барибир бир умр сендан розиман,
Юлдузим.

Юлдузим,
Ўйглама,
Шириним ўзинг,
Чўлпондек чақнашни бевақт хоҳлама,
Қамаштир лоақал бир жужуқ кўзин,
Борлигинг ўзи чўнг бахтдир, йиғлама,
Юлдузим.

Юлдузим,
Сўнмагил,
Учма бемаҳал,
Орзуим кул этиб, чангга дўнмагил.
Тонг яқин, тонг яқин, сабр қилтур сал,
Ақалли илк нурун кўрай, сўнмагил,
Юлдузим!

1977 йил

ОМАДЛИ ЗОТ

Тўрткўз деган кўппак бор,
Қурғур кони истеъдог.
Унда на ёр, на рўзгор,
Қорни тўйса — чарх обод.

Ирғишлайди шог—қувноқ
Суяк топган маҳали.
Қассоб суйган ит бўлмоқ —
Орзу қилган амали.

Ундан бунга гап ташиб,
Битирмас ўз камини.
Ким биландир дўстлашиб,
Тортмас унинг ғамини.

Калтаклашса дафъатан,
Хафа бўлмас, сўкинмас.
Ҳайратланмас мардлардан,
Номарддан ҳам ўкинмас.

Эрк унга ёт бир туйғу,
Ҳаёт гўё сохта сир.
Гўё унинг фахри шу —
Бўйнидаги мис занжир...

Тўрткўз деган кўппак бор,
Қурғур кони истеъдог.
Унда на эл, на диёр,
Қорни тўйса — чарх обод.

1973 йил

ЯРАДОР ЖАНГЧИ

Кипригидан ёш томар,
Ярасидан эса — қон.
Атрофида ер ёнар,
Танасида эса — жон...

Ётган кимнинг боласи?!

1971 йил

Тўлишибсан, атиргул,
Деразамнинг ёнида,
Тунда ёлғиз турмагил,
Берироқ кел, жонидан.

Иккиланма, келавер,
Тиканинган қўрқмайман.
...Э, Худойим,
Эсимдан —
Ажраганга ўхшайман!

1974 йил

Майли, осинг сиртмоққа,
Чўкмагаймиз тиз.
Солсангиз ҳам қийноққа,
Йиғламаймиз биз.

Сиз ўзгача йўл тутинг
Олмоқ-чун қасос —
Жонон бўлиб, гул тутинг,
Зимдан қилинг ноз.



Шунда юрак иккимиз
Беролмай бардош,
Ялинамиз чўкиб тиз,
Тўкамиз кўзёш.

Мақтаниб олт ичмасман,
Буюк меҳрим — зўр қасам.
Ватанимдан кечмасман,
Ажрамам бу элдан ҳам.

Она тилим йўқ эса,
Шудир менинг ўлганим.
Хислатларим ёқмаса,
Қил қўлингдан келганин.

МИЛЛАТДОШЛИК

Мен кимману, сен кимсан,
Жуда қотди бу бошим.
Нечун менга ғанимлик
Қилмоқдасан, юртдошим?

Сен қотирма бошингни,
Жам бўлсин ўй-хотиринг.
Ўлсам майли тиғингдан,
Бўлолмасман қотилинг.

Яхши тушлар кўринг, маликам,
Тушингизга кирсин оҳулар.
Уйғонсангиз, ўкинчдан ҳар дам
Дилга яна томар оғулар,
Яхши тушлар кўринг, маликам.
Оғулардан ясаб бўлмас бол,



1974 йил Чеҳрангизга суқланган оним
Айланаман бедорингизга.
Танамни тарк этолмас жоним
Тўймас бўлсам гийдорингизга,
Яхши тушлар кўринг, маликам.

Эрк висолин қўмсаб оҳулар,
Бир замонлар кетганмиш тоққа.
Зора энди Сизни ҳам улар
Олиб қочса ғамдан йироққа,
Яхши тушлар кўринг, маликам.

1973 йил

Алў, алў...
Салом...
Сизмисиз?
Кеча номер берган қизмисиз?
Қилган эдим тонгда қўнғироқ,
Жавоб берди дадангиз мугроқ...

Йўқладим, ой тирмашгач тоққа,
Уйланганлар киргач ётоққа...

1978 йил

Кўзларингиз сир сотар,
Қошларингиз серимо.
Очиқ сўйланг, нақадар —
Шубҳали бу таманно.

Дучор этманг жодуга,
Мен соддадил бир банда.
Кўникканман ёғдуга,
Адашаман туманга.

Сизсиз ёлғиз ҳамдардим,
Сирни гуллаб қўймайсиз.
Балангпарвоз сўз айтсам,
Девонага йўймайсиз.

Сизсиз ёлғиз ҳамдардим,
Бордир, афсус, эрингиз.
Садагага ўхшайди
Шафқатингиз, меҳрингиз.

Хатда таъна қилибсиз, жонон,
Йўлда йиғлаб кетганингизни.
Сиз қайгадир етганингизни
Эшитдим,
Тин олдим шогон.

Ахир, гардни йўйиб ҳазилга,

Мен саргардон юрибман ҳануз.
Йўл — зимистон,
Орзуйим — фонус,
Етганим йўқ бирон манзилга.

1979 йил

ҚИЗИЛ ДЕНГИЗ

Ёлғиз кемам шикорга чиқиб,
Борар жулдур тўрларин суграб.
Маъданларни қўйнига тиқиб,
Очкўз денгиз ётибди муграб.

Шунча ганжлар камми?
Гувласиб —
Сапчиб кўрар гоҳи қирғоққа.
Босқинларга зимдан шайланиб,
Тил чўзмоқчи бўлар йироққа.

1979 йил

Йўл тополмай чекинар мулзам,
Яна ўзин кўрсатар лоҳас...
Сен қирғоқда турволиб, укам,
Тўққинларга боқаверма маст.

Майли, тан бер, ҳайбати ажиб,
Жилваларга алданма фақат.
Бу жилвалар тағида сасиб,
Сузиб юрар сарқит ва ахлат.

1972 йил

Нопокликдан буриб бир кун юз,
Бошқа йўлдан оқар ирмоқлар.
Саёзланар шунда кир денгиз,
Пайдо бўлар янги қирғоқлар.

1977 йил

Кўзларингдан томдириб йиринг,
Юзга ажин тортса-да чўзиқ,
Асли
Турмуш ғавғоларининг
Ҳаммаси ҳам гаштли ва қизиқ.

1978 йил

1978 йил

ТУРНАСАФ ШЕЪР

ой
ёруғ
кўчага
ўйнардик
ой
ёруғ
кечага
ўйнардик
ой
хира
кечага
синиқдик
ой
хира
кўчага
кўникдик

1977 йил





Саволим бор Сизга,
Домлажон,
Нима ўзи "сотқин" дегани?
Масалан, мен қиламан гумон,
Яроқлимас бу сўз егани.

Ие, нега бўлдингиз хафа?
Юзларингиз оқарди бехос...
Оғайнилар, бу қандай гап-а,
Мен... мен...
Савол бергандим холос!

1977 йил

Дам тешиб елкасин, дам қўлин ямлаб,
Гоҳ юзин тимдалаб, қулоғин тирнаб,
Бой бериб не—неча аниқ имконни,
Қўй, бунча қийнама шўрлик нишонни.
Яхшиси, ҳў сузук барнодан, мерган,
Юракка бехато уришни ўрган.

1971 йил

КАЙФИЯТ

Гўрдек сокин ариқнинг лаби,
Бошим узра мотамсаро тол.
Перрондаги безори каби
Ҳуштак чалиб санғийди шамол.
Кўзёшлардек тўкилар барглар,
Ҳисларимдек майсалар тўзғин.
Кўкдаги ой — қувғинди каптар,
Кулранг булут — оч қолган қузғун.
Тун сайлига шайланган чоғи
Атир сепиб олган каби қиз.
Димоғимни қитиқлар гоҳи
Шабнам—сирға таққан фар ялпиз.
Нелар ҳақда куйлар чигиртка,
У ҳам ишқдан куйганми ёхуд?
...Ўтирибман чўми—и—б сукутга,
Айтолмасдан гардим мен ношуг.

1974 йил

Дунёда бор учта чин дўстим:
Отам,
Онам...
Яна аллаким.
Учинчисин айтмоқ қийин иш,
Хотиним ҳам шунчаки таниш.

1974 йил

ЎСПИРИН

Юрагимда тўфон ва тошқин,
Бўғзим мавжли саволларга лим.
Фикрим туман,
Ҳаётнинг уфқин —
Илғолмайин қийналар зеҳним.

Ким айтяпти?
Кимга бу қўшиқ?
Қайси ҳисдан бошланар виждон?
Туйғуларим безовта, инжиқ,
Туйғуларнинг туби зимистон.

Бу косага болми ё оғу?
Уни ётга беролмам, гемак.
Уни четга отишим,
Ёхуд —
Ўзим тотиб кўришим керак.

Қайдан бу шавқ?
Қайдан бу нолиш?
Ким ва нега беряпти фармон?
Олдга юрмоқ балки ғирт ташвиш,
Аммо қўйруқ бўлиш ҳам армон.

Қийнар ўйлар,
Эзар сукутлар,
Гувлар савол тўфони тақдор.
Юрагимда муррак умидлар
Туғилади безиллоқ, ҳушёр.

1977 йил

Шамсиядек шийпонда
Сухбат қурар эркакак.
Аёллар бир томонда,
Келин — бола йўрғақлар.

Қодир бобо йўрғақка
Боқар хомуш, ўйланиб.
Чалингандек безгакка,
Титрар соқол-мўйлаби.

Ёшлар кулиб қарашар:
"Кўп суқланманг Чаманга!"
...Чол шўрликни ўрашар
Эрта-индин кафанга.

1973 йил

ЭРКИН ВОҲИДОВ

Ярим минг йил нарига
Бура олса йўлини,
Навоийга соғ-омон
Топширарди Гулини.

Бобо битмоқ истаган
Байтни излар доводдан.
Орзу қилар ётар пайт
Уйғонмоқни Хиротда.

1981 йил



Мени кутманг,
Бормоғим гумон,
Ўхшаб қолдим бўм-бўш жовонга.
Хаста юрак, ҳиссиётсиз қон
Талпинолмас энди жононга.

Тушларимда қизғиш бўрилар
Увлаб юрар теграмда бедор...
Билмайсизми,
Таъбир не бўлар
Бўрилардан туш кўрса бемор?

1979 йил

Пўртана деб ошиқ қалбини,
Буюкларни ўхшатди тоққа.
Лола дегим ёрнинг лабини
Ва менгзатдим ойни ўчоққа.

Икки сўз бор — йўқдир таққоси,
Қиёс йўқдир ноёб маъданга:
Онагинам — онанинг ўзи,
Ватангинам ўхшар Ватанга!

1973 йил



Илҳом ЗОЙИР



ДАРАДИВАР

Қисса

Қишлоқда гап яшириб бўлмайди. Иноятнинг оғил-хонасига тушган ўғрининг дараги бир зумда қанот чиқариб Ялангбош тугул, атрофдаги қишлоқларга ҳам етиб борди. Шундан кейин Иноятнинг бўлари бўлди. Икки оёғиyo икки қўлида жон қолмади: кўзи милтиллайди-ю, лекин забон йўқ.

Кечқурунги талотўпдан хабар топганлар кўнгил сўраш учун киришаркан, кўрпа-тўшак қилиб олган Иноят уларнинг бировига-да чурқ этмади. Нима ҳам десин? Дегулик гапнинг ўзи йўқ! Бу одамларнинг ҳамма нарсадан хабари бор, фақат номигагина жабрдийданинг кўнгли учун ўзларини хабарсиз кимса қилиб кўрсатишга уринадилар.

Бир кунлик дилсиёҳлик ҳам одамни қаритаркан. Иноятнинг кўзлари киртайган, ранги заъфарон, юзи бир бурда бўлиб қолган. Хотини эрининг пешонасидаги терни қалгай рўмолининг учи билан артиб, миз-миз йиғлар, унинг бу тахлитда ўтириши кўнгил сўровчиларнинг раҳмини келтирарди. Бирови “бўлар иш бўлибди, бу ёғига бардам бўлинг”, дея таскин берса, бирови “суyoқ эмас эди, кейин суюлди”, яна бирови “нима етишмайди унга: уйи бор, бошида ота-онаси бор, қисиладиган жойи бўлмаса, бало борми шу зормандани ичиб”, дерди. Пешинга яқин кўнгил сўровчиларнинг оёғи узилди. Моҳира ая қозон илди, бироқ эрининг аччиққина маставага қарамагани қаттиқ ботди.

Иноятнинг кўксига санчиқ кирди. У титроқ қўллари билан кўксини силаган эди, оғриқ босилгандай бўлди. Шунга қарамай, нордон нарса еб қўйган одамдек анча-гача башарасини буриштириб турди, сўнг ёнбошига ағанаб, юзини деворга буриб ётаверди. Шу ётганича оғир ўйлар исканжасида ўзининг бир кунлик ҳаётини тарозига солди. “Наҳотки ҳаммаси шу туллак хўроз қичқиргандан сўнг бошланган бўлса?” Бу савол унинг миясини пармадек қовладдики, парманинг “ғижир-ғижир”ига дош беролмай инграб юборди...

Агар хўроз қичқирмаганида, кўшни хотиннинг дийдиёси йўқ эди. Кўшни хотиннинг дийдиёси бўлмагани-

да, Чориев захрини сочмаган, кўшнининг бир оғиз гапи деб ўғлига қаттиқ гапирмаган, ўғлига қаттиқ гапирмаганида оғилхонага ўғри тушмаган, оғилхонага ўғри тушмаганида...

... Иноятнинг манглайидаги тарам-тарам ажинлар чуқурлашиб, чимирилган қошларининг ўртасида тутунча ҳосил бўлди.

...

Сахармардондан бошланган дилсиёҳлик Иноятнинг ҳафсаласини пир қилди. Бостирма томига кўниб олган олачипор хўрознинг қанот қоққанча учинчи бор бўғиқ қичқирishi унинг гашини келтирдими ёки кўшни хотиннинг сассиқ қарғишларидан жаҳли чиқдими, девор тагида ётган чўлтоқ супургини хўрозни мўлжалга олиб ирғитди. Хўроз хўжайиннинг бу зардали ҳамласини олдиндан сезгандек “пар” этиб томдан ерга, ердан яна бир ҳамла билан кўшнининг пахса девори устига кўниб, хўжайинга ўчакишгандек бўйинини чўзиб яна бир бор қичқирди ва “қалайсан” дегандек кўксини керди.

Хўрознинг бехосият тўртинчи бор қичқирishi кўшни хотиннинг вайсақи овозига омухта бўлиб кетаркан, кетма-кет кўшни томондан отилган кесак супага, нақ ҳовлининг ўртасига тушиб, парчаланиб кетди.

— Эганга ўхшамай ҳар бало бўл, кўтирбош! Аёлнинг нафрат билан жавраши Иноятнинг қитиқ патига тегиб, бир қадар сергаклантирди.

Ошхонадан отилиб чиққан Моҳира ая ҳовли ўртасидаги кесакнинг каттарoқ бўлагини олиб, қайта кўшнининг ҳовлиси томон ирғитиб юборди.

— Тилиннга куйдирги чиқсин, сан фарчашмни! Қарғишинг оғзингдан чиқиб ёқангга ёпишсин! Ажаб бўлибди, хўб бўлибди шу қилганиннга! — деди Моҳира ая фиғони фалак бўлиб ва қаққайиб турган эрининг ҳамиятини кўзғатиш мақсадида пичинг қилди: — Нимага мум тишлаб турибсиз? Бирор гап десангиз-чи! Фаҳм-фаросатингиз етаяптими анави манжалақи нима деётганига?



Хотинининг гапи Иноятга алам қилди, лекин на-чора. Бир муддат бесарамжонланди, сўнг бир нималар деб жавоб қайтармоқчи бўлди, аммо керакли сўзни тополмади. Шу сўзни тополмас хотини яна чақиб олишини фаҳмлаб, каловланди.

— Нима гап, тинчликми ўзи? Каллаи саҳарлаб дийди! — деди Иноят.

— Мендан сўрайсизми буни, ана, жаложин кўшнингиздан сўранг!

Иноят азбаройи хотинидан эмас, аксинча, жанжал катталлашиб кетишидан қўрқар, чунки бунақа можароларга тоқати йўқ эди. Устига устак кўшниси Чориевнинг аммаси, Чориевга бир оғиз айтса, Иноятга кун кўрсатмайди, ўзи баҳона тополмай юрибди ўша бақалоқ Чориев. Жанжалнинг шу томонларини ўйлаб, паст овозда хотинига им қоқди:

— Секин! Нима гап ўзи, тушунтириброқ гапирсангчи, Мойра!

Моҳира ая бир қўлини белига тираб, иккинчи қўлини кўшнининг ҳовлисига қаратиб ҳаволатди ва “Кўшним ҳам эшитсин” деган ниятда овозини баланд-ди:

— Кўрмайсизми, бу шангини! Бир иш қилсанг кўролмайдилар булар! Агаратига товукларимиз кирган экан, битта памидорига текканми-йўқми, оғзидан боди кириб шоди чиқопти. Эй, агаротинг билан кўшмазор бўл!

Бунга жавобан кўшни томондан “ўчир, ўчир” деган хитоб келди.

— Ўзинг ўчир! — деди Моҳира ая тутақиб. — Улдасидан чиқсанг, санам боқ, майлими! Битта ўлакса кўйни эплаб боқолмайсан-у, яна бобиллаганинга ўлайми. Шу кўйни “урилган” аканг Тошан Чори олиб бермаганида, сен бечоранинг пешонанангга балоям битмаган эди. Сен ҳам тўртга тавуқчани боқ, ман бир тамоша қилай, ҳайми! Иби, гапирмасанг...

Оловга мой пуркалгандек кўшни хотин яна “гурил-лаб” кетди.

— Сен тўртга туллак товугингни пеш қилобсанми, ундан кўра арзандангни йўлга сол, қип-қизил пиёниста! Яна дадаси малим эмиш! Ҳали Пахриддинга бориб айтмасамми сенларни...

Кўча-кўйда ҳар доим ўзи ҳақидаги яхши гапларга кўникиб қолган Иноят, бу таънани эшитгач, ўзини галати сезди, вужуди зирқираб жаҳлланди, бир нималар деб сўкинмоқчи бўлди, лекин ўзини босди. Хотинига бу гап заррача таъсир қилмаган бўлиши мумкин, аммо Иноятнинг суяк-суягидан ўтиб кетди.

Моҳира ая кўшни хотинга яна бир нималар деб хезланган эди, Иноят уни жеркиб ташлади, чунки бу “айтишув”нинг охири бахайр бўлмаслигига кўзи етиб турганидан, кўшнига эмас, аксинча, хотинига қараб бақирди:

— Ўчир овозингни! Кир уйга! Сен хотинларга сон тегмасин экан, тегса ҳаммаёқни хонавайрон қилиб юборасанлар! Деворнинг икки томонидан туриб бир-бирингга итдек ҳурасанлар, нима, суяк талашяпсанларми?..

Иноятнинг туси ўзгарди. Моҳира ая эрининг хунук турқ-тароватини кўриб лабини тишлаганча ошхонага кириб кетди.

Иноят ҳолсизгина ҳовли ўртасидаги ўрик остига кўйилган темир картнинг бир чеккасига чўкди. Шу чўкка-нича хаёл оғушига берилди: “Ёшинг бир жойга борганда иззатталаб бўлиб, бировнинг гапирган ноҳўя гапи

оғир ботаркан, ўғлинг қилиб қўйган ноҳўя иш сенга иснод келтирса дарди дунёнг зимистон бўлиб, ичингда-гини кимга ёришни билмайсан. Ҳамма кўзингга ёлғончи бўлиб кўринаверди. Ҳаётнинг ўзи ёлғончи бўлса нима қилиш керак?”

Иноятнинг ичини ит тирнар, дилидагини кимга тўкиб солишга ҳайрон, ўғлининг ёмон йўлга кириши уни шу кўйга солиб қўйди, бу ҳақда хотинига ҳозир бир нима дейишга ботинолмайдилар. Фақат ўзи билан ўзи олишади, ўғлининг тубан кетишини ўзича таҳлил қилган бўлиб, унинг сабаб-оқибатларини қидирарди. “Яна дадаси малим эмиш...” Бу гапи билан Тошан Чорининг опачаси нима демоқчи? Иноят тинчгина тракторчилигини қилиб, қора мойга беланиб юрганида бу таъналар бошига тушмасмиди? Раҳматли Болта бошбухнинг сулув қизига совчи юборганида, қизи тушмагур: “Мен қора мойга беланиб юрадиган пат-патчига тегмайман. Энди умрим кир ювиш билан ўтадимми?” деб совчиларнинг раъйини қайтарган эди. Иноят ўшанда алами кўзиб, шу қизнинг бир гапи деб гулдай касби — тракторчиликни ташлаб шаҳарга кетди, у ерда муаллимлик курсини битириб, қишлоқ мактабига келиб ишлай бошлади. Жаҳл, орият устида қилиб қўйган иши билан барибир Болта бошбухнинг сулув қизига уйланолмади. Қизи тушмагур отасининг юзини шувут қилиб, жамоа хўжалигининг фермасига практикага келган шаҳарлик йигит билан қочди. Ҳозир у бола-чақали. Аввалига қирпичоқ бўлиб юрган Болта бошбух кейин-кейин, фарзанд экан, қизининг бу қилигини кечирди. Тақдир, нима бўлганда ҳам ўша сулув қиз Иноятни олий маълумотли қилиб қочди-ку.

Муаллим бўлиб келгандан буён мактабда не-не болаларга таълим-тарбия берди: ёмонини йўлга солди, яхшисининг бошини силади. Озми-кўпми бошқаларнинг боласига фойдаси тегди. Лекин ўзиникига келганда чорасиз қолибди. Хўш, ўғлининг тарбиясини қачон бўш қўйган экан? Қачондан буён ўғли бу йўлга кирган экан? Кўз ўнгида ўсиб-улғайган ўғлидаги ўзгаришларни пайқамай қолиши мумкин эмасди-ку!

Иноятнинг ўй-хаёлида бошқаларнинг боласи бу йўлга кириб кетиши мумкин-у, унинг боласи эса йўқ, чунки, унинг боласи бундай қилишга ҳаққи йўқ, негаки, у ўқитувчининг ўғли, у бошқаларга ўрнак бўлиши керакдай. Ўқитувчи қишлоқда нуфузли киши — тарбиячи. Тарбиячининг боласи тарбиясиз бўлмаслиги керак. Нимага энди? Бошқаларники ердан бодраб чиққан кўзи-қоринмидики, уларнинг боласига ҳеч ким кулмайди? Кулган тақдирда ҳам “отаси палончи эмиш” демайди!

Иноят бу саволларга ўзича жавоб қилмоқчи бўлар, лекин ўз жавобларидан кўнгли тўлмас, муҳим бир хулосага келолмасди. Эҳтимол, ёлғиз ўғил деб, унинг кўп жиҳатларига эътибор бермай қўйгандир! Арзанданинг гуноҳлари ҳам эркалик бўлиб кўринади отанинг кўзига. Ёки ота ва онанинг айрича тарбияси, бир-бир инкор этувчи гап-сўзлари болани аросатга солиб қўйгандир!

Иноят ўғлини койиган пайтларда Моҳира ая ўғлининг ёнини оларди.

— Шу ўғлинг элга эш бўлса, қора кўчқор сўйиб, элга ош бераман, — дерди Иноят.

Отнинг шаштини сувлиқ кесади, йигитнинг шаштини хотин тўсади, деганларидай Моҳира ая эрини жеркиб, ўғлини алқарди.

— Фижинавериб-ғижинавериб боланинг кўнглини зада қилиб қўясиз. Катта бўлса шунақа бир йигит бўлсинки, айтганларингизга пушаймон бўлинг!

“Пиринг шайтон бўлса, мазҳабинг маълум, — хаёлидан ўтказди Иноят. — Катта бўлиб ақли киргани шуми?”

Иноят бу борада ҳаммани айблаб чиқди, ўзига келганда эса айблай олмади, ўзини айблаш учун бирор баҳона сабаб тополмади. У хаёлан кимнидир асосий гуноҳкор деб қанчалар айбламасин, ўзинида қанчалар гуноҳсиз ҳисобламасин, барибир ичини бир нима тирнаб турарди. “Сенинг гуноҳинг йўқми?” Иноят маломатдан илондек тўлғанади. Ҳақиқий гуноҳкор топилмагунча хаёллари бекор, эшитганлари ёлғон! Бўлиб ўтган можарони буткул унутиш ва хаёлидаги кирди-чиқди фикрлардан ўзини чалғитиш ниятида шу каби таскин-тасалло ўйлаб топди. Бу таскин билан ўзини қанчалар чалғитишга ҳаракат қилмасин, барибир қўшни хотиннинг ўша гапи қулоғи остида жаранглайверди, жаранглаган сайин ғазаби тагин-да жўш ураверди.

Иноятнинг вужудини кемираётган ўй-хаёлларнинг адоғи чексиз эди...

Кўрадаги кўйларнинг маъраши унинг хаёлини тўзғитиб юборди. Офтобчиқар томонга қаратиб солинган бостирма томон қараркан, Иноятнинг энсаси қотди ва эринибгина ўрнидан кўзгалди.

— Тўртта кўйни эплашолмайди бу лапашанглари! — деб гижинди ва бостирманинг ёнбошида уйилиб ётган янтоқ гарамидан бир кучоқ олиб кўйларнинг охурига солди. Кўйларнинг чакаги тинди.

Иноят ҳовли ўртасида сочилиб ётган “кўшнининг ғазаби” — кесак парчаларини хокандозга супуриб олаётган хотинига қараб бир нималар деб сўкинган бўлди-да, сўнг кўлини жаҳл билан силтаб дарвоза томон юрди, ташқарига чиқиб, икки кўлини белига тираб кўчанинг у ёғига, сўнг бу ёғига қараган эди, ҳеч зоғ кўринмади.

— “Пияниста!” — Кўшнининг гапини пичирлаганча такорлади. Чуқур хўрсиндики, шу хўрсиниш билан бирга кўнглининг туб-тубидан нимадир томоғига келиб тиқилди. Вужуди титраб, панжалари ўзидан ўзи букилиб, муштга айланди. Тишларини гижирлатди, сўнг юрагига санчиқ кирдими, кўксини силади. Ичидан отилиб чиқаётган ҳовурни босиш учун папирос тутатмоқчи бўлиб чўнтагига қўл солди. Куруқ папирос кутисини жаҳл билан гижимлаб ариқчага отиб юборди... Шилдираб оқаётган ариқчанинг икки қирғоғига икки оёғини тираб қўл-бетини ювди, уйга кириб эринмай артинди. Девордаги яккамихга илинган қалами чопонини елкасига солиб, кўрпачага чордона қуриб ўтирди. Хотини узатган пиёладаги чойни олиб дастурхон четига қўйди ва эрининг юзига боқишга бетламай, бошини ҳам қилиб ўтирган хотинига қаради.

— Ўғлинг қани? — деди Иноят кўзларини қисиб.

Моҳира ая эридан бу сўровни кутмаган эканми, югинди, томоқ қирди, лекин индамади. Хотинининг бу зайлдаги тумшайиб туриши Иноятнинг кўзига турки келишмаган калтакесакдай совуқ кўринди.

— Мен сендан сўраяпман, ўғлинг қани?

— Ухлаб ётибди, — деди Моҳира ая дастурхон поугини ўйнатиб.

— Тумов бўлган қўйдек овозинг чиқмайди, ҳали милтиқни ўқидай қарсиллаб турувдинг-ку! Арзанданг не маҳалда келди?

— Кечкурун! Ўртоқлари билан Жўравойни тўйига борган экан...

— Ҳойна-ҳой яна тайёр бўлиб келгандир-да, а? Биздан яшириб уйчаларига ётқизиб қўйдингизми? Оёғида келдими, ишқилиб?

— ...

— Нега индамайсан? Шунча яширганинг етар! Тўғриси айтивер, қачонгача сендан эмас, одамлардан эшитиб юраман? Мендан яширсанг-да, элдан яширолмайсан-ку!

— Норпошшани гийбатига шаъма қилобсизми? Чал-пакка ўраб бермасанг, ит тегмайди-ю, айтган гапи қаерга борарди? Одамлар оғзи билан юрадиган бўлган! Оғзига эғалик қилолмайдиганлар нимани билади ўзи?

— Одамлар кўп нарсани билади, фақат сен билан мен ҳеч нарсани билмаганимиздан улар бизга айтишади. Тур, ўғлингни қақир бу ёққа!

Бўлажак дилсиёҳликни кўнгли сезган Моҳира ая бевозталанди.

— Кўйинг энди, нима қиласиз?

— Қақир бу ёққа, деяпман, одамни номусга қўйди-ку, бу аблаҳ!

Моҳира ая итоаткорона ўрнидан туриб, чиқиб кетди...

“Эрталабки жанжал яхшиликка олиб бормади”, хаёлидан ўтказди Иноят. Унинг дили чироқ ёқса ёрмайдиган даражада хуфтон эди...

— Саломалайкум! — деди Туёқбек шишиб кетган қовоқларини кафти билан ишқалаб.

Иноят унинг башарасига қарамади ҳам, бошини кўтармай, дастурхонга термулганча қаршисида чўккалаб ўтирган ўғлини сўроққа тугди:

— Сен, бача, мени номусга қўйиб ўлдирдинг-ку! Ақл кирадими ўзи сенга ёки йўқми?

— Нима қилибман? — деди, гап нима ҳақида кетаётганини билолмай турган Туёқбек.

Ўғлининг ўзини билмасликка олиши Иноятнинг ғазабини келтирди. Қулоқчаккасига солмоқчи бўлиб қўл сермаган эди, Туёқбек ўзини орқага олди. Иноят дастурхон устига юз тубан йиқилиб кетишига бир баҳа қолди, нимагаки, мўлжали аниқ бўлмагач, ўз мувозанатини йўқотиб қўйган эди. У иккинчи бор ҳамла қилмади.

— Сен бола кўпам маҳмандалик қилма! Мен сени отангманми, аҳ, айт қани, отангманми ахир?

— Нимага менга бу саволни берасиз? Нима қилибман?

— Нима қилибман, дейди яна! Ужи нима қилиб қўйгансан-ку! Сен менга тўғриси айт: ичишни қачон ташлайсан? Ёки бошқа гапинг борми? Пияниста бўлиб кетибсан-ку, сен бетамиз бола!

— Ким айтди сизга? Қачон ичибман!

— Мана бу болага қаранг! Оғзингдан гупиллаб ҳиди келиб турибди-ку, бунга нима дейсан? Яна, қачон ичибман, дейди-я!

Моҳира ая гоҳ эрининг оғзига, гоҳ ўғлининг оғзига қараб, нима қиларини билмай, қўллари қалтираб ўтирарди.

— Кўйинг, дадаси, ёшлик қилганда, — гапга аралашди Моҳира ая. — Озгина ичган бўлса бордир, энди шунга ота гўри қозихонами? Ўзиз ҳам ичиб юрардингиз, ошқозонингиз оғриди-ю, ичишни ташладингиз, бўлма-са... Кўйинг энди, олманинг тагига олма, беҳининг тагига беҳи тўкилади. Бир марта гуноҳидан ўтинг, мундан сўғин минбад ичмайди, — деди, сўнг ўғлининг биқинига турди: — Ичмайман де, гумроҳ, ёнингни олавериб адои тамом бўлдим-ку! Онам дейсанми, сен сўқим?

Моҳира ая кўзига ёш олди. Туёқбек онасини жеркиб берди:

— Ҳадеб обидийдангизни оқзаверасизми?! Одамни ёш бола қиласизлар-ей! Мен сизларга...



Ўгли онасини жеркигани отага наша қилди.

— Эй, дагар бола, юзга кирсанг-да, ота-онанг учун сен бола бўлиб қолаверасан! Нима, эчкига шох чиқса, она керак эмас экан-да, а? Қани, гапир, яна шигир ёзармишлар!

Туёқбек каловланди.

— Кеча ишдан чиқиб Жўравой акани тўйига борган эдик, Бўрон ака билан...

Бўроннинг номини эшитган Иноятнинг юзидан ранги ўчиб, азбаройи жаҳли чиққанидан тишлари қалтираб кетди.

— Эй, сени ўша Бўрон акангни падарига пайтава, хайми?

— Нега сўкасиз? Бўрон ака менинг устозим!

— Эй, сени ўша устозингни... Сен ўшанга қўшилдинг-у, бузилдинг! Ўзи аслида ўшанга сени қўшган мен аҳмоқ!

Иноят гуноҳни Бўронга ағдараркан, ўзини анча энгил ҳис этди.

— Нега қичинасан, қичинг борми? — деди Иноят қорача ёноқларига қизиллик югураркан. — Сен кичкинаман энди? Хотин олиб берганимда боми, ҳозир бир-иккита болали бўлардинг... Ий-би, буни қаранглар, нимага ҳиринглайсан, хумпар, ё гапим нотўғрими? Новвосни молим дема, бўйдоқни ўғлим дема, деганлар.

— Ўзи, тўғриси кеча ичмоқчи эмасдим, — отасининг жаҳлидан тушганини пайқаб, ўзини оқламоқчи бўлди Туёқбек. — Бўрон ака қўярда қўймай ичирдилар.

— Бўрон аканг томдан ташла деса, ташлайсанми?

— Йўқ, энди...

— Қўйдаё ёвош болани ўша Бўрон серка бузди, — деди Моҳира ая чой қуйиб эрига узатар экан. — Саккизта бачаси бор, шундай бўлса-да тўйларда шунақанги бидир-бидир гапирди, билмайсиз бунча гапни қайси гўрдан топади бу гўрсўхта?

— Она, сиз аралашмай туринг, — деди Туёқбек онасига айиқ қараш қилиб.

— Унда нега ичдинг? — деди Иноят дағдаға аралаш қўлини паншаха қилиб. — Ҳе, одамни ҳар нарса бўлгани яхши!

— “Шеър газетига чиқаман деб турган одам, ичмайди”, деб ҳоли-жонимга қўймадилар... Кейин ноилож...

— Шеър ёзиб бировларга насиҳат қилишни биласанлар, ўзларингга келганда ақлларинг ноқислик қилиб қолади, а? Сенлардан Умар Ҳайём чиқмайди барибир, хомтама бўлмаларинг! Ўргилдим сенлардай сўзига амал қилмайдиган жўқичалардан. Ҳозир педагогикага қарама-қарши бориб, қулоқчакканга қаратиб бир шапшот урай десам, бўйинг Ҳайит Солининг бўйидан ўсиб кетган, урмай десам, ўзингдан билиб бирор ишни қойиллатолмайсан, агар сан болани юришинг шу бўлса, бир кун келиб Рўзи Қурбонга ўхшаб лойга қорилиб юраверасан...

Иноят куйиб-пишиб, ўғлига авваллари айтмоқчи бўлиб, кўнглига тугиб юрган гапларини айтса-да, нимагадир жаҳли босилмади, нимагаки, қўшнининг айтган гапи шунча гапдан кейин ҳам унинг вужудини куйдирмоқда эди.

Туёқбекнинг оғзидан ароқ ҳиди келмаганида суҳбат чўзилмаган, Иноятнинг жаҳли чиқиб, бунчалик дарғаб бўлмаган бўларди. Шу кунгача ўғлини бирор марта бу қадар койиммаган, фақат эркалаган. Аслида ҳозир ҳам ўғлини қақртириб, бир-иккита насиҳат билан чекланмоқчи эди, лекин бурқсиб чиққан ароқ ҳиди уни жаҳл-

лантирди, ўғлининг шу туриши қўшнининг гапи қанчалик рост эканлигини исботлаб турган эди. Унинг устига, отанг ўтирган уйнинг томига чиқма, деган гап бор. Аммо ўғлининг бу қилиғи турган-битгани беписандлик бўлдики, худди ана шу нарса Иноятнинг нафсониятига тегди. Агар бунинг олдини ҳозир олмаса, эртага кеч бўлишни дилдан ҳис этди. Тўғри-да, эртага гапинга қулоқ солмайди, индинга қарабсанки, пешҳезлик қилади, ҳаял ўтмай ёқангга чанг солади. Нега бу ҳақда олдинроқ ўйламаган экан? Олдинроқ ўйлаганида бу гапларга ҳожат қолмаган бўлармиди. Ҳозир ҳам кеч эмас!

— Попурисинг борми? — деди Иноят муаллим ноҳушлик билан.

— “Саратон”, чекаверасизми? — Туёқбек шимининг орқа чўнтагидан ғижимланиб кетган папирос қутисини чиқариб отасига манзират қилди.

— Гўр бўлмайди, мияни қатиғи чиқиб кетди-ку, ол биттасини!

Иноят ҳоврини босиш учун папиросни босиб-босиб тортган эди, аччиқ тутин томоғини куйдириб юборди.

— Қандай чекиб юрибсан буни? Заҳар-ку бунинг! — деди қўлидаги папиросни деразадан ташқарига улоқтирар экан.

— Шуни чекмасаларинг бирор жойларинг камайиб қоладими? — деди Моҳира ая. — Ўпкаларингни чиритади-ку, бунинг пулига рўзғорга бир нима кўтариб келсаларинг бўлмайди?

— Эй, она, сиз билмайсиз-да, гапираверасиз, — деди Туёқбек совиб қолган чойдан ҳўпларкан.

Моҳира аянинг дили ранжиди.

— Ҳе, яхши, сен биласан, — деди ўғлига ёвқараш қилиб. — Чойингни ич, ишга кеч қоласан... Айтгандай, кўпам санғиб юрма, бугун вақтироқ келгин, кечқурун опангникига ўтмоқчи эдик, язнанг курортдан келибди.

Туёқбек аввал отасига, сўнг онасига синовчан қаради.

— Бу кечқурун келолмайман.

— Яна нима иш чиқиб қолди? — деди Иноят норози оҳангда. — Яна Бўрон шағол биланми? Билиб қўй, бола, агар яна ичсанг, уйга пойқадамнингни босма, билдингми? Ўшанақасига даф бўл!

Отасининг олдинроқ хулоса чиқариб қўйганидан Туёқбек хафаланиб, қўлини ҳавода силкитди.

— Нега унақа дейсиз, охи? Биров ичаман деяптими сизга? Бугун газетала навбатчиман, эрта эрталаб келаман, — деди ўрнидан турар экан. — Опангникига эртага бора қолайлик.

Иноят хотинига қаради, хотини елка қисди.

...

Пиширилган сутни сузиб олиш учун Моҳира ая ташқарига чиқиб кетди. Иноят уйда ёлғиз қолди. У чой қуйиб ичди, чойни ичгач, бўш пиёлани кафтлари орасида ўйнатиб, кўзини бир нуқтадан узмай чуқур хаёлга ботди, ўтган умри давомида қилган ишларини, қандай умргузароқлик қилганларини хотирлади. Одам бир тушқун аҳволга тушганида, бир шодланганида босиб ўтган йўлига назар ташлар экан. Айниқса, биринчи ҳолатга тушганида фақат омадсизликларини эсларкан. Мана ҳозир кўз ўнгидан кўрган умрининг ғам-ташвишлари, шодликлари кино лентасидай лип-лип ўтиб турибди.

Раҳматли Болта бошбухнинг Холжонига ошиқ бўлганлигини эсларкан, оғзининг таноби қочиб, ўзича

жилмайиб қўйди. Бу ҳақда узоқ ўйламади, ўйлашга қанча тиришса-да, хотирида қоладиган бирор иш йўқ экан. Тўғри-да, у ёғидан ўтиб қарасанг ҳам, бу ёғидан ўтиб қарасанг ҳам, ораларида айтарли бирор гап бўлмаган, бор-йўғи бир марта пахта пунктдан қайтаётганида тракторининг кабинасига миндириб туман марказидан Ялангбошгача, тўғриси Ялангбошга кираверишдаги кўприкнинг олдигача обкелиб қўйган. Ўшанда қиз туман марказидаги гиламчилик фабрикасида ишларди, пахта мавсуми бошланди дегунча марказга қатнайидиган автобусларнинг ҳаракати тақа-тақ тўхтарди. Холжон йўловчи машина кутиб турганида Иноят тракторини тариллатиб келиб қолган-у, қизнинг йўлини яқин қилган. Қиз одамлар гап қилади деб, қишлоққа кираверишдаги кўприкнинг олдида тушиб қолган. Ўша туман марказидан келаётганида қизнинг юмшоқ биқинига бир-икки марта тирсаги теккан, қиз ўшанда Иноятга қараб жилмайган, лекин бир оғиз ҳам гапирмаган. Ундан кейин кўп бор тўйларда Холжонни учратган, учратган-у, шу қиз кўнглига ўтиришиб қолган. Отаси: “Кўй, ўғлим, улар баланд охурдан ем еб юрган одамларнинг қизи, бизга тўғри келмайди”, деганига қарамай, қизга уйланаман деб туриб олган. Отасининг гапи тўғри чиққан. Қиз айтганимиздай Иноятнинг қора мойга ботиб юришини айтиб, қулчиликка борганларнинг йўлига чим босган. Болта бошбухнинг қизи ҳақидаги хотиралари шу эди. Кейин шаҳарга бориб ўқишга киргани, талабалик, сўнг мактабга ишга келгани — буларнинг ҳаммаси алоҳида-алоҳида хотира. Бу хотираларнинг юзага келишида Болта бошбухнинг қизи — Холжоннинг ҳиссаси бор-да! Совчиларнинг йўлига чим босгани, қора мойга ботиб юришини юзига солгани учун шартта тракторчиликни ташлаб шаҳарга кетиб қолди. Ўшанда қасдма-қасдига шу ишни қилмаганида, ҳозир ҳам қора мойга ботиб юрарди-да. Эҳтимол ҳаёти бошқача бўлармиди. Ўттиз уч йил бўлибдики, мактабда муаллимлик қилади. Эҳ-ҳе, шу ўттиз уч йил ичида унинг қўлидан қанча болалар учирма бўлиб кетмади. Ҳозир ўша болаларнинг ҳар бири камида битта курсичанинг эгаси бўлиб ўтиришибди. Иноят уларни тўй-маъракаларда, кўча-кўйда кўриб қолса, ёнидаги тенгдошларига фахр билан мақтаниб қўяди: менинг ўқувчим! Менинг шогирдим!

Шогирдларнинг ҳаммаси ҳам ўз ҳурматини жойига қўёлмаскан. Шогирдинг нобоб чиқса, тагинга сув қуяркан. Хўжаликнинг собиқ раисининг ўғли Фахриддинга дарс бераётганида, шу бола бир кун келиб ўзимга хўжайин бўлади, деб ўйламаган экан Иноят. “Буларга вақтида билим бериб қалбини қиздирдим-у, бугунга келиб булар ўзимнинг кўнглимни муздай совутиб ўтирибди!”

Шу кунларда Иноятнинг юлдузи, узоқ эмас, яқиндагина ўз қўлидан учирма бўлган Тошан Чорининг ўғли, мактаб директори Фахриддин Чорининг юлдузига тўғри келмай қолган. “Биз қаридик, пуф сассиқ бўлдик-да, буларга! Булар доно, биз саводсиз бўлиб қолдик. Бир пайтлар ушугимизни эшитиб одам бўлганлар, бугун ўзимизга «ушук» айтиб ўтирса-я!” — хаёлидан ўтказди Иноят.

Фахриддин мактабга оддий ўқитувчи бўлиб келган дастлабки йилларда ўзининг ўқитувчиси Иноятнинг ҳурматини жойига қўйди, директорликка кўтарилдию айниди-қолди. Мансаб одамини бузаркан-да, а? Уста-шогирдлик муносабатларига дарз кетишига Иноятнинг мактабга чопон кийиб келиши баҳона бўлди-ю, иккаласининг ўртасида одам ўтмас хандақ пайдо бўлди. Рай-ОНО вакиласи туфайли юзага келган жоғоро ўртала-

ридаги хандақни жарликка айлантирди. Буларнинг бари ўртага тушган совуқчиликка баҳонаи сабаб бўлолмайди. Аслида буларнинг ҳаммасига сабаб-мақсад битта, у ҳам бўлса интиқом. Иноят ўзича шундай деб ўйлайди. Эҳтимол, ўйлагани ростдир, яна ким билади, дейсиз? Бир пайтлар Иноят билан Тошан Чори ўртасида жарлик бор эди, энди шу жарликни Тошан Чори ўғли Фахриддин билан Иноятнинг ўртасида қазмадимикан? Иноят бу жарликдан қўрқмасди, лекин масаланинг нозик томони бор эдики, бу унинг дилига хижиллик солиб турарди. Нафақага чиқишига уч-тўрт йил қолганида шу жарликка қулаб кетишдан чўчирди. Масаланинг нозик томонини сезган Фахриддин Чори унга дадил-дадил хужум қиларди...

Муаллимликни битириб, мактабга янги ишга келганининг дастлабки йилларида Иноятнинг хўжалик раҳбари Тошан Чори билан муносабати яхши эди. Бир куни Иноятнинг ҳовлисига бригадир Умрзоқ Ҳожи кириб келди. Шиллиқ кўз, қоқсуяк бу кишининг чувак башарасидан нақ қишнинг қирчиллама чилла совуғи уфуриб турарди. У ҳовлига кириб у ёқ-бу ёққа аланглаб қаради ва ҳирқироқ овозда гап бошлади:

— Малим ука, — деди Умрзоқ Ҳожи шиллиқ кўзини яна-да хунуқроқ қисиб, — ўзиз малим бўлсайизам ферма мудирини бир чўқишда қочириб юборасиз. Бир кўра қўй, беш-олтита қорамол. Яна бир этак парранда-ю дарранда. Шуларга қарашга вақтни қаердан топасиз? Ёки мактаб бачалар қарашиб турадимиз, а?

— Нега энди, ўзимиз эплаймиз ҳаммасини, — деди Иноят ижирганиб. — Бизнинг ҳовлимизга қайси шамоллар учуриб келди? Қани, картга чиқинг.

— Раҳмат, Иной ука. Вах зиқ. Мани раис бобо юборган эдилар.

— Хўш, хизмат?

— Шу десайиз, Иной ука, эртага областдан камиссия келаркан, чарвочилик бўйича. Энди ўзиздан қолар гап йўқ. Фермадаги молларнинг сумбати ҳаминқадар. Комиссияга кўрсатишга ҳам ярамайди жониворлар. Раис бобо “бир-икки кунга одамларнинг қорамолини олиб турайлик, камиссия кетгандан сўнгин қайтариб берамиз”, дедилар. Шунга келган жойим. Агар, хўп десангиз, молларингизни олиб кетсак, ҳарна икки-уч кун текин ейди молларингиз. Нима дейсиз шунга?

— Ўша раис бобо кимни алдамоқчи, бу қилиғи билан? — деди Иноят қалт-қалт титраб. — Ўзини алдайди, халқни алдайди! Бориб айтинг, муаллимни кўзбўямачиликка берадиган моли йўқ экан, денг...

— Менга бақирманг, Инойжон, мен бир кичик одамман, буюрилган ишни қиламан, — деб шиллиқ кўз Умрзоқов Ҳожи илондек совуқ ўрмалаб ҳовлидан чиқиб кетди.

Воқеанинг эртаси куни раис Тошан Чорининг ўзи Иноятни хузурига чақирди. Иноят шоп мўйлов, қирғий бурун, савлатидан от хуркадиган Тошан Чорининг хузурига ҳеч нарсадан хабари йўқ одамдек кириб борди.

— Кел, тортинма, — деди Тошан Чори аввалига юмшоқроқ гапириб. — Янги тойчага ўрганиб қолдингми?

— Қанақа тойчага, Тошан ака? — деди Иноят гап нима ҳақда бораётганини фарқламай.

Тошан Чори пихирлаб кулди.

— Эй, ҳали тойчани ҳам билмайсанми? Янги келин билан апоқ-чапоқ юрибсанми, деяпман.

Бу қочиригандан Иноятнинг жаҳли чиқиб, тумсайиб, раиснинг кўзига тик қаради.

— Шу гапни сўраш учун чақирмаган бўлсангиз керак?

Тошан Чори кулгидан тўхтаб, жиддий қиёфага кирди.

— Кеча Умрзоқ Ҳожини қуруқ қайтарибсан? Раиспайсингни танитайман, дебсан! Қачондан бери? Тракторди патиллатиб юрганингда биз сени қўлингга қуруқ қайтармаган эдик-ку. Запчас десанг, запчас, у десанг у, бу десанг бу берганмиз-ку!

— Энди у бошқа масала эди, — деди Иноят хижолатпазлик билан. — Кейин у нарсаларни ўзим учун сўраганим йўқ эди.

— Иккаласи ҳам битта масала, бир-биридан фарқламай қўяқол. Ундан кўра “бермайман” дея қўй, гап тамом. Бизам ўзимиз учун сўраётганимиз йўқ, шу хўжаликни обрўйи учун сўраямиз.

— Тошан ака, — деди Иноят ялинчоқ оҳангда. — Қилаётган ишингиз жиноят-ку. Кўзбўямачилик-ку! Бунақа обрў кимга керак?

Тошан Чорининг авзойи бузилди.

— Малим бўлиб сиёсий онглари ўсибди-да! Бизга ақл гатаяпсизми? Хўжаликнинг обрўйи сени обрўйинг эмасми? Ақл ўргатмасдан, чиқиб кет бу ердан! Сеникисиз ҳам фермани молга тўлдирдик. Ҳозир РайОНОга сим қоқиб, сен бузғунчини адабингни бермасам, Тошан Чори отимни бошқа қўяман!..

Ўшанда Тошан Чори райОНОга сим қоқиб, Иноятнинг таъзирини беролмаган, нимагаки, тафтишчилар келган кун ферманинг молбоқари гўрлик қилиб сирни очиб қўйган. Ҳаммаси жойида деб келаётган тафтишчилар ишни бошқатдан бошлаб, Тошан Чорининг қилгиликларини очиб, лавозимидан олдириб ташлашди. Туман газетасида “Кимни алдайсиз?” деган фельетон ҳам босилиб чиқди. Тошан Чорининг юзи халқ олдиди шувут бўлди. Анчагина хонанишин бўлиб, уйда қамалиб олди... Бу воқеа бўлиб ўтган вақтда Тошан Чорининг ўғли Фахриддин институтнинг охириги курсида ўқирди. Шунинг учун отасининг “кетишига” Иноятнинг қўли бор деб келади...

Кеча йўлакда Иноят Фахриддин билан рўбарў келиб қолди.

— Эртага йиғилиш бўлади, дарсингиз бўлмаса ҳам оч қолмай мактабга келинг, — деди Фахриддин таъқибли кулиб.

Иноят индамади, фақат бошини ликиллатиб қўяқолди.

— Ҳар ҳолда “чопон масаласи”ни кўрмаймиз, — деди Фахриддин.

Бу гапи билан Иноятни чаёндек чақиб олди. Иноят шайтонга ҳай берди, чидади...

Нега энди Фахриддин Чорини эслаб қолди? Ахир ўглининг тарбияси ҳақида ўйлаётган эди-ку! Ҳа, қўшнисини Норпош хола: “Пахриддинга бориб айтсамми”, деганди, Иноят бу сўзини ўзича тўлдирди: “Фахриддинга бориб айтаман, эрингни ишдан ҳайдайди! Битта аммасини ҳимоя қилолмаган жиян, жиянми?” Шундай демоқчи бўлган, Иноят шундай хулосаланди...

— Курумсоқ! — деди Иноят жаҳл билан қўлидаги пиёлани дастурхон устига думалатиб юбораркан. — Муттаҳам!

Нариги хонани йиғиштираётган Моҳира ая эрининг овозини эшитди. Қилаётган ишини тўхтатиб, ўша томонга кулоқ тутиб турди-да:

— Бирор нима дедингизми менга? — деди ва эри ўтирган хонага кириб келди.

— Йўқ, ўзим, — деди Иноят қўлини мушт қилиб иккинчи қўлининг кифтига урар экан. — Директоримизни айтаяпман, кеча жамоа олдида масхара қилди, падаркусур. Ўқитувчилар хонасига кириб, тўртта қўйни юзимга солди. “Сиз яхшиси, ўқитувчиликни йиғиштириб, Ашур пакана билан чўпонлик қилинг”, дейди.

Моҳира аянинг юзи тумшайиб, жаҳли чиқди.

— Бу одамлар қай гўрдаги бало-батталарни қовлаштириб юришади-да! Аммаси товуқ боққанингни кўролмайти, жияни қўй боққанингни кўролмайти, мана кўрасиз ҳали, қорамолларимиз ҳам кимнингдир қитиқ патига тегаети. Билмадим, одамларга бир бало бўлганми ўзи? Қўйлар билан нима иши бор экан уни?

— “Қўйларни нега мактабга олиб келасиз?” дейди. Ҳайронман, қўйларни дарсга нима алоқаси бор экан, қўйларни ўзи ўтлаб юрса, бировга зиёни тегмаса, танаффусда у ердан бу ерга жойини алмайштириб қўяман, холос. Баъзида болалар ёрдамлашади. Уйимда дастерим бўлмагандан кейин қўйни ўзим боқаман-да!

— Қишлоқда малимларни тирикчилиги шу тўртта туёқ эканлигини билладими ўша директорингиз? Ундан кўра ойлигингизни кўтарсин!

— Билади! — деди Иноят хотинининг гапидан хулоса чиқариб. — Билади, фақат мактаб атрофидаги ўтларни мендан қизғанапти. Ёзда шу ўтларни болаларга ўрдириб олади-да. Мен ҳам айтсам бўларди-ку, битирувчиларга гишт тўқдириб, одамларга сотганини, лекин одам истиҳола қилади. Ҳали ҳам биз ўзбекларда андиша борда! Андишани оти кўрқоқ, деганлари рост, ўзи шартта-шартта юзига айтиш керак.

— Одамлар шунақа бўлиб кетган: ўзи еёлмаган нарсани бировга ҳам раво кўрмайди. Қўйинг энди, ҳар насага хафа бўлаверманг, гапиради-гапиради, яна ўзи жим бўлиб кетади. Ҳозиргиларга меҳр-оқибат қолганми ўзи? Бўлмаса ўша Пахриддин, ўзингиз ўқитган бола, тўғрими? Агар ўшанда одамгарчилик бўлганида, келиб-келиб сизга шу гапларни айтиб ўтирармиди? — деди Моҳира ая қўлини силтаб.

Иноят ўрnidан кўзгалди.

— Попкамни олиб чиқ! — деди хотинига зарда билан.

— Бугун мактабга бормаيمان, дарсим йўқ, деётган эдингиз-ку.

— Тўғри, дарсим йўқ, лекин кеча ана у гўрсўхта тайинлаган эди, йиғилиш бўлади деб. Бормасам, яна бирор дилсиёҳлик чиқмасин.

Иноят муаллим папкасини қўлтиқлаганча дарвозадан чиқиб кетди.

Туёқбек маданият-оқартув техникумини битириб, ўз мутахассислиги бўйича ишламади. Мутахассислиги клуб ишларини ташкил этиш бўлишига қарамай, устози Бўрон Жавҳарий туман газетасининг муҳаррири Тўра Камолни авраб, қўшимча иш ўрни олдириб, Туёқбекни мусаҳҳиҳ қилиб ишга жойлади. Аслида, тахририятдаги ходимларнинг бирортаси соҳага алоқаси йўқ кишилар, уларнинг бири муаллимлик курсини битирган бўлса, бири қишлоқ хўжалик техникумини тамомлаган. Шуниси қизиқки, муҳаррирнинг ҳайдовчиси Ҳалимжон политтехника институтини тамомлагану, азбаройи шеъринятга қизиққанидан шу ерга келган экан. Қолганларни бу ерга етаклаган бирдан-бир нарса — адабиётга бўлган муҳаббатлари. Тил ва адабиёт ўқитувчиси Ҳусанбоевнинг Туёқбекка “сенда талант бор” деб айтганидай, булар-

нинг қулоғига кимдир, қачондир шу гапни қуйган. Энди улар шу ноёб “талант”ни уйғотиш учун газетга ишга келишган. Шаҳарда бунақа талантларга унчалик эътибор беришмайди, лекин қишлоқда уларнинг ўз ўрни бор, ҳурмати бор, ўтиришларнинг, тўйлар ва меҳмондорчиликларнинг тўри шуларники, кимсан—шоир, кимсан — газета ходими! Бизнинг Туёқбек ҳам шу тоифанинг одами. У мактабда ўқиб юрган пайтларида ўзича шеърлар машқ қилиб юрарди. Ажойиб кунларнинг бирида адабиёт ўқитувчиси Хусанбоев дарс пайтида уни ўрнидан турғазиб, томдан тараша тушгандай: “Туёқбек, сенда талант бор”, деган унинг елкасига қоқиб. Ўшанда Туёқбек бу мақтовдан қанчалик қувонган бўлса, ўртоқлари олдида шунчалик қизарди, сабаби, мактабда унга ўхшаганлар ёмғирдан сўнг бодраб чиққан кўзиқориндай кўпайиб кетган эди. Кўшни саккиз йиллик мактабдан келган бир гуруҳ болалар ичида исми-жисмига ярашган Одина деган қиз шеърлар ёзар эди, унинг шеърлари туман газетаси тугул, республика болалар нашрларида ҳам эълон қилинган. Шу қиз Туёқбекларнинг синфига келди-ю, бутун синф шоирликни ҳавас қилиб қолди. Туёқбек Одина билан бир партада ўтиргани учун Хусанбоевнинг ташбеҳидан қизариб кетган эди.

Хусанбоев бу гапни Иноятга ҳам айтди. Иноят Хусанбоевга мийиғида кулиб, “шунақами” деб қўйди. Яна бир куни ўқитувчилар хонасида Иноят билан холи қолганларида Хусанбоев ўз фикрини равшанлаштирди.

— Домла, — деганда ўшанда у меровлиниб. — Туёқбекнинг шеърлари бошқаларникидан дурустроқ. — У “бошқаларникидан” деганда, мактабдаги ҳаваскорларни назарга тутган эди. — Туман газетаси муҳаррири Тўра Камол билан гаплашиб, шеърларини чиқартирсангизчи. Тўра Камол ҳам ўзимизнинг қишлоқни одами, қолаверса, қўлингизда ўқиган, сизни ҳурмат қилади. Бир оғиз айтсангиз, йўқ демас, Туёқбекнинг муваффақияти бир ҳисобдан сизнинг обрўйингиз...

— Қўйинг, бизни ўғилди қорни тўқ. Қорни тўқдан шоир чиқishi даргумон, — деганди Иноят унинг гапни бўлиб. — Тўра Камолга келсак, унинг олдига нима деб бораман? Ўғлимни шоир қилиб бер, дейманми? Агар Туёқбекнинг сиз айтганчалик қобилияти бўлса, ўзи ўша газетга борсин, у ерда ҳам шеърни тушунадиганлар бор чиқар, шеъри яхши бўлса чиқаришар...

Хусанбоевнинг маслаҳати билан Туёқбек ёзганларини кўтариб туман газетасига ийманибгина кириб борди. Тепасига “Маданият ва адабиёт бўлими” деб ёзилган эшикни қиялатиб, ичкарига мўралади. Тўғрида қирриқ, эти суягига ёпишиб кетганидан икки юзи тўмтайиб чиққан, кўзлари ботик, тепакаллигини яшириш учун орқадаги бир тутам сочини олд томонга тараб қўйган киши қўлини манглайига тираб, ёнидаги бир даста қоғозга термулиб ўтирарди. У қоғозлар устига шунчалар мук тушган эдики, ҳатто эшик очилганини ҳам сезмади. Туёқбек эшикни чертганидан сўнг у боқини кўтарди. Унинг шу туриши нақ арвоҳга ўхшаб кетарди...

Ходим аввалига Туёқбек узатган дафтарни ҳафсала-сизлик билан варақлаб чиқди, шеърларни айримларини ўқиган киши бўлиб кўз югуртирди, сўнг дафтарни ёпти-да, бармоқлари билан столни тикирлатиб, димоғида алақандай байтни қироат қилганча:

— Анчадан буён ҳавасакка шеър машқ қиласанми? — деди ингичка бармоқларини кенг-кенг бурун катакларига тикиб қовларкан.

— Ҳа, анчадан буён, — деди Туёқбек бўйини елкаси ичига олиб, ходимнинг ҳаракатларини кузатар экан.

— Қайси калхўздансан ўзи? — деди ходим чўнтагидан сигарета чиқариб, лабига қўндираб экан.

— “Меҳнат-роҳат”нинг Ялангбошиданман, — деди Туёқбек.

Ходим лабига қўндирилган сигаретасини қўлига олиб, пихиллаб кулди.

— Жавҳарийнинг шогирдлариданман, дегин! Шапшап дегунча шафтолу демайсанми? Жавҳарийни танийсанми ўзи?... “Ишқингда жон берайин, сени шайдонг Жавҳарий...” Шунақа ғазални ўқитганмисан? Замонавий классик.

Туёқбек Жавҳарийни жуда яхши танирди. У туман маиший хизмат уйи директори муовини вазифасида ишлайдиган, “Жавҳарий” тахаллуси билан туман газетаси саҳифаларида шеърлари босилиб турадиган, ялангбошлик Шойим чўпоннинг ўғли Бўрон Саломов деган киши эди. Бўронбой, айниқса, қишлоқдаги тўйларда давракашлик қилиши билан туманда гуручнинг оласидек кўзга ташланиб қолган. Ичиб юришини ҳисобга олмас, бинойидек қишлоқ шоири. “Ичмасам илҳомим келмайди”, дейди Бўронбой. Илҳом париси ароқнинг ҳидига ўч бўлармиш...

— Ҳа, танийман, у киши бизни уйдан тўрт-беш уй наридаги ҳовлида турадилар, — деди Туёқбек.

— Унда гап бундай, ука, — деди ўзини Қамбар Азиз деб таништирган бўлим мудирини. — Ёзганларингда ниманингдир учқунни бор, бу учқунни пуфлаб ўт олдириш керак. Бунинг учун сенга битта пуфловчи, яъни устоз даркор. Сен ўша Бўрон акангдан маслаҳат сўрасанг, у киши сенга атрофлича маслаҳат беради, деб ўйлайман. Лекин, ука, биз билан алоқани узиб қўйма, тез-тез келиб тургин...

Туёқбек хафа бўлмади, қайтанга хурсанд бўлиб, дафтарини қўлтиғига қистирганча ходим билан хайрлашди...

Қишлоқ йўлида унинг олдидан Бўрон Саломовнинг ўзи чиқиб қолди. У велосипедининг орқа ўриндиғига бир боғ ўрни ортиб, даладан қайтаётган экан.

— Иной домлани ўғли, қалайсан? — деди Бўронбой биринчи бўлиб.

— Саломалайкум, Бўрон ака! Сизга Қамбар Азиз деган жўрангиз салом деб юбордилар, — деди Туёқбек Бўрон акаси билан қўл олишиб.

— Сен тирмизак, Қамбар Азизни қаердан танийсан? — деди Бўронбой Туёқбекнинг қўлини қўйиб юбормай.

— Бугун редакцияга шеърларимни олиб борувдим, ўша киши: “Сен Бўрон акангдан маслаҳат сўра, у сенга йўл-йўриқ кўрсатади”, дедилар.

— Эй, ҳали сен шеър ҳам ёзасанми? Бизни нонни яримта қилиб қўйибсан-ку, ука. Қани, ёзганларингни менга кўрсат-чи.

Туёқбек қўлидаги дафтарни Бўронбойнинг қўлига берди. У дафтарни париллатиб варақлади, ҳатто номига бўлса-да, бирорта шеърни ўқиб кўрмай, дафтарни этининг кўнжига тикиб қўйди.

— Дуруст, кечкурун уйлариңга ўтаман, бу масалада отанг билан гаплашиш керак. Шеър чиқариш сенга қовурилган картошка эмас, — деди кўзини маъноли қисиб.

Куёш қизғиш тортиб, тоғлар ортига яширинай деб турганида Иноятнинг кўш табақали дарвозаси тақиллаб қолди. Дарвозани очиб, Бўронбойни ичкарига олиш-



ди. Иноят Бўронбойни ёқтирмасди. Лекин меҳмон ўз оёғи билан келгандан кейин уни остонадан ҳайдаб бўлмайди-ку. Бўронбой йўлак бўйлаб юрар экан, кўрада ўтлаб турган кўю кўзиларга суқланиб қаради.

— Кўйларни кўпайтириб юборган экансиз-да, дейман? — деди кўра томонга ишора қилиб. — Жониворларга қараб туриб, ўғлингизни ижод борасидаги истиқболни порлоқ эканлигини ҳис этиб турибман.

— Кўйларни ижодга қандай алоқаси бор, Бўронбой? — савол назари билан қаради Иноят.

Бўронбой “шунчаки” дегандек мийиғида кулиб қўйди...

Дастурхон устида “меҳмон” шеърят, унинг машаққати ва икир-чикирлари ҳақида узоқ гапирди.

— Ўғлингизнинг ажойиб шеърлари бор экан, — деди сийрак тишларининг ковагида тиқилиб қолган гўштни гугурт чўпи билан тозалаётди. — Буни табриклаш керак! Энди, домла, ўзингиздан қолар гап йўқ, меҳнатни юзга чиқаришни ўзи бўлмайди, тем боле, газетага. Ўғлингиз қирови тўқилмаган шоир. Ўзингизга маълум, ҳозирги замонда сендан угина, мендан бугина, деган гаплар бор. Пичоқни ҳам чархлаган билан ўткир бўлиб қолмайди, уни қайроқ тошга ишқалаб олиш керак, яъни қировини олиш керак...

Иноят меҳмоннинг кўнгли учун унинг гапларини бошини тебратиб маъқуллаб ўтирарди. Гапларини маъқулламас эдику-я, Бўронбой гап аввалида “Ичишни ташладим, домла”, деган гапидан кейин Иноятнинг кўнгли ийиб кетди. Бўронбой эса ўртача тарвудай келадиган қорнини силар, ҳар замон-ҳар замонда кигизнинг бир четини кўтариб, чирт этиб тупуриб қўяр экан, суҳбатдошини ўзининг гапларига ром этишга ҳаракат қиларди.

— Мана, домла, биз ҳам кўз ўнгингизда униб-ўсдик. Ўзингиздан илк сабоқни олдик, сўнг шаҳар бориб одам танидик. Лекин ижодкор учун қишлоқдан кўра шаҳар маъмулроқ. Нега деганда, шаҳарда адабий муҳит катта, ҳамма казо-казо ижодкорлар, катта-катта газета-журналлар ўша ерда, ундан кейин шаҳарда одамнинг кругозори кенг бўлади. Қайси бир ёзувчимни ё файласуфни айтган: “Буёқ кишилар қишлоқда туғилиб, шаҳарда ўлади”. — Бўронбой мақсад сари интилар экан, қўлларини тиззаларига уриб чуқур хўрсинди ва яна бир сўлиш олиб, фикрини давом эттирди: — Ўзим ҳам яна шаҳарга кетиб қолай дейман-у, иложи йўқ-да. Болалар кўпайиб қолди, домла. Бола-чақали бўлгандан кейин ижод учун имконият тополмаскан киши. Вообше Навоий хотин олмай тўғри қилган экан. Бундай олганда, хотин деганини турган-битгани гурбат. Биз эркаклар шу жумбоқни ечамиз деб, бутун умримизни беҳуда ўтказиб юборамиз. Аслида шоир халқига хотинни кераги йўқку-я, аммо яратган эгам ҳамма нарсани жуфти билан яратган бўлса на илож?! Иноят муаллим бошини тебратиб кулимсиради.

— Ношукр бўлманг, мулло Бўрон, аялли бўлгани яхши! Иссиқ жонни иситмаси бор, ётиб-туриши бор, ана шунақа кунда сизга бегона эмас, ўзини аялизи қарайди, бўтам, бегонаси келиб қарасин-чи, — деди Иноят Бўронбойга чой узатиб. — Аялли камситманг! Эру хотин кўш хўкизи, деганлар, сиз оилани хўкизи бўлсангиз, аял ҳам бир хўкиздай гап.

— Бир ҳисобдан гапингиз тўғри, домла. Хотиним бечора ипақдай мулойим, ишчан... Лекин битта маслаҳатим: Туёқбекни вақтли уйлантирманг! Аввал роса ижод қилиб, ўзини танитиб олсин, танилиб олгандан сўнг қизларнинг ўзи ошиқи-беқарор бўлиб қолади. Ўшанда

сиз эмас, қиз томон совчи юборади, домла... Шеърлар масаласига келсак, Тўра Камол билан гаплашиб, газетага чиқартираман. Тўра ўзимизни одам. Лекин масаланинг бир “но”си бор.

— Қанақа “но”си, Бўронбой?

— Озгина машаққат чекиш керак!

— Нималар деяпсиз, мулло Бўронбой? Нишхўрт гапларни қўйинг. Хотирингиз жам бўлсин. Туёқбек ҳар қандай машаққатга чидайди!

— Сиз гапимга тушунмадингиз, домла, бу мутлақо бошқа машаққат, — деди Бўронбой бошини сарак-сарак тебратиб. — Мен боя нимага кўйлар ҳақида гапирдим?

Иноятнинг қувноқ чеҳраси бирдан тундлашиб, жиддийлашди. “Бу ноинсоф бир нимани таъма қияпти”, деб ўйлади ичида.

— Бирор кунимизга яраб қолар, деган ниятда учтўртта кўй боқиб юрибмиз. Кўй хазинадай гап, керак бўлиб қолса сотибми, сўйибми, кунингизга кор қиласиз, — деди Иноят дастурхон четигаги нон ушоқларини бармоғининг учи билан бир жойга тўплар экан. — Агар яккаю ягона ўғлим учун бўлса, битта-иккита кўй нима деган гап? Кўй одамдан азиз бўптими?

Иноят бу гапларни ўлар кунидан айтаётгани, Бўронбойни таъмагирликда айблаётгани, “Битта кўй ҳам бунга хайф” деётганини унинг юзига тепчиб чиққан эди. Бўронбой муаллимнинг қиёфасидаги бу каби ўзгаришларни ё сезди, ёки сезмади. Чордона қуриб ўтирган оёқларига рапидадай қўллари билан шапатилаб, муғом-бирона кулди.

— Домла, ана энди кўй билан ижод бир-бирига нақадар боғлиқ нарса эканлигини фаҳмладингиз чоғи? Яна кўнглингизга бошқа нарса келмасин. Мен ўзимга сўраётганим йўқ, ўзингиз биласиз, бу жониворлардан бизда ҳам кўп. Мен демокчиманки, агар сиз рози бўлсангиз, шу кўйларингизни бирорта ориғоғини сўйиб, Тўра Камолни бир меҳмон қилсак. Менимча, бу тадбир Туёқбекнинг ижодига кескин бурилиш ясаши турган гап, — деди Бўронбой. — Яна ўйламанг: ишни қилади Тўра, кайфини сураб Жўра...

Иноят ўйлаган нохуш хаёлларидан кечди. “Нотўғри мулоҳаза қилибман. Бечора менга қайишяпти”, хаёлидан ўтказди.

— Бўладиган ишни бўлгани яхши, мулло Бўрон, — деди Иноят.

— Эртага бўлақолсин бўлмаса, домла.

— Шундай қилақолинг, Бўронжон! Биз қочадиганлардан эмасмиз. Бекорга белимизга белбоғ боғлаб юрибмизми?..

Бўронбой гапнинг бердисида келганда, меҳмонларни эрта пешинда бошлаб келишни, зиёфатга битта кўй сўйиб, кабоб қилиб қўйишни тайинлаб ўрнидан қўзғалди...

...

Эртаси куни Иноят мактабга бирров кўриниш берди-да, уйга шошилди. Муртазо қассобни чақиртириб кўйнинг терисини шилдирди. Моҳира аянинг қўли қўлига тегмайди. Шу пайт Иноятнинг дарвозаси ёнига машина келиб тўхтади.

— Келишди, — деди Моҳира ая кўйларга янтоқ ташлаётган эрига қараб. — Бўлинг-бўлинг, келишди. Қўлингизни чайиб олинг...

Иноят қўлини қоқиб, меҳмонларга пешвоз чиқди. Отасига эргашиб Туёқбек ҳам дарвоза томон йўналди.

Туёқбек биринчи бўлиб бўлим мудири Қамбар Азиз билан кўришти. Қамбар Азиз “ҳа, шоир бола” деб унинг елкасига қоқиб кўйди.

Меҳмонларни ичкарига олишаркан, уларнинг хурмати учун Иноят меҳмонлар ёнида бўлди. Туёқбек елиб-югуриб хизматда, ҳали чой, ҳали овқат, ҳали у, ҳали бу ташиб, уйга кириб-чиқиб юраркан, зиёфат айнаи қиёмига етганда тўрда, ҳаммани оғзига қаратиб ўтирган бўлим мудири Қамбар Азиз Туёқбекни чақириб қолди.

— Ўв, шоир бола, қани бундоқ ўтирсанг-чи, — деди ёғли бармоқларини бир-бир яларкан, сўнг даврада соқийлик қилаётган Бўронбойга им қоқди. — Бўронбой, қани-й, шоир укамизга ҳам жиндаккина томизинг...

Бўронбой аввал Иноятга, сўнг Қамбар Азизга қаради.

Қамбар Азиз бўлса “қуйсанг-чи” дегандек яна имо қилди. Бўронбой ароқни қуйишга қўйди-ю, лекин Туёқбекка узатишга кўрқиброқ турди, нимагаки, Иноят унга тик қараб турар, Қамбар Азиз эса Иноятнинг бу ҳолатига эътибор бермай, қўйилган ароқни кўлига олиб, отасининг “ўғлим ичган эмас”, дейишига қарамай кўяр-да-қўймай Туёқбекка ичирди...

Ўшанда Туёқбек биринчи бор ароқни оғзига олганида отасининг кўзи косасидан чиқай деб кетди. Меҳмонлар олдида ўғлига бир нима дейишга чоғи келмай қолган бўлса-да, кўзига Қамбар Азиз ҳам, унга “қайишанг” Бўронбой ҳам бало-қазодай кўринди...

Бу меҳмондорчиликдан хабар топган мактаб директори Фахриддин Чори: “Иноят домлани газетадагилар билан ош-қатиклиги бор экан-да. Отамни шу муттаҳам фелетон қилдирган”, деган фикрга бориб, Иноятга зугумини янада оширди...

Иноят хаёл жоловини кўлидан чиқазиб юборган эди. У тутилавериб ранги униққан чарм папкасини қўлтиқлаганича мактаб томон кетиб борар экан, нафрат билан ўша воқеани эсга олган эди. Ўшанда хато қилганини мана энди англади. Афсус чўккан кўзларидан бу туйғуни сезиб олса бўлади, елка қисиб, муллою мўмин бўлиб келган, номаъқул бузоқнинг гўштини еган Бўронбойни дарвозахонанинг ўзида хайрлашиб, уйига киритмаслиги керак эди. Лекин қишлоқчилик, қўшничилик, ундан кейин “ўғлим шоир бўлса менинг обрўйим”, деган аллақандай ширин туйғу унинг фикру хаёлини чалғитган эдики, унинг бошқа нарсалар ҳақида ўйлашига асос қолмаган эди. Энди ўғил Бўронбойга кўшилиб, ичишни касб қилиб олгандан кейин Иноятнинг Бўронбойга бўлган хурмати заҳардек аччиқ нафратга айланганини мана шундай уятли бир ҳолатга тушгандагина пайқайди.

Иноятни маломатга мубтало қилган ўғли, ўғлининг шу йўлга кириб кетишига Бўронбой бош айбдор! Муаллим нимага шундай хулосага келди? Гуноҳни бировга тўнкаш ноиложликдан ўзига берилган таскин-тасалли эмасми? Ўғлини-ку тарбиялаб, йўлга солиш мумкин, бунга ҳали кеч эмас, лекин эл-юртнинг, маҳалла-қўйнинг гап-сўзини қандай жоловлаш даркор? Тигдан яраланган жароҳат вақт-соати билан битиб кетиши мумкин, аммо гап билан яраланган кўнгилни қанақа малҳам билан даволаса бўлади? Бу саволлар борган сари Иноятнинг елкасига оғир тош бўлиб ботарди. Агар, ўшанда кўнгилчанликка бормасдан Қамбар Азиз узатган ароқни, қулоқчаккасига бир шаппот уриб ўғлининг кўлидан олиб қўйганида шу кунлар бошига тушмасмиди? Ўшанда Бўронбойга рўйхушлик бермай, жеркиб берганида бу маломатлар қаерда эди?

Иноятнинг ўзига қолганида, айтганини қилмоқчи бўлиб, ўғлининг қулоғига чанг солганида, хотини ўртага тушиб унга изн бермаган.

— Бир пиёла ичса осмон узилиб ерга тушармиди? Ўғил бола, унинг устига бўйи етиб қолди, — деган Моҳира ая ўғлининг бошини силаб...

Иноят гуноҳни кимга ағдармасин, барибир кўнглидаги кичкина бир тугун борган сари чигаллашиб борар эди.

Иноят мактабга етиб келганида болалар катта та-наффусга чиқишган экан. У минг ўй-хаёллар билан ўқитувчилар хонасининг эшигини очиб, ичкарига мўралади. Хайрият, директор йўқ экан. Тўғридаги курсида ўтирган физика ўқитувчиси Ўсаров “киринг-киринг” деб манзират қилди. Иноят зўрма-зўраки тиржайди ва ичкари-лаб, эшикни ёпди. Хонада тўрт-беш ўқитувчи ўзаро суҳбатлашиб ўтиришарди.

Дарвозадан ташқарига қараб турган химия ўқитувчиси Собиров ўгирилиб Иноятга қаради. Иноят Собировнинг бу қарашидан сесканиб: “Тунд юзимдан бир нимани сезди чоғимда”, деган фикр ўтди хаёлидан. Собировнинг беғараз кулгусидан кўнгли биров таскин топди. “Хайрият, ҳеч нарсани сезишмабди”, Иноятнинг зардобга тўлган дилкосаси оз бўлса-да ором топгандай бўлди. Ҳорғин кишидек курсига чўкди. Курсига чўкиши баробар Собиров унга савол назари билан боқди.

— Эшитдингизми, йўқми, кеча тошотарлик мактаб ўқитувчилари бунт кўтарибди, — деди Собиров курсига ўтирар экан. — Тошотарликлар фаол чиқиб қолишди...

Иноят “хабарим йўқ” дегандек елка қисди, сўнг:

— Сабаби нима экан? — деди.

— Тошотарнинг дўконига келган молни мудир яшириб қўйган экан...

— Бизнинг Қобилбойга ўхшаб у ҳам устама нарх билан тадбиркорларга оширмоқчи бўлганда, Иноят ака, шунинг учун домуллолар бош кўтарган, — деди Ўсаров Иноятга, Собировнинг гапига қўшимча қилиб.

— Шундан кейин бирор нима ўзгарибдими? — деди Иноят папкасидан бир дафтар чиқариб бепарвогина варақлар экан.

— Ўзгарганда қандоқ, — деди Собиров. — РайПОнинг раиси Тўхлиев бу гап юқорининг қулоғига етиб бормасин деб, ура солиб Тошотарга етиб келибди-да, ўзи бош бўлиб яширилган молларни халққа соттирибди. Ҳатто бировга бўйин ёр бермаган Тўхлиев домуллолардан узр ҳам сўрабди.

— Сотувчининг пўстагини қоққандир ўша Тўхлиев? — деди Иноят азбаройи қизиққанидан кўлидаги дафтарни ёпиб, Собировнинг оғзига термулар экан.

— Ҳамма гап ана шунда-да! — деди Собиров столни жаҳл билан муштлаб. — Сотувчига бало ҳам урмаган. У Тўхлиевнинг туғишгани экан, агар туғишгани бўлмаганида бу ишга бош-қош бўлармиди? Ўзиникига қайтади-да! Султон суягини хорламас, деганлари шу-да!

Гурунган четга қолишни истамаган математика ўқитувчиси Дўстжонов ёзаётган нарсасини бир чеккага суриб гапга аралашди.

— Бизаям шунақа бир иш қилсак-чи, — деди Собировга маслаҳат солиб. — Зора бизнинг Қобилбойни ҳам эси кириб қолса. Биз прадўхта қидириб бошқа дўконларда санғиб юрмасмидик.

— Қўйинг шу гапларни, Мирсоат ака, — деди Со-



бирова қўлини силтаб. — Буларнинг лойи бир жойдан олинган. Қобилбой ҳам ўша Тўхлиевнинг ялоқхўри! Тўхлиев қиз чиқарганида артистларни устидан пул сочиб юборганини Сагторов ўзидан тўқиб чиқармаган бўлса керак. Қобилбой пул сочиб юборгандан кейин ўшалар билан товоғи битта бўлмай, нима? Депутатларимиз бу ишни бир ёқлик қилмаса, домуллоларни вафир-вуғури қаерга борарди? Улар тил топишиб кетади, ўртада домуллоларнинг обрўйи тўкилади. Қўйнинг, гармдори чайнаганимиз қолади, холос...

— Депутат, депутат, дейсиз! Депутатнинг биттаси Юнусхўжанинг хотиними? — деди Ўсаров Собировга зарда қилиб. — Ўша Юнусхўжангиз мени ҳамсоям бўлади. Ўтган куни бечора, нима дейди, денг: “Хотинимни талоқ қиламан”. Тинчликми, десам. “Бу хумса вилоят депутати бўлгандан буён мажлисдан бўшамай қолди. Ҳар икки кунда вилоят марказига югуради, икки-уч кунлаб, баъзан ҳафталаб ўшоқларда қолиб кетади. Бунақада на юришда, на туришда, на ейиш-ичишда ҳаловат қолди. Бундан кўра хотинсиз ўтганим маъқул”, дейди, Юнусхўжанинг хотини Гулсуной бинойидай фермада сигирини соғиб юрувди. Депутат бўлди-ю, фермани йиғиштириб қўйди.

— Ўзи, депутатликни эркакларга чиқарган, — деди Дўстжонов нохушлик билан. — Аялларга тегиб нима қилади шу катталарам. Бирор аял сал кўзга тушди дегунча, сайлашади. Сайлашдими, тамом, иштини бахридан ўтади... Э, астойдил ҳаракат қилса, молбоқардан ҳам депутат чиқаркан...

— Аввалгилари ҳам буларидан баттар эди. Қўяверинг, ҳукуматам сопқонни тортиб қўйган, бир куни бунақа қобилчалар, тўхлиевчалар сопқоннинг ўқиға учиб кетади, — деди Собиров Дўстжоновнинг гапига жавобан.

— Қачонгача сопқон тортиқлик тураверади? — деди Ўсаров. — Тортилган сопқонни вақтида отилгани дуруст, бўлмаса, ё овингиз қочиб қолади ёки ўқ мўлжалга тегмайди.

— Бизда баъзан мўлжалсиз ҳам сопқон тортаверадилар, — деди Собиров...

Собиров гапини тугатар-тугатмас эшик очилиб, илмий мудира Худоёрова, унинг кетидан ўн чоғли муаллим кириб келишди. Ҳамма жой-жойига ўтириб бўлгач, ўрта бўйли, қалин соч, ёш бўлишига қарамай, ўзига ярашмаган тарвузчадай қоринча қўйиб олган мактаб директори Фахриддин Чориев эшикдан кириши билан хонадаги гивир-шивирлар барҳам топди. Чориев ўтирганларга бир-бир қараб олди-да, дадил қадамлар билан тўрдаги, ҳар доим ўзи ўтирадиган курсига бориб чўкди. У ўтириши билан ўнг томонида ўтирган илмий мудира Худоёрова дик этиб ўрнидан турди, аввал қўлидаги қоғозга, сўнг Чориевга қараб олгач, йиғилишда кўриладиган масалалар тартибини ўқиб эшиттирди. Худоёрова қўлидаги қоғозни ўқийганида бошқаларга эмас, айнан Иноятга ҳар замон-ҳар замонда қараб-қараб кўяр, Иноят эса унинг бу қарашидан бирор маъно тополмас, лекин бу қарашда алақандай сир борлигини кўнгли сезиб, юраги така-пука бўлаверди.

Мактабдаги тартиб-интизом ва ўқувчиларнинг давомати хусусида Худоёрованынг ўзи маъруза қилди. Иккинчи масала: “Педагогнинг хулқ-атвори”, деган темада гапириш учун Чориев ўрнидан кўзгалди. Чориев гап бошлагандан олдин Худоёровага ўхшаб Иноятга галати қараш қилди. Бу қарашга дош беролмаган Иноятнинг юраги товонига тушиб: “Наҳотки, дарров етказган бўлса?” деган фикр хаёлидан кечди. Гарчанд хаёлини

чулғаб, уни беихтиёр қийнаётган киши қўшниси Норпош кампирнинг жияни эканлигини бутун вужуди билан ҳис қилиб турса-да, ақл кучи билан бу хаёлларни жиловлаб иш тутишига, шу пайтда ўзини ожиз сездики, беихтиёр Чориевга қарамасликка ҳаракат қилиб, бошини эгди.

Чориев мавзунини узоқдан бошлаб, охири гапни Иноят муаллимга келтириб тақади. Унинг бу зайлда иш тутиши, Худоёрованынг қарашидagi сирни ошкор қилиб қўйди.

— Сиз неча йиллардан бери шу мактабдан нону насибангизни териб, еб юрибсиз, — деди Чориев гап аввалини мулоимлик билан бошлаб. — Аммо ҳозирги пайтларда ўз устингизда ишламай қўйдингиз. Педагог ҳамиша изланишда бўлмоғи даркор, бу биринчи тарафи, иккинчи тарафи, жамоатчилик орасида педагог обрўсини тўқаяпсиз! Дарс ўтиш ўрнига болаларга ушук айтиб берасиз, болаларни фикрини чалғитасиз, алми-соқдан қолган қахрамонликлар ҳақида ваъз ўқийсиз. Программани бир четга суриб, бульдозерчи Бойқўзиевнинг кўрсатган жасоратларини Алпомиш кўрсатган жасоратга тенглаштирмақчи бўласиз...

— Бойқўзиевнинг жасоратини сўзлаб берсам, нима қилибди? — деди Иноят сабри чидамай. — Қачонгача ўз қахрамонларимизни четга суриб, қаердаги сафсаталарни гапириб, болаларни қўлоғига танбур чертасиз? Ўз тарихини билмаган бола ўзгани тарихига ақли етадими? Бугунги куннинг талаби ҳам шу-ку! Ёки сиз яна...

Чориев мот бўлганини сезди. Шунининг учун гап мавзусини дарров бошқа томонга буриб юборди.

— Сиз ҳамма нарсга гап топиб берасиз, — деди пичинг билан. — Сиз таълим-тарбия борасида бошқаларга ибрат кўрсатиш ўрнига, нимага бировларни ҳақорат қилиб юрибсиз?

— Қачон? Нима деб?

Иноят ҳамкасблари олдида азбаройи изза бўлганидан Чориевга бошқа бирор жўялироқ гап топиб айтолмади. Демак, ўйлагани тўғри бўлиб чиқди, “Норпош кампир эрталабдаги можарони етказибди-да. Етказганда ҳам қўшиб-чатиб етказибди. Ёки Чориевнинг ўзи гапни кўпиртиряптимиз?” Айниқса, Чориевнинг “ҳақорат қилиб юрибсиз” деган гапи Иноятнинг ҳамиятига тегди. У Чориевга шундай зардали қарадики, бу қараш билан дилидаги бутун нафратини унга сочди. Ноилож ўрнидан турди. Ўрнидан туришга турди-ю, кўз олди қоронғулашиб, боши айланди, гавдаси чайқалиб, оёқлари ўзидан-ўзи майишиб кетди. Икки қўлини столга тираб ўзини зўрға ўнглаган бўлди. Ёнма-ён ўтирган Хусанбоев суяб қолмаганида йиқилиб тушиши турган гап эди.

— Нима деб ҳақорат қилибман, ўртоқ Чориев? — деди Иноят бор кучини йиғиб.

Қафасдаги шерга ўхшаш бўкириб юборгани, одамни тешиб юбораман деган қарашларига дош беролмаган Чориев гапини яна бошқа томонга буриб юборди.

— Майли, буни қўйиб турайлик, — деди Чориев елкасини силкитиб. — РайОНОдан келган қизчани шарманда қилганингиз-чи?!

Чориевга мункир келган пайтда гап мавзусини бошқа томонга буриб юбориши бир ҳисобдан Иноят муаллимни жаҳлидан туширар, лекин алмисоқдан қолган латифаномга бу мавзунини бошлаши унинг энсасини қотирди.

Шу воқеага бир неча йиллар бўлиб кетган бўлса-да, Чориев ҳар доим унинг юзига солади...

...Бир неча йил аввал мактабда даволат жуда ҳам пасайиб кетди. РайОНО бу фактни текшириш учун ўз

вакилини юборди. Худди ўчакишгандек вакил Иноятнинг дарсига кирди. Вакил деганимиз ҳам жиккаккина, хушрўйгина қизча. Вакила охириги партада ўтириб, дарсни кузатиб турганида, Қиличев деган бола нуқул унга қарайверган. Дарс охирида вакила Қиличевдан: “Нега сен дарс давомида доскага эмас, менга қараб ўтирдинг?” деса, бола томдан тушган тарашадек: “Жуда чиройли экансиз!” деган. Вакила буни одобсизликка йўйиб, Иноятга шикоят қилса, Иноят ўз навбатида: “Ўзингиз ҳам кўзга яқин экансиз!” деган...

Ҳозир ҳам бу воқеани бир неча бор эшитишларига қарамай, хонада бир машина шағал тўкилиб кетганидек шарақлаган кулги кўтарилди. Шу пайт Иноятнинг кўзига бошини орқага ташлаб, кўзларини юмиб, тарвуздадек қоринчасини силкитиб кулаётган Чориев балоқазодай кўриниб кетди.

— Қани, айтинг-чи, — деди Чориев Иноятга ўчакишгандек. — Сизнинг ёшингизда шу гап жоизми? Педагогика қонун-қоидаларига-чи? Биз сиздан буни кутмагандик!

Чориевнинг кейинги сўзи ва бу сўзни кўпликда гапириши ҳарифидан бир поғона баландда эканлигини билдириб қўйиш эди.

Иноят бир нима демади, аксинча, бир қараш билан чекланди, холос. Чориев эса ҳарифининг бўш-баёвлигидан фойдаланиб яна ҳужумга ўтди.

— “Ўзингиз ҳам кўзга яқин экансиз!” Бу гапни Давронов айтса ярашарди, — деди Чориев пойгада ўтирган жингалак соч, қорачадан келган, кенг пешонали ёшгина йигитни кўрсатиб. — Давронов айтганда, кечиримли бўларди.

— Ўша вакила бизнинг мактабга келганида, Иноят акамларнинг ўзлари ҳам ёш эдилар, — деди Собиров тиржайиб.

— Мисол учун айтияпман-да, — деди Чориев вазиятни ўнглаб.

Чориевнинг ҳурмати учунми ёки бу гапнинг кулгили жойи бормикан, ўтирганлар кулиб юборишди. Иноятнинг, эти сесканиб, лаблари титради. Эрталаб лат еган кўнглида яна бир совуқ гулу — яра пайдо бўлди. “Ким бўлибди бу ўзи, мунча чиранади? Директор бўлсанг, ўзингга! Бировнинг устидан кулишга нима ҳаққинг бор?” — демоқчи бўлди, лекин яна не хаёлларга бориб жим тураверди. Ўзини қанчалар бепарво тутмасин, барибир синиққан чехраси ичидагини ташига чиқарди. Ўзини ташлаб юбормади, Чориевни мот қилиш учун имкон пойлади. “Нима, мен гўзалликнинг фарқига бормаيمانми? Ёшим бир жойга бораётган бўлса-да, кўнглим ёш”, демоқчи бўлди, афсуски, бу гапни айтишга ҳадеганда имкон келавермади. Тўғриси, журъати етмади. Унинг журъатсизлиги доим панд бериб келарди.

Бир қаҳқаҳа кучига эга бўлган Чориевнинг гапи фурсат ўтмай унутилгандай бўлди. Тўғриси, эски гапни эслашди, холос. Иноят чуқур тин олди. Иззат-икромга ўрганиб қолган одам бирдан назардан қолиб кетса ёмон бўларкан-да. Қайтиб ўша иззат-икромни қўлга киритиш учун умрни қайта бошлаш керак ёки мана шу жулдурвоқиларга бўйин эгиши, уларга кулгу бўлиши лозим. Лекин бундай яшашга Иноятнинг орияти йўл қўймайди.

Мажлис тугагач, ҳамма нурга интилган парвонадек ўзини эшикка урди.

Иноят ҳамкасблари олдида ўсал бўлиб қолди. Кун бўйи дили хуфтон бўлиб, қўли ишга бормади. Мактабдан тўғри кадрдони Толиб дўхтирнинг олдида борди. У

билан бироз гурунглашиб, сўнг чойхонага ўтди. Бир чойнак чой олиб, картга келиб ўтираркан, яна хаёл оғушига гарқ бўлди.

Чориевдан нолинди. Толиб дўхтир тўғри айтади: “Хўжайин билан олишиш тепага қараб тупуриш билан тенг, чунки тепага қараб тупурсанг, қайтиб ўзингни бошингга келиб тушади”.

— Кичикни “ака” дейдиган замонда, ўша каттангга ширин сўзни деб, айшингни суриб юрмайсанми? — деди Толиб дўхтир ўртоғига маслаҳат солиб. — Пенсага чиқшингга озгина қолган чиқар? Энди ўшалар билан пачакилашиб нима топмоқчисан? Бошингга бало ортирасан, холос. Бу катталар мулозаматни яхши кўрадиган халқ бўлади. Шунинг учун ошна, гурур-пурур қилмасдан, айтганини қилиб, қандингни уриб юрмайсанми? Бир пайтлар отаси Тошан Чори билан олишиб нима топган эдингки, боласидан топасан? Ҳозир эгарда ўшалар ўтирибди, бўшатаман деса, бўшатиб юбораверади...

Толиб дўхтирнинг фалсафаси Иноятнинг мижозига тўғри келмайди. Толиб дўхтирга ўхшаганлар жонини ширин билиб, бир гапдан қолиб, пешонамга ёзилгани шу деб, бировга муте бўлиб яшайдиган одамлар.

Иноят забардаст раис Тошан Чори билан олишган одам, бугун унинг ўглидан енгилиб ўтирибди. Ахир бу, ҳар қандай одамнинг нафсониятига тегади-да. Бу гаплар майли-я, унут бўлиб кетар, лекин унинг нафсониятига теккан томони, қўлида таълим олиб, одам таниган тирранча Чориев ақл ўргатиб турса-я?! Нима, у Иноят муаллимга бир парча нон берганими ёки киндигини кесганими? Ким бўлибди, ўзи? Аммаси Норпошшанинг гапига кириб Иноятдан қасд олмақчимми? Йўқ, у шу баҳонада эски, отасининг ўчини олмақчи, бундан бошқа мақсади бўлмаса керак, агар бошқа мақсади бўлганида бунчаликка бормасди. Мана, мактабнинг хўжалик ишлари бўйича мудири Мажид кўнка мактабга олиб келинган матони Умарқулнинг тўйига тортиқ қилиб борганида ҳам бунчалик дашном эшитмаган эди. Нима, Иноятнинг мактабда Мажид кўнкачалик қадри йўқми? “Бу гапни Давронов айтса ярашади”, дейди-я. Нима дегани бу — “қаридинг, сафдан чиқдинг” деганими? Ҳар ким қўлидан келганини қилгани яхши...

Иноят бошига тушаётган кетма-кет дилсиёҳликларни омадсизликка йўяр, аммо қатъиятсизлиги туфайли йиллар мобайнида мисқоллаб йиққан обрўйи тўкилиб бораётганини сира тан олгиси келмасди.

Иноят кун қиёмдан оғиб шомга томон кираётган маҳал ранг-қути учган ҳолда ҳовлига кириб келди. Жаҳл билан папкасини ўрик остидаги картнинг устига ирғитиб юбориши, сўнг кўз қовоқларининг пир-пир учишидан бетоқатланаётганлиги шундоққина кўриниб турарди.

Ўнг биқинига сирланган тоғорани тираб олган Моҳира ая ошхонадан чиқар экан, эрининг афт-ангорини кўриб авзойи ўзгарди.

— Ҳа, тинчликми, дадаси? Кайфиятингиз нохушроқ кўринади, — деди биқинига тираб олган тоғорачадаги сабзавот пўчоқларини девор тагидаги ювинди челаққа ағдарар экан.

Моҳира ая эрининг оғзига термулди. Эри эса, ҳадеганда бирор сўз демади. Хотинига ўзини қанчалик хотиржам кўрсатишга уринмасин, барча қилаётган сохталиги беҳуда кетдики, охир-оқибат Иноятнинг ўзи ёрилди.



— Бу, Норпошша жиянига етказибди-да! — деди боши билан қўшни ҳовлига имо қилиб.

— Пахридингами? — деди Моҳира ая юзига аллақандай ижирганиш тусини бериб.

Иноят “ҳа” дегандек бошини тебратди, сўнг икки қўлини орқасига қилиб уйга кириб кетди...

Иноят уйга кириб, дўлаболишга ёнбошлаганча ҳаёлга ботди. Чориевнинг кўзларидан ўқиёлмаган маънони ўзича мушоҳада қилди. Ўшанда Чориев гапни бошлашга бошлади-ю, негадир мавзуни бошқа томонга, алмисокдан қолган ҳангомага буриб юборди. Наҳотки, Иноятнинг кўзларидан қўрқиб кетган бўлса? Гапни тантана билан бошлаган эди-ку, қурмагур Чориев мағрур эди, ҳатто унинг гап оҳангидан мағрурлиги сезилиб турди: “Биз сиздан буни кутмаган эдик!”

Кўз-кўзга тўқнаш келганда Чориев кўзини олиб қочди — чап берди, падарлаънат! Ўзининг гуноҳсиз эмаслигини эслади чоғида: “Агар Иноятнинг жаҳлини чиқарсам, жаҳл устида айбимни очиб ташлайди”. Хаёлидан шу фикр ўтган, у палидни! Ахир унинг кўпгина қин-виришларидан хабардорман-ку...

Моҳира аянинг уйга кириб келиши Иноятнинг хаёлини тўзғитиб юборди. Қаддини ростлаб, деразадан ташқарига қараса, қош қорая бошлабди...

Кечки овқатдан кейин, Моҳира ая идиш-товоқларни ювиш учун ошхонада куймаланиб юрган эди, оғилхона томондан ниманингдир тарақа-туруқ этган овози эшитилди. Девор оша қўшни ҳовлидан тушиб турган электр чирогининг шуъласи оғилхона айвонини ғирашира ёритиб турар, Моҳира ая кўзларини қамаштираётган ёруғликни қўли билан тўсиб, ўша томонга синчиклаб тикилди. Ҳақиқатан ҳам қоронғида аллақандай кўланка деворга қапишиб, оғилхона эшигига яқинлашди. Электр чирогидан тушиб турган ёруғлик кўланканинг сосини аниқ-тиниқ қилиб айвон деворига акс эттирди. Шунда Моҳира ая қора кўланканинг одам эканлигига тўла ишонч ҳосил қилди. Бир муддат оғилхона томонга тикилиб тураркан, қулоғига эшикнинг гижирлагани ҳамда одамнинг йўталган товуши аниқ эшитилди.

Моҳира ая саросимага тушиб, тиззаларида қалтироқ сезди. Юраги ўйноқлаб кетди. У дарров ўзини қўлга олиб, югуриб уйга кирди ва эрига “туринг, туринг” дегандай им қоқди. Унинг лаблари қимирласа-да, негадир овози чиқмасди. Дўлаболишни курагининг остига олиб, ёнбошлаб ётган Иноят аввалига хотинининг имо-ишораларига тушунмай қараб турди, ўзи ҳам “нима” дегандай бошини ликиллаб им қоқди ва дўлаболишни нари суриб қаддини ростлади. Шу пайт соқовланиб турган Моҳира аянинг тили калимага келди.

— Оғилхона!.. Ўғри!.. Ўғри!.. Сигир!..

Иноят хотинининг чехрасида қандайдир нохуш ҳодисадан дарак берувчи ифодани кўриб, унга бошдан-оёқ разм солган эди, шундагина хотинининг қўрқувдан қалтираётган қўл-оёқларига кўзи тушди ва ёшига ярашмаган чаққонлик билан ўрнидан сакраб турди.

— Нимага қалтирайсан?! Нима бало тегди сенга? Шошмасдан гапирсанг-чи, нима гап ўзи? Кимникига ўғри тушибди?

— Ўзимизникига! — Моҳира ая ҳаяжонини босолмай, баттар қалтирар эди. — Чикинг тезроқ! Ҳозиргина молхонага ўғри кириб кетди! Сигирни бой бериб қўймайлик, эрта-индин тугай деб турувди! Имилламай, тезроқ чиқсангиз-чи!.. Қанақа бир шўрпешона эканман-а?

Иноятнинг ҳам вужудига титроқ кирди.

Қўрққанга қўш кўринар, қўшмоғи билан беш кўринар, деганларидек Иноят оёқяланг ташқарига отилди. У алахсиб қолган одамдек ҳовли юзида телбаларча у ёқдан-бу ёққа чопқиллар, нимани излаётганини ўзи-да билмас эди.

— Жин урсин, — деди охири жигибийрони чиқиб. — Шошганингдан излаётган нарсангни тополмайсан, киши!

— Нимани қидиряпсиз? — деди Моҳира ая.

— Болта-молта йўқми?

— Шу алпозда болтани қаердан топасиз? Ана, тандирга суяб қўйилган касовни олсангиз-чи!

Иноятнинг кўзига косовдан бошқа ўзини ҳимоя қилдиган бирор дурустроқ нарса кўринмади. У ноилжос косовни олиб, эҳтиёткорлик билан оғилхона томон юра бошлади. Эшикка яқинлашаркан, ўзи билмаган ҳолда аллақандай шилимшиқ нарсани босиб олди ва тойиб кетди. Қалқиб кетганидан қўлини боши узра кўтарди ва ўзини ҳимоя қилмоқчидек кафтлари билан юзини беркитди. Ҳеч қандай зарбани сезмагач, қўлини туширди ва оёғи остига ёпишган шилимшиқ нарсани қўли билан синдириб олиб, ҳидлаб кўрди. Кўланса ҳиддан бадани сесканиб, ижирганиб кетди. Қўлига ёпишган сигирнинг тапписини деворга суркаб ташлади, сўнг бир лаҳза деворга қапишиб, ичкарига қулоқ тугди. Оғилхона ичкарисидан хириллаган, сўнг қаттиқ йўтал овози эшитилди. Йўтал яна такрорланганда Иноят амин бўлдики, ичкарида ўғри бор. У эҳтиёткорлик билан оғилхона эшигини маҳкамроқ ёпди ва эшик зулфини илиб, қўлидаги косовни зулфини тешигига тикиб қўйди.

— Қўлга тушдингми, баччагаар?! Келиб-келиб камбағалнинг молини ўғирламоқчи бўлдингми? Ҳали сен Иноятни ким деб ўйлаган эдинг?! Ҳе, сени...

Иноят ўғрининг етти пуштини “обод” қилди. Сўкиб-сўкиб ҳоврини босиб олгач, даҳлизда эрининг хатти-ҳаракатларини кузатиб турган хотинига қараб бақирди.

— Мойра! Тезроқ кўни-қўшниларни чақир!.. Имилламай югур... Чоп!..

Қўрқувдан вужуди қалтираб, остона босолмай турган Моҳира ая мажолсиз бир ҳолатда дарвоза томон судралар экан, жазавасини босолмай, типирчилаб юрган эрига бир нима демоқчи бўлиб орқасига қайтди.

— Дадаси! Ўв, дадаси, ўғрини тутаман деб ичкарига кира кўрманг, гўрсўхтанинг ёнида пичоқ-мичоғи бўлса, Худо кўрсатмасин, биқин-миқинингизга тикиб, бирор кор-ҳол қилиб қўймасин! Жон дадаси, эҳтиёт бўлинг!

Мол аччиғидан бўлса керак, Иноятнинг қулоғига хотинининг гапи кирмас эди.

— Ҳали шу ердამисан? Бўл тезроқ, Жуманикига чиқ, Эшмирзани чақир, чақир ҳаммасини! Ит эмганни тутиб милисага топширамиз...

Моҳира ая орқасига қарай-қарай дарвозадан ташқарига чиқди.

Ҳовли бирпасда тумонат одамга тўлди.

Қишлоқнинг шуниси яхшики, бир чеккасидан “хув” десанг, нариги чеккасидаги одам “ҳа” дейди.

Қўшниларнинг ҳовлиқиб кириб келиши Иноятга далла бўлди.

— Нима гап, Иной ака, тинчликми? Қани ўғри? — деди Ашур пакана қўлида олиб чиққан чопонини кияётиб. — Милиса чақиринг керак.

— Милисани қўятуринг, — деди Эшмирза аканинг жаҳли чиқиб. — Милиса нима қилиб беради? Ўзимиз

тутамиз! Милисайиз келади-ю, ўғрини олади кетади, кейин у ёққа чақиравериб тинкамизни курилади. Қараб-сизки, ўғри тутганингизга пушаймонлар еб кетасиз. Нар иборса ўғрини икки-уч кун қамаб қўяди. Ундан кўра ўзимиз тутиб, ўзимиз жазосини берамиз.

— Сазойи қилиш керак!..

— Бошлаб адабини бериш керак!..

— Қўлини синдириш даркор!

Ҳар кимнинг оғзидан чиқаётган бу каби гап-сўзларни тинглаб турган қишлоқ оқсоқоли Назар бобо оломни тинчлантирди.

— Кенгашиб кесилган бармоқ оғримас, деганлар, — деди Назар бобо носқовогининг пўпагини ўйнатиб. — Фикр қилиб иш кўрайлик. Ўғрини тутамиз деб ўзимизни хавф остига қўймайлик. Ашур, тўғри гапирдингиз, милса чақириб керак...

— Қўлини чопиб ташлаш керак! — деди Жума ака Назар бобонинг гапини бўлиб. — Иккинчи бунақа номаъқулчиликни қилмайди.

Назар бобо мийиғида кулиб қўйди. Унинг бу кулгида Жума акага нисбатан “ҳали ёшсан, сапчиб турибсан”, деган маъно зоҳир эди. У носқовогини ҳассасига уриб, сўнг кафтига нос тўкди. Носни тили остига ташлашдан олдин ўз фикрини баён этди:

— Агар сенинг айтганини қилиб, ҳамма ўғрининг қўлини кесаверсак, Жумавой болам, дунёни инвалид босиб кетади, — деди маҳтал бўлиб турган носни тилининг остига ташлар экан. — Яхшиши ўчашкавой Бошиволдини чакирайлик, ҳай ҳолда Бошиволдини белида нагани бой, иннайкейин ҳай қандай ўғри минишадан қўйқади.

— Ўғрини қароқчига топшириб қўярсанми-да, а? — деди Эшмирза ака норози оҳангда.

— Назар бобо тўғри айтдилар, — деди Иноят. — Ўғрини ўлдириб қўйиб бошимиз балого қолиб кетмасин. Милса чақиринглар, нима қилса, ўша милса қилсин...

Назар бобонинг маслаҳати Эшмирза ака, Жума акаларни ҳисобга олмаганда, қолганларга маъқул тушди. Кимдир Босиволди милсанинг уйига сим қоқди...

Иноятга кетма-кет бўлаётган бу дилхираликларни биров атайлаб уюштиргандек туюлди. Эҳтимол, Чориев атайлаб шу қилғиликларни қилаётгандир?! Бугунги қизиб кетган кўнглининг ҳовурини босиб учун шу ишни қилдикин-а? Ё қурмағур қўшниси Норпошша бировни ёлладимикан? Эҳтимол гумонлари бекордир. Иноят қанча ўйламасин, барибир ўша атайлаб уюштирган одамнинг ким эканлигини билолмади. Боши шундай зирқираб оғридики, хаёлида миясининг қатиғи чиқиб кетаётгандек. Бугунги бўлиб ўтган можароларнинг устига-устак бу ишнинг бўлиши унинг дарду дунёсини янада баттарроқ зимистон қилиб юборди.

...

“Арслон боласини тутмоқ учун, арслон уясига кирмоқ керак”.

Бирор мард топилмадики, оғилхонага кириб, ўғрининг оёқ-қўлини боғлаб чиқса. Ҳар ким ўз тахминини ўртага ташлашдан нарига ўтолмайди.

— Бу ўғри четдан келгани йўқ, — дея гап бошлади Тошмат патпат. — Менинг фикри ожизимча, ўғри яқин оранинг одами. Нега деган-да, ўғри Иноятнинг қорамоли борлигини яхши билиб юрган, ўғрилиқ плонини ҳам олдиндан тузиб қўйган...

— Гумонингиз кимдан, Тошмат ака? — деди Жумабой.

— Юз фоиз тўғри демайман-ку, — деди Тошмат патпат фикрини давом эттириб. — Ҳойнаҳой, бу Қулмат аканинг болаларини қилиғи. Кенжа ўғлининг қўли сал эгрироқ, дейишади...

Тошмат патпат ён-верига қарамай гапирган экан, Қулмат ака ҳам шу ерда, гапнинг охири нима билан тугашини пойлаб туриб, башараси ўзгача тус олди. Юзига тушиб турган олтмишинчи чироқнинг ғира-шира ёруғи башарасини янада кўрқинчлироқ қилиб юборган эди. У шундай бир чаққонлик билан ўрнидан турдики, бу кўз юмиб-очгунчалик вақтда содир бўлди. Қулмат ака бир сакраб Тошмат тракторчининг ёнида пайдо бўлди, буни кўпчилик пайқамай қолди. Унинг бунчалик жаҳли чиқишини кутмаган қишлоқ аҳли бир муддат нафасларини ичларига ютиб, жим бўлиб қолишди. Қулмат ака Тошмат тракторчининг иягини мўлжалга олиб мушт отди, ҳамлани олдиндан сезгандай Тошмат тракторчи “оҳ” деб тошбақа мисол бошини елкалари орасига тортиб олди. Агар, шундай қилмаганида Тошмат тракторчи ер тишлаши турган гап эди.

Зарбаси мўлжалга тегмагач, Қулмат ака чайқалиб кетди. Ўзини ўнглаб, иккинчи ҳамлада патпатнинг ёқасига чанг солди. Ана бўлди жанжал, мана бўлди жанжал.

— Ҳали сен, пирсаги беимон, ичкаридаги ўғрини мени ўғлимга менгаб гумон қилиясанми? — деди Қулмат ака бир қўли билан оғилхона томонни кўрсатиб. — Билиб қўй, менинг ўғилларим бундай номаъқулчиликни қилган эмас, агар қилса, мен уларнинг бошини сапчадек узиб ташлайман!

— Киндигимни кесган бўлсанг ҳам, сенсирама, — деди Тошмат патпат.

Қулматнинг юзи баттар бужмайиб кетди. Жаҳдан бурун катаклари кенгайиб, кўзлари олайиб, косасидан чиқиб кетай-чиқиб кетай деб, патпатнинг бутун вужудини исканжага олди. Қулматнинг бу жазавасидан кўрқиб кетган патпатнинг ранги докадек оқариб, нима қиларини билмай, типирчилаб оломонга илтижо боқар, шошганидан, қўйиб юборармикан деган ниятда:

— Сизни эмас, бошқа Қулматнинг болаларини назарга тутяпман, нима, оламда битта Қулмат сизми? Ёқамни қўйиб юборинг, — деди.

— Қўйинг, Қулмат ака, ўзингизни босинг, ўғри сизнинг болангиз эмас-ку, Тошмат ака билмай айтиб юбордилар-да, — деди Эшмирза ака унинг жаҳлини қайтармоқчи бўлиб.

Бу воқеанинг гувоҳи бўлиб турганлар Иноятнинг ҳовлисига нима учун чиққанларини бутунлай унутган эдилар. Улар ўғри тутиш учун эмас, аксинча, Қулмат билан Тошматни уриштириш учун чиққандай эдилар.

Кўк теридай кўкариб кетган Иноятнинг фиғони фалакка чиқди.

— Нима бало, жанжалларингни мени ҳовлимга кўтариб келдиларингми? Мен нима ғамда-ю, булар нима ғамда?!

Иноят жаҳли чиққанидан кўзларини чирт юмиб, икки қўлини бараварига силкитиб-силкитиб, асабийлашгандек бақириб юборди. Унинг бу бақириги Назар бобога айил ботди.

— Иной, Тўёқбой кўринмайди? — деди Назар бобо оғзида тўпланиб қолган сўлакни тупуриб ташлар экан. — Уйингни ўғри босганда ўғлингни сандиққа солиб, қўшнилари ёрдамга чақириб, энди уларга зарда қилганинг нимаси? Тугуруғинг йўқ экан-да, сани?

Иноятнинг нафаси ичига тушиб, юзи докадек оқариб кетди. Бўлиши мумкин бўлган гап-сўзни олдини олиш учун Назар бобонинг гапини шарт кесди.

— Назар бобо, бунақа одамнинг ҳамиятига тегадиган гапларингизни қилманг, — деди хафа бўлган кишидек. — Ўғлим ишда, бугун навбатчи экан. Уйда бўлганида сизларни чақириб юрмасдим...

— Заб ўғлингиз бор-да, домла, қачон қараманг бошидан таёқ еган итдек гандираклаб юргани юрган, — илмоқчи гап қилди Мустафо дароз. — Қишлоғимиздаги Азим пиён ўлиб кетгандан кейин, раҳматлининг ўрни билиниб қолган эди. Ҳар тугул ўғлингиз Азим пиённинг йўқлигини билдирмаяпти.

— Улфатинг олақарга бўлса, емишинг маълум, — деди Назар бобо мулзам бўлиб турган Иноятни гап билан узиб олмоқчи бўлиб. — Шойим чўпоннинг ўғли Бўронга эш бўлди-ю, ичкиликка ружу қўйди... Энди сани бачанг шу қилиқни қилгандан кейин бизани бачалани қўявер...

— Назар бобо, боламга тил тегизманг, — деди Иноят башараси алланечук бўлиб. — Арпангизни хом ўргани йўқ, ўрган бўлса, айтинг!

— Кўнғиз ҳам боласини опшоғим деркан, — пичинг аралаш гап отди Мустафо дароз.

— Инойни боласи кўнғиз эмас, тиллакўнғиз!

Назар бобонинг чақиб оладиган қочиримига Иноят бирор нима деб ваз кўрсатишга сўз тополмади. Ранжиди ва унга еб қўйгудек хўмрайиб қаради. У “пияниста, пиён” сўзларини бугун ҳисобида иккинчи кишидан эшитиши эди. Эрталаб қўшни хотиннинг қилган таънаси Иноятнинг дилини яралаган бўлса, Мустафо дароз билан Назар бобонинг гаплари шу ярага туз селгандай бўлди. Яна “тиллакўнғиз” деганлари ҳаммасидан ошиб тушди. Ахир кўнғизнинг тилласи ҳам, тилласизи ҳам барибир зарарли ҳашарот-да...

Иноят Мустафо дарознинг қочиримига бир нима демасди, шу дамда кўнғизга қил сизмасди. Бугун унга нима бўлди ўзи? Яратганга нима ёмонлик қилувдики, бошига кетма-кет фалокатларни ёғдирипти? Ўғлининг “алқаш”лиги ҳаммага дoston бўлибди-да!

Муаллимга ўғлининг ҳозир уйда бўлмаслиги бироз бўлса-да, таскин-тасалли бериб турибди, чунки уни ҳозир кўрса бир дарди икки бўлиши турган гап эди. У ларс-ларс оғриётган бошини чангаллади.

Кўча томондан мотоциклнинг пориллаган овози эшитилди. Овоз Иноятнинг қўш табақали дарвозаси қаршисига келганда секинлашди ва тамоман ўчди. Дарвоза очилиб, Босиболди милисанing давангирдай сумбати, унинг орқасидан билагида латта боғлаб олган яна икки кишининг қораси кўринди.

— Ўғри қани? — ўдағайлади Босиболди милиса шимининг чўнтагидан сигарета олиб дўрдоқ лабига қистирар экан, сўнг остонада бошини чангаллаб ўтирган Иноятга қаради. — Ҳа, домла, тинчликми? Мана, келдик, ўғрини кўрсатинг!

Иноят Босиболди милисани кўргач, ўрнидан турди. Милисанing чўзилган қўлини олиб, омонлашди, сўнг оғилхона эшигини кўрсатди.

— Ана, оғилхонага қамаб қўйибмиз, фақат оёқ-қўлини боғлаб, сизга топшириш қолди...

Босиболди милиса оғилхона эшигига яқинлашиб, йўталди.

— Ким у ичкарида биқиниб ётган? Мард бўлсанг, чиқ ё ёққа, — деди ва эшикка қулоқ тутди.

Ичкаридан жавоб бўлмагач, дўқ қилишга ўтди.

— Мени танийсанми? Мен кимман, Босиболди Бўриев бўламан! Яхшиликча бу ёққа чиқ, бўлмаса онан-

гни кўзингга кўрсатаман! Қочишни хаёлингга келтирма! Шу чоққача менинг қўлимдан бирорта ўғри қочиб қутилгани йўқ...

Яхши гап ҳам, ёмон гап ҳам ўғрига таъсир қилмади. Босиболди милисанing тутган бу йўли Иноятга ёқмадими ёки сабри чидамадими, милисага яқинроқ бориб тирсагига туртди:

— Эшикни очсам, ичкарига бостириб кирамизми-а? — деди ва милисага янада яқинроқ бориб қулоғига паст овозда шивирлади.

Босиболди милиса Иноятга хўмрайиб қаради, бошини кинояли ликиллайтиб, сўнг пастки лабини тишлаб, зардали жилмайди.

— Эй, нималар деяпсиз, домла? Бундан олдин худди бир-икки марта ўғри тутиб юргандай гапирасиз-а? Сиз ўйлайсизки, ўғри осончалик ўзини милисанing қўлига топшириб қўяди? Ўғри қўлга тушиш учун ўғрилик қилмайди, бу — бир, унинг ёнида қуроли бор, бу — икки, у ҳам умид билан уйдан чиқади, бу — уч, ўзининг хавфсизлик чорасини кўриб қўяди, бу — тўрт. Ундан кейин ҳаммага жон ширин, ана бу — беш... Биз ҳам бола-чақа деб юрибмиз, домла!

— Босиболди, ўғлим, менга қара, — деди Назар бобо оғзидаги носини чирт этиб тупураркан. — Наганингни шартта чиқариб, тепага қаратиб пақиллатиб от, кейин қўрқмай оғилхонага бостириб кираверинглар.

Босиболди қишлоқ аҳлига, сўнг Назар бобога кўзларини қисиброқ қаради. Унинг бу қарашидан “бу бобой бало-ку”, деган маънони англаса бўлади. У камарида осилиб турган наган филофини қўли билан сийпалаб, Назар бобога яқинроқ келди.

— Эй, отам, наган бўлганда ўзим билардим! — деди, сўнг паст овозда қулоғига шипшиди. — Бу фақат филофи, наган бошлиқнинг темир сандиғида туради.

Назар бобо ўз навбатида паст овозда гапирди:

— Нега унда қуруқ филофни тақиб юрибсан?

— Устав бўйича тақиб юриш керак!

— Донашўрак солиб юриш учун де! — деди Назар бобо овозини баландлатиб. — Биттасини кўрганман, бодринг солиб юрганини.

Ўзининг гапи ўзига наъша қилиб, завқ билан кулди Назар бобо атрофидагиларга им қоқиб. Кўпчилик бобонинг бу гапи Босиболди милисага оғир ботди, деб ўйлади, лекин Босиболдининг турқи ўзгармади, аксинча, Назар бобонинг гапини тан олди.

— Тўғри, — деди Босиболди бошини тебратиб. — Хотин, ишга бораётганимда, чўнтагингиз кирлаб қолмасин деб, шу филофга у-бу ширинлик: майиз, шўрда-нак, туршак солиб қўяди. “Даласи, бир жойда ўтираве-риб, зериккан пайтларингизда эрмак қилиб ўтирасиз”, дейди...

Босиболди яна бир-икки эшикка яқин бориб, дўқ-пўписа қилиб кўрди, лекин натижа чиқмади.

— Ховлининг деворини жа баланд қилиб қурган экансиз-да, домла? — деди Босиболди деворга ишора қилиб. — Девор қанча баланд бўлса, ўғрининг қизиқиши шу ҳовлига шунчалик ортади, шуни биласизми?

— Нимага энди, ҳамма қатори нормальный қилиб қурганмиз, — деди Иноят. — Ўғрининг эътиборини қаратамиз деб фикр қилмаганмиз, ҳатто бу фикр калламизга ҳам келмаган.

— Эй, сизларга гап ўқтириб бўлмайди. Ўзи қаерда девор бўлса, у ерда ўғри бор. Мана, бизнинг ховлининг тўрт томони очик, бийдай дала, ўғрининг сояси ҳам кўринмайди...

— Ҳа, энди, болам, — деди Назар бобо жилмайиб. — Ўғриям билади қаерга, кимникига тушишини. Ўғриям плонли одам. Сан минг пойла, ўғри бир пойласин...

Бечора Моҳира ая оёғи куйган товукдек зир қақшаб, бир жойда турмас, гоҳ уйга кирар, гоҳ ташқарига чиқар. “Ишқилиб, ўғри сигиримизни сўйиб қўймаган бўлсинда!” дея ўғрини гўрдан олиб, гўрга тикарди. Босиболди эса Моҳира аяга далда беришдан нарига ўтолмас, унга сабр тилаб, юпатарди, холос.

— Кўп қўйинаверманг, хола, сигирни сўйиб қўймайди!

Моҳира аяга бу гаплар кор қилмади.

— Укажон, сигиримиз бўғоз, — деди Моҳира ая йиғлагудек бўлиб. — Қўрққанидан бача-мача ташлайди-ми деб хавотирдаман!

Босиболди яна уни юпатишга ҳаракат қилиб кўрди.

— Холажон, тинчланинг, сўйиб қўйган бўлса, давлат нархида, иложи бўлса бозор нархида пулини нақд қилиб ундириб берамиз, сиз хотиржам уйга кириб дамингизни олинг. Ҳозир бу ерда сигирнинг тирик қолиши ёки ўлиши эмас, ўғрини тутиш муҳимроқ!

Барибир бу далдалардан Моҳира аянинг кўнгли тўлмай, миз-миз йиғлаганча уйга кириб кетди. Шунда Иноят хотинига раҳми келиб, юраги ачишди. Тишларини гижирлатиб сўкинди. “Эй, дунёи кўтир, яна қандай ёзуғинг бор?!” дея нола қилди. Кунни бўйи ёмонлаб юрган хотинига кўнгли ийиб, унга нисбатан шафқат уйғонди.

— Шу оғилхонада сигир бўлмаганида, ўт қўйиб юборардим, — деди Иноят қўлларини мушт қилиб оғилхона деворига урар экан.

— Иной! Ўзингни бос, — деди Назар бобо далда берган киши бўлиб. — Тилимни тишладим деб, тишни суғуриб ташлаш керакми? Тонггача сабр қилайлик, бир гап бўлар ахир...

Ҳамма бир муддат жим бўлиб қолди.

— Тонг отишини кутамиз-да, энди, — деди Босиболди Назар бобонинг гапини такрорлаб, сўнг уйқусираган кўзларини ишқалаб, қуруқликка чиқиб нафаси қисилган балиқдек оғзини катта очиб эснади. — Ўғри ҳам тонггача сабри чидамай, охири ўзи таслим бўлади...

Иноятнинг елкасидаги тош яна-да оғирлашди. У лорсиллаб оғриётган бошини икки қўли билан чангаллаганча деворга суяб қўйилган гўланинг устига ўтириб олди...

...

Туёқбек иш жойига келиб ўтирар экан, отасининг эрталабдаги гапларини эслади ва кўнгли бир қадар эзилиб кетди. Эҳтимол, сахар мардондан Норпош хола дийдиёсини бошламаганида отасининг бунчалар жаҳли чиқмасмиди? Ҳаммасига қўшниси — Норпош хола айбдор!

Туёқбек чўнтагидан усадеси чиққан папирос олиб чекди. Бир-икки марта босиб-босиб тутунни ичига тортиб, бурнидан чиқарди, шундан кейин бироз мавқо босилиб, эрталабдаги дилсиёҳлик эсидан чиққандай бўлди. Папирос қолдигини кулдонга эзгилаб ташлади. Стол устида уймаланиб ётган қоғозларни титкилаб, кераклисини топгач, аввалига салқиган кўз-қовоқларини уқалаб, сўнг оёқларини айқаштириб ўқишга тутинди. Шу пайт бўйчан, ишга келганига бир ойча бўлиб қолган, оқ-сарикқа мойил, кийган хонатлас қўйлаги қадди-бастига қолипдай ёпишиб турган ходима қиз йўлакдан ўтиб кетаётди, очик эшикдан мўралаб Туёқбекка салом берди. Туёқбек аввалига бунга эътибор бермади, қоғоздан кўзини

узмай бошини ликиллаб қўя қолди, сўнг бирдан бошини кўтариб қизга қараган эди, юраги Иброҳим темирчининг босқонидек гурсиллаб, ғалати аҳволга тушиб қолди. Қиз ҳам унинг бу ҳолатини сезиб, эшикни беозоргина ёпти-ю, бедана юриш қилиб, бигизпошна туфличасини тиқирлатиб эшик ёнидан узоқлашди. Туёқбек ярим очилиб қолган эшикка қараганча анграйиб қолаверди. “Одинахон янада очилиб кетибди, — деди ўзига-ўзи. — Кўрганда кўнглининг қитигини келтиради-я!”

Туёқбек ўрта мактабни битиргач, ўша сўнгги хайрлашув кечасидан кейин бирор марта бўлса-да синфдоши Одинани кўргани йўқ эди. Шу йиллар ичида Одина тўлишиб, оқи оққа, қизили қизилга ажралиб, тўлин ойдек тўлишиб, шунақанги бир қиз бўлдики, қўяверасиз энди! Ўша мактабда ўқиб юрган вақтларда эътибор бермаган экан, мана, энди хурлиқони кўрганда юраги “шув” этиб, оёқ-қўли ўзидан-ўзи бўшашиб кетадики, бундай пайтларда Туёқбек “касал” бўлиб қолади. Ҳозир ҳам шундай ҳолатга тушиб қолди. Қизга бир оғиз сўз айтишни неча кундан бери кўнглига тугиб юрган эди, лекин анчадан бери мавридини тополмасди. Одинахонни кўрди дегунча, айтар сўзини унутиб юбориб, вужудини карахт бир туйғу чўлғаб, танасини олов қиздирарди. У ҳозир ўрнидан туриб қизни чақирмоқчи, унга дилидагини тўкиб солмоқчи бўлди, лекин бундай қилолмаслигини, бунга жасорати етмаслигини ҳис этиб, қимирламай ўтираверди.

Мана шу охириг бир ой давомида Туёқбек аввалгига қараганда кам ичадиган бўлиб қолди, унинг устига биров қаттиқроқ гапирса дарров аччиғи чиқиб, қовоғи осилиб қолади. Унинг бу ҳолатга тушаётганини қани энди отаси тушунса! “Йўқ, отам бунга тушунмайди, — деб ўйлайди, отасининг фикр-хаёлини ўзича тарозига солиб кўрар экан. — Отамга мол боқиш бўлса, бўлди!..”

Туёқбек яна ўқишга тутинди, лекин ўқиётган нарсаси ўзига ёқмади, шекилли, кафти билан столни “тап” этказиб урди ва гавдасини курсининг орқа суянчигига ташлаб, роҳат қилиб керишди.

Ярим очиқ қолган эшик аввалига оҳиста тақиллади, тақиллаган заҳоти Туёқбек: “Бу Одинахон бўлса керак”, деган ўй билан гавдасини кўтариб, ёқасини эпақага келтирди ва эшикка қараб:

— Киринг! — деди.

Шунда эшик қия очилиб арвоқбашара Қамбар Азизнинг тепакал боши кўринди. У хонада Туёқбекдан бошқа кимса йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, илондек сирғалиб ўзини ичкарига олди.

— Сигаретиз борми, шоир бола? — деди курумсоқланиб. — Бир ақлни пешлаб олсак. Нима дедингиз?

Туёқбек ўлар кунидан унга қараб тиржайди ва чўнтагидан гижимланган сигарет қутисини чиқариб стол устига қўйди. Қамбар Азиз қўлларини бир-бирига ишқалаб сигаретга яқинлашди, сўнг Туёқбекнинг бетига қараб тиржайди.

— Энди, шоир бола, узр, — деди ва бир дона сигарет олиб лабига қистирди. — Савоб қилсанг бутун қил, деганлар, оловини ҳам беринг энди

Туёқбек истар-истамас чўнтагидан гугурт чиқариб ёқди. Қамбар Азиз ютоқиб-ютоқиб бир неча бор сигаретни тортди ва ҳовури бироз босилгач, курсига ўтирди.

— Шоир бола, — деди у оғзидан ва бурун катакларидан паға-паға тутун чиқараркан. — Устозингизни табриклар қўйдингизми? Эртанги сонга туркум шеърларини туширяпмиз.



Туёқбек аввалига индамади, Қамбар Азиз унинг кўзига лўқ қилиб қараб турганини кўргач, ўзича минг-ирлади:

— Бўрон аканинг шеърлари кетяптими?

— Жавҳарий бало чиқиб қолди, — деди Қамбар Азиз бошини тебратиб. Унинг гап оҳангидан кўйикмоллик ва ҳасад туйғуларини билиб олса бўларди. — Хумпар кеча тўйда ўтирганимизда бу ҳақда бир оғиз гапирмади. Ўтган ҳафта Ғиздувонни бозорида кўрганимда, Тошкан бораман, деганини биламан. Бу мулоимқадам ўша ёққа борганида иккита саккизлигини радиога ўтказиб, яна бир туркум шеърларига машҳур шоир Жўшқинийдан “оқ йўл” ёзириб келибди.

— Бўрон ака ушлаган жойини узидиганлардан, — деди Туёқбек ўзига ҳам сигарет ёқар экан. — Жўшқинийни кўндирибдим, бошқасига гап йўқ.

— Нимасини айтасиз, шоир бола, бу устозингиз бир олов-ку!.. Ишхонасига телефон қилсам, ҳали ишга келмаган экан...

Туёқбек Қамбар Азизнинг телефон қилишдан мақсади нима эканлигини олдиндан сезиб:

— Бўрон ака бугун эрийдиган бўлибдилар-да, а? — деди.

— Эримай кўрсин-чи, ўзимиз эритиб юборамиз! — кўлларини бир-бирига ишқалади Қамбар Азиз...

Телефоннинг бемаврид кўнғироғи суҳбатни бўлиб қўйди. Туёқбек телефон гўшагини кўтарди. Бўронбойнинг чийиллаган овози эшитилди.

— Туёқий, яхшимисан?

— Раҳмат, Бўрон ака! Кўринмайсиз?

— Гапни айлантирма, ҳаммасини эшитдим. Нечта шеъримни беробсанлар?

— Сиз қаердан эшита қолдингиз?

— Биз ернинг остида илон қимирласа биламиз, укам!

— Қамбар акани айтишларига қараганда, ярим саҳифани сизга ажратганга ўхшайди.

— Қамбар Азизнинг ичи куяётган бўлса керак, а?

Қамбар Азиз шундай рўпарасида ўтиргани учун Туёқбек “ҳим”дан нарига ўтмади.

— Менга қараларинг, бугун абад қиламиз деб у ёқ-бу ёққа бориб юрмасдан, тўғри Юнусхўжанинг чойхонасига келаверинглар, мен ўша ерда бўламан.

— Овора бўлиб нима қиласиз?

— Сен-ку ўзимники, ана у Қамбар ўлади-ку, эримасам. Худо билади, эрталабдан буён нафси ҳиқиллаб, ўн марта олдинга киргандир?..

Туёқбек боришга рози бўлди-ю, аммо телефон гўшагини кўйгандан кейин дарди дунёси қоронғу бўлиб кетди. “Барибир ўтириш ичкиликсиз ўтмайди, — деб ўйлади ўзича. — Кўярда-қўймай ичиришади... Ичмасам, ўлдириб қўйишадими?!”

...

Пиёлаларга ароқ куяётган Бўронбойга ўгринча кўз ости билан қараб турган Туёқбек эрталаб отасига берган ваъдасини эслади “Ўлдирса ҳам ичмайман!”. Ароқдан ҳазар қилгандек юзини бужмайтириб ўнг томонга қаради ва бирдан ўзига келдики, беҳуда ўй-хаёл, ароқдан номигагина ҳазар қилиш билан бирор натижа чиқмаслигини сезди. Нима баҳона қилса экан? “Қанақа баҳона ўйлаб топмайин, барибир Бўрон ака кўярда-қўймай ичиради. Яхшиси, биринчисини олганим маъқул, узоқ борса кейингисини олмайман-да”...

Туёқбек ўзича иш тутди. Биринчи пиёлани тихирлик қилмасдан худди рисоладагидек афт-ангорини буриш-

тирмасдан бир кўтаришда бўшатди. Муздек ароқ этини жимирлатиб юбордим, совуқ еган кишидек жунжикиб қўйди. “Бир пиёласи от билан туя бўлармиди, зум ўтмай югур-югур билан баданимга сингиб кетади, кечгача ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб кетаман. Одинахонни атиридан сениб олсам, арақ ҳидидан асар ҳам қолмайди”.

Туёқбек отасининг феъли тезлигини жуда яхши била туриб, яна уни хафа қилиб кўяжагини сезди, лекин гишт қолипдан кўчган эдики, бунга афсусдан бошқа йўл, лабни тишлашдан ўзга чора йўқ эди. Эрталабдаги дилси-ёҳлик бўлмаган тақдирда ҳам, мана шу кўзини ўйнатиб турган иккинчи қадахни олиш мумкин. Яна маст бўлиб уйга кириб борса, эрталаб чўққа айланган отасининг сабр-тоқати шамол теккан олов мисоли ловуллаб кетиши мумкинлигини кўз олдида келтирар экан, Бўрон акаси узатган пиёладаги ароқни қайтарди.

— Ҳурмагингизни қилиб, биринчисини олдим, ака Бўрон! Энди ўлариз бафуржа майдаланглар, — деди Туёқбек кўлини кўксига қўйиб. — Узр, бугун навбатчи-ман...

— Навбатчи бўлсанг нима қилибди? Сенларни навбатчилигинг қаерга борарди, кечаси билан ухлаб, кундузи дам оласанлар, — деди Бўронбой кўлидаги пиёлани Туёқбекнинг олдида кўяр экан. — Ол, сен бемаза, гапни айлантирма...

Бўронбой Туёқбекни чақиб олиш учун яна бир нималар деб оғиз жуфтламоқчи эди, ялтоқланиб ўтирган Қамбар Азиз орага гап қўшди.

— Устознинг кўнглини оғритиш одобдан эмас, дадажон! — деди у. — Ундан кўра мана буни олинг, навбатчиликни биринчи мартаба қилаётганингиз йўқ. Агар шу бир пиёла билан маст бўлиб қолсайиз... энди зиёти гапни қўйинг, хайми? Қани, сизни ҳам, дадажон, шеърларингиз Бўронжонниқайда газеталарда потирлаб чиқаверсин! Агар шу гап учун олмасайиз, дадажон, шоирлигингиз қаерга қолади?

Тумшайиб ўтирган Туёқбек Азизнинг гапидан кейин бошини ғоз кўтариб, олдидаги ароқни қултилатиб ичиб юборди ва лабларини енги билан артиб қўйди.

— Ана бу бошқа гап, — деди Бўронбой, Туёқбек бўшатган пиёлага тўлдириб ароқ куяр экан. — Мана, шуни ол, бошқа сенга тегмаймиз...

...Ичаверган сайин Туёқбекнинг боши тегирмоннинг тошидек гижирлаб айланар, кўзлари эса торайиб, атрофдагилар пашшага дўниб борарди. У кўзларини юмганча, бир чайқалиб ютинди ва кўлини беписандлик билан ҳаволатди.

— Маст бўлиб қолдим чоғи. Эй, йўқ, ростакамига маст бўлиб қолдим, устоз. Ахир м-мен бугун навбатчи эдим-ку...

Устоз унинг пешонасидан чўлпиллатиб ўпди-да, елкасига қоқиб тинчлантирди.

— Сен кўп довирама... қани, қаддингни кўтар... ана шундай. Қара, атрофдагиларнинг ҳаммаси бизга қараб ўтирибди, — деди Бўронбой атрофдаги хўрандаларни кўрсатиш учун қулочини ёзар экан. — Сен гапимга қулоқ сол, ҳозир Қамбар аканг билан редакцияга бор, кечгача очилиб қолсанг, қолдинг, бўлмаса бир ҳисобини қиламиз. Ҳеч бўлмаса, Қамбар аканг ўрнингга навбатчилик қилади. Қамбар акангни гали келса сен ўтириб берасан. — Сўнг Қамбар Азизга юзланди. — Қоронғу тушгач, бирорта машина топиб уйга обориб ташлаймиз...

Кўпрок оғиб олганиданми, Туёқбек ўрнидан турмоқчи эди, мункиб кетди. Агар Бўронбой чаққонлик билан тиркаб қолмаганида йиқилиб тушар, йиқилганда

ҳам жуда шармандали йиқилган бўларди.

Шундай қилиб, “ювиш” ниҳоясига етди. Бўронбой бир қўлини Туёқбекнинг бўйнидан, бир қўлини тақимидан ўтказиб даст кўтарди, шу зайлда Қамбар Азиз ҳам Туёқбекнинг иккинчи томонидан ўтди.

Икки устоз шогирдни икки ёнидан суяб йўлга тушдилар...

Иноят бошини чангаллаганча остонада чўнқайиб ўтираверди. Шу ўтиришда узоқ ўйлади, лекин ўйининг тагига етмади. Чуқур хомуза тортди, уйқусираган кўзлари ачишди. Бугун жуда чарчаганга ўхшади. Оёғининг тиззадан пасти, бели, кураклари, боши, хулласи калом, вужуди зирқираб оғриди...

...Кўз олди хиралашиб, зимистондек қоронғулик пайдо бўлди. Иноят шу қоронғулик бағрига сингиб кетгандай бўлди. Орадан маълум дақиқалар ўтгач, қоронғулик аста-секин ёриша борди. Дарвоза “ғийқ” этиб очилди, очилиш баробарида, кўча томон ёруғ эканми, баҳайбат бир қўланканинг сояси, сўнг ўзи кўринди. Қўланка дарвозадан ичкарилагач тўхтади, олдинги оёқларини ердан узиб, қалдини ростлаб у ёқ-бу ёққа ҳадиксираб қаради. Унинг гавдаси аста-секин каттарар, катталашган сари жуссаси ҳам шар шаклига кира бошлади. Охири пешонасида эчкиникига ўхшаш иккита шох, қулоқлари эшакникига ўхшаш узунчоқ, қалди сал эгик — букримонанд, оёқ ва қўл панжалари ўрнига туёқ эканлигини ҳисобга олмаганда, кўриниши худди одамга ўхшаш қиёфага айланди, буни кўрган Иноят ўрнидан кўзғалишга уринган эди, ҳеч иложи бўлмади. Унинг оёқ ва қўллари, умуман бирор мучаси ўзига бўйсунмади.

— Шайтон! — деди Иноят яна бир бор ўрнидан кўзғалишга уринган бўлиб, лекин ҳаракат қилишга мажоли етмади, худди икки елкасидан бақувват икки қўл маҳкам босиб тургандай эди.

Иноят ҳамқишлоқларига, ҳамсояларига илтижо билан қараган эди, негадир уларнинг барчаси Иноятга орқа қилиб туришар, ҳеч нарсадан хабари йўқдек бир-бирлари билан алланарсалар ҳақида минғирлашар, туриб-туриб ўзларича қаҳқаҳа отишарди. Уларнинг орқа қилиб туриши Иноятнинг ҳамиятига тегди.

— Ана, унга қаранглар! Шайтон! — деб бақирди, бақиргани билан биров унга қайрилиб қарамади.

Нимагаки, ўз овозини бошқалар тугул ўзи ҳам эшитмасди. Тили танглайига ёпишиб қолгандай, устига-устак оғзи қуруқшаб қолган. Ютинган эди, томоғини бир нарса тилиб юборгандай бўлди.

Шайтон кўкчил укки кўзларини мўлпайтириб, ангори докадек оқариб бораётган Иноят томон юрар экан, тиржайди. Унинг тиржайиши шунақанги жирканч эдики, Иноятнинг кўнглини оздириб юборди. Шайтоннинг худди шу туриши, шу тиржайиши мактаб директори Чориевнинг бугунги қиёфасига ўхшаб кетадиган аллақандай белгиларини эслатди. Иноят синчиқлаб шайтоннинг башарасига тикилди. Шайтоннинг қиёфаси Чориевга нисбатан Бўрон Саломовга қўйиб қўйгандай ўхшайди. Энди Иноятнинг қаршисида шайтон эмас, аксинча, Бўрон Саломов тургандай эди.

Иноят ўзини сал эркин туттишга ҳаракат қилди.

— Бўронбой, сенмисан? — деди у шайтоннинг башарасидан яна Бўронбойга ўхшашлик аломатларини қидириб.

Шайтон ғайришуурий равишда қаҳқаҳа отиб юбордики, қаҳқаҳаси Иноятга ёқмаётганини, унинг борган сари бетоқатланаётганини, айниқса, қовоқлари пир-пир

учиб, иягининг титрашидан жаҳли чиқаётганини сезиб турса-да, қасда-қасдига кулгиси тўхтамади. Унинг қаҳқаҳаси ёвуз ниятли кишининг мақсадига етишиб, ўз ҳарифи устидан тантанавор кулгисига ўхшарди.

— Ҳа, менман, домла! Бўронман! — деди шайтон кулгидан ўзини зўрға тийиб.

Иноятнинг юраги увишиб кетди. У Бўрон Саломов қиёфасига кирган шайтоннинг узунчоқ қирғий бурнига, бурнининг тешикларидан ўсиб чиққан мошгуруч туқларига, кўкчил укки кўзларига, эчкиникига ўхшаш шохига, иягига, хуллас унинг мутакаббир башарасига узоқ тикилди.

— Ичавериб-ичавериб охири бошингга шох чиқибди-да, Бўронбой.

Шайтон кулди.

— Ҳа, ўзингиз: “Ичган билан шох чиқадами?” деб айтгандингиз. Мана, астойдил ичсангиз, шох ҳам чиқаркан, домла!

Иноят Бўронбойнинг биринчи бор дарвозадан кириб келганини эслади. Эслади-ю, фиғони фалак бўлди.

— Сен қўйнимга шайтондай сирғалиб кирдинг. Нега ўшанда калтак олиб қувмадим сени? Ўғлимни шой эмас, бало қилдинг!

Шайтоннинг бу гаплардан ранги-рўйи ўзгармади, аксинча, мағур турганича бошини ликиллагиб қўйди.

— Мени ҳамиша пастга уриб келардингиз. Мана, энди сизнинг ҳам аҳволингизни кўриб қўяйлик!

Иноятнинг жаҳли чиқди. Шайтонни бўралаб сўкмоқчи бўлди, афсус бирорта аччиқ сўз тополмади. Унинг бутун вужуди қизиби, ўзининг ёғига ўзи қовуриларди.

— Шайтоннинг сувини ичавериб, шайтонга айланиб қолибсан, Бўрон! Сен шайтонсан, фақат нимагадир...

Шайтон Иноятнинг фикрини англади.

— Нимагадир думинг йўқ, демоқчимисиз? — деди у ўзи томонга синчков қараб турган Иноятга тишининг оқини кўрсатиб. — Менинг думим сизнинг оғилхонангизда!

Иноят шайтоннинг гапини яхши англамади.

— Думим сизнинг оғилхонангизда! — Шайтоннинг гапини ўзича такрорлади Иноят. Таажжуб билан қўшиб қўйди: — Сенинг думинг менинг оғилхонамда нима қилади? Ахир у ерда ўғри бекиниб ётибди-ку!

— Ўша ўғри — менинг думим бўлади! — деди шайтон тантанавор оҳангда. — Менинг думим тугул баданимдаги ҳар бир тук хоҳласам ўғрига, аблаҳга, қотилга, песага, моховга... хуллас жирканч ишларни бажарувчи манкуртга дўнади ва мен уларни эзгулик йўлига тўғаноқ қилиб қўяман!.. Ҳа-ҳа-ҳа!

Шайтон шунақанги кулдиги, Иноятнинг хаёлида унинг кулгисини бутун ер юзи эшитди-ёв. Ҳатто бу кулги акс-садо бўлиб дунёнинг тўрт томонига таралди. “Бу кулгини атрофимдагилар ҳам эшитган бўлсалар керак!” хаёлидан ўтказди Иноят ва ёнидагиларга бир-бир қаради. Минг афсуски, ёнидагилар ҳамон унга орқа қилиб, ҳеч нарсадан хабари йўқдек, бепарво, бир-бировлари билан минғирлашиб туришарди.

Шайтон эса оғзини ўрадек очиб қулишдан тўхтамасди.

— Домла, ҳайрон бўлманг, атрофингиздаги одамлар кар бўлиб қолган! Мен уларнинг юрагига кўркув ўтини солиб қўйганман! — деди шайтон сўзларига урғу бериб. — Улар бу ерга азбаройи сизга жони ачишганидан эмас, аксинча, томоша учун келишган!

Бу гаплардан кейин Иноят тамоман ўзини йўқотиб



қўйди. У икки қўли билан бошини чангаллаганча инграр, ўзича кимларнидир бўралаб сўкарди.

— Қани, ғафлат уйқусидан уйғонинг! — деди бир майин овоз ва Иноятнинг елкасидан туртди...

Кечаси билан мижжа қоқмай чиққан Иноят тонгга яқин кўзи илиниб, туш кўраётган экан. Моҳира аянинг: “Туринг, дадаси, тонг отди”, деб елкасидан туртганида, чўчиб уйғонди. Уйғонди-ю, хотинининг қўлидан маҳкам ушлаб силкитди.

— Сен, шайтон! — деди алаҳсираб ва бирдан ўзига келди. Қаршисида шайтон эмас, хотини турганлигини кўриб, изза бўлди.

Эрининг-довдираши Моҳира аяни ранжитгандай бўлди.

— Оғилхонага ўғри тушса-ю, сизни ғафлат босиб ётаверса?! Яна шайтон деганингизга ўлайми? — деди Моҳира ая эрининг алаҳсираганидан аччиқланиб. — Яна туш кўрганингизга нима бало бор...

— Наҳотки кўрганларим туш бўлса? — деди Иноят ўзига-ўзи ва ўрнидан кўзгалди. — Бўлиши мумкин эмас!..

...

Бўғотда мудраб ётган олачипор хўроз бир силкиниб, қанот қоққанча пагларини хурпайтириб бўғиқ қичқирди. Уфқ орти кўрғошинранг тусга кириб, шафакранг тонг отди. Безовта қишлоқ тепасидан қоронғу тун аста-секин дарахтлар ортига бекиниб, дилларни равшан этувчи оппоқ тонг сирғалиб қишлоқ қўйнига кира бошлади.

Кечаси билан ўғрини пойлаб чиққан қишлоқ аҳлининг ярми уй-уйига тарқаган бўлса, воқеанинг охири нима билан тугашига қизиқувчилар шу ерда қолиб, ўзларига қулайроқ жой танлаб мудрашарди.

Хотин уйғотгандан кейин, карахт бўлиб турган Иноятнинг оғилхонага ўғри тушганлиги эсига тушиб, ўрнидан сакраб турди-да, ўрик остидаги сўрида чўзилиб ётган Босиболди милисанинг елкасига туртди.

— Ука, ҳой, ука, тонг отди, укажон! Қани энди...

Босиболдининг уйқуси қаттиқроқ эканми, ҳадеганда уйғонмади. Иноят яна бир бор туртган эди, туш кўриб алаҳсираётган одамдек бир-икки марта “ҳм-ҳм” деди ва ирғиб ўрнидан туриб кетди.

— Қўлингни кўтар! — деди Босиболди белига танғиб олган қуруқ ғилофга ёпишар экан. Қаршисида қаққайиб турган Иноятни кўриб “пув-в-в” деб бошини чайқади. — Қўлини боғладингларми?

— Кимнинг қўлини, ука? — деди Иноят анграйганича. — Ўғри ҳали оғилхонада биқиниб ётибди. Қани, энди хунарингизни кўрсатинг! Тонг ҳам ёришди...

Мудраётганлар ҳам аста-секин кўзларини очиб, керишишди. Кечкурун сабри чидамай уйларига кетиб қолганлар тонг отгач, яна кириб келишди. Уларга кўшилиб хотин-халажлари ҳам Иноят ва Моҳира аялардан ҳол-аҳвол сўрашиш учун чиқишган эди.

Ҳовлида яна тумонат одам тўпланди...

Ҳассасини тўқиллатиб Назар бобо дарвозадан ки-

риб келаркан, тўпланганларни койиб берди.

— Ҳали ҳам бир қарорга келолмай ўтирибсизларми? — деди қўлидаги ҳассасини оғилхона эшигига ўқтаб. — Эшикни тепинглар-да, ичкарига бостириб кириглар! Наҳотки, шунчаларингни кучинг битта ўғрига ет-маса?!

Шу пайт антиқа мўъжиза рўй бериб, Назар бобонинг гапи оғзида қолди.

Ўзидан-ўзи оғилхона эшиги тақирлаб қолди. Ҳамма бир муддат нафасини ичига ютиб, оғилхона эшигига қараб турди. Эшик аввалгисидан яна-да жонлироқ тақирлади.

— Мен сизларга айтмабмидим! — деди Босиболди ҳовлиққанча бошидаги шапкасини қўлига олар экан. — Ўғрининг сабри эрталабгача тугайди деб! Мана, кўриб қўйинглар, бу — ҳаётинг тажриба. Ўғри энди тавбасига таяниб, ўзи таслим бўлмоқчи. Қани, эшикни очинглар!

Ҳамма бир-бирига қаради. Жума ака Мустафо дарозга им қоқди. Мустафо дароз елка қисди. Қараса, ҳеч кимнинг дили ёр бермаяпти. Иноятнинг ўзи эшикка яқинлашди. Эшик зулфинига тиқиб қўйилган косовни тортиб олди-да, шоша-пиша бир қадам орқага тисарилди.

Эшик “ғий-қ” этиб очилди ва ўғрининг башараси кўринди.

— Оғилхонада ҳам тинч ётолмайсан киши, — деб гўлдиради ўғри ва остона ҳатлаб ташқарига чиқди.

Ҳамма “хув-в-в” деб юборди. Иноятнинг эса димоғи ачишиб кетди, кўзларига жикқа ёш қуйилиб келди.

— Тўёқ-бек!

Иноят бошқа сўз айта олмади, боши чир айланиб, кўз олди қоронғилашди. Кўзларини қаттиқ юмганча деворга беҳол суянди.

Бир чеккада рўмолининг учини тишлаб турган Моҳира ая аввалига чўчиди, бир муддат кўзлари жовдираб турди, сўнг йиғлаб юборди.

Босиболди милиса гарангсиб турган Туёқбекка еб қўйгудек қараб тураркан, шундай бир хунук қиёфага кирдики, унинг шу дамдаги афт-ангорини кўрган одам, “бу Босиболди милиса эмас, балки бошқа бир йиртқич” деб ўйлаши турган гап эди. У шундай бир чаққонлик билан ўз ўлжасига ташландики, кучаниб, тиришиб, оёғини ерга тираб қаршилиқ кўрсатишига парво ҳам қилмай Туёқбекнинг қўлини орқасига қайириб, кўчага судраб чиқмоқчи бўлди. Назар бобо уни шаштидан қайтарди.

— Ҳаҳ, милиса болам, тўхта! — деди у илдам чиқиб. — Тўхтасанг-чи! Кўрмаяпсанми, ўғри деганингиз ўзимизники бўлиб чиқди. Пичоқ ўз қинини кесмайди, дейдилар, болам! Қўйиб юбор, бу Инойди боласи-ку!..

Назар бобонинг гапига анграйиб турган Босиболди Моҳира аянинг “Боламини бермайман”, дея “ўғри”га ташланганидан чўчиб тушди ва беихтиёр “ўғри”нинг қўлини қўйиб юборди...



Салим АШУР


ВАТАН

Бирдойим, сомоним,
Гулм, янтогим,
Богларим, тоғларим,
Менинг тошларим...

Сиз-ку акам, укам,
Опам, синглимдек
Энг яқин, энг яқин
Қариндошларим.

Бир пиёла чай ва
Бир қошиқ ёвгон,
Битта иссиқ нондан
Дастурхон тузган.

Оғалар, шиллар,
Қаторингизда
Менинг фикрларим
Чархланиб ўсар.

Юмшоқ ёстиқ кўяр,
Ҳориб тин олсам,
Менинг ўз уйимдек
Шу юрт, шу Ватан.

Отам ўз жонини
Тоширган тўпроқ,
Сен меники эмас,
Мен сениман!

КҮЗ

Академик rassam
Акматал НУРга

Нима ҳам дер эдим: барисен аён,
Сизнинг манзилитиз бошиқа аслида...
Олтин сувларига чайилган хазон
Кўз деган rassomнинг илҳом фаслида
Бўёғи қуриган расмлар мисол
Тўпроққа қорилар оғир ва оғир,
Ҳар лаҳза янгорар оҳанг, ранг, тилмсол,
Хазон — расммикан ё куйган бағр?



Ҳар лаҳза янгорар оҳанг, ранг, тилмсол

Ўт тушиди юз йиллик устахонага,
Сўқмоқлар чопади анҳорни излаб.
Сайҳонда шовуллаб шамол ёнади,
Дарахт чала қолган расмга менгзар.
Шаҳар. Тўққиз қават ромлар ичида
Одамлар широкни ёқар, ўчирар.
Тиришлик фармони ҳамон кучида,
Ҳаёт — буюк санъат, бизни кечирар.
Новдодан узилган япроқдек йўлсиз,
На белги, на чизиқ, на из, на асар.
У тутган манзилга қаламсиз, кўлсиз
Ўзининг суваратин чизибди хатар...
Атирғул... Атирғул... озгин шоира,
Тўпроққа тишлайди тилла зирагин.
Агар илмиса юрак — доира,
Бу олтин оловнинг борми кераги?
Хуржун-хуржун булут — сотади сарин,
Жангдан сўнг майдонда сарғиш ёрликлар.
Елғирда тангадек ивиб, бир-бирин
Пинжига киради тилла балиқлар.
Куз мағрур шоира. Энди қайтмайди.
Дардидан сарғайган шеърларни ёқар.
Кўнглида нима бор? Сира айтмайди.
Сўзга бўйсунмаган ерларни ёқар.
Сарғайган — ҳаёми, сарғайган — ҳовур,
Севгидан оламнинг ранги захилми?
Япроқ лабларида бўса, ишиқ соғир,
Бахт билан бахтсизлик шунча аҳилми?
Ё бир сўз, ё бир ранг, ё бир заўб билан
Дунё ҳам бир асар каби яралган.
Ҳар гўшнинг ёшида биттадан тикан,
Ҳар чаман издиҳом билан ўралган,
На манзил, на кўча кўз — шоирада,
Совқотар сўнгига етмаган тасвир.
Янги мўйиқаламда, кенг доирада
Богларга оқ ранглар тортар Мусаввир.

КҮЗ ҚИРИ

Ноздан нозик, сувдан саришта,
Эй қомати шамшод фаришта,
Етгаймикан сенга оҳ-зорим,
Боглармикан бизни ишиқ-ришта?

НАВРЎ

Дилимизда баҳор-у,
Тилимизда гавҳар сўз:
Яна келдингми, Наврўз?
Яна келдингми, Наврўз?

Онамни соғингандай,
Боламини соғингандай,
Соғиндим сени, дўл сўз,
Яна келдингми, Наврўз?
Яна келдингми, Наврўз?

Чирой очди бойчечак,
Даладаги ой чечак,
Жаранглаб ҳаёт сочди,
Қалблар туғунин ечсак,
Қир ёпинди яшил бўз...
Яна келдингми, Наврўз?
Яна келдингми, Наврўз?

Синди аёзнинг тиги,
Дунёни уйғотади
Болаларнинг кўшини:
Эй, тулпор, шамолдан ўз,
Тўлди дилда каму кўст:
Яна келдингми, Наврўз?
Яна келдингми, Наврўз?

Катта ўчоқ қазайлик,
Дошқозонни осайлик,
Тўқ бугдойдан босайлик.
Юракни иштади
Шамс – фалакдан боққан кўз,
Яна келдингми, Наврўз?
Яна келдингми, Наврўз?

ЁШЛАР ҚЎШИҒИ

Ўзимизни чоғлаб улғу ҳимматларга,
Биз тайёрмиз миллат учун хизматларга,

Китригага қиров кўнган сингилларим,
Ўн олтида йиғит бўлди кўнгишларим,
Оғирингиз менга, сизга енгилларим,
Сиз ўзбекининг даласида ёмғирмисиз,
Хирмон-хирмон пахталардан оғирмисиз?

Жаннатлардан олинганми тўпроқлари,
Бўй қизларнинг ҳалволардек бармоқлари,
Отам эккан ўғзаларнинг чаноқлари
Қаттиқ-қаттиқ кулар сизга кеч кузларда,
Опасининг қарзларини қиз узар-да.

Шон-шарафга белагайсиз элингизни,
Меҳнат – мерос, буколмайди белингизни,
Кечалари ойга очинг дилингизни,
Учиб келган муҳаббатми ё қўнларми,
Кўлингиздан хаёл бир бора ушларми?

Тандирлар ҳам соғинади тафтингизни,
Ўчоқлар ҳам ўнай дейди кафтингизни,
Бургунлардан олганмисиз шахдингизни,
Матонатда сиздан метин енгилди,
Сизни бутун Узбекистоним билади.

Нон ёнасиз, кир ювасиз, сўт соғасиз,
Сингил эмас, она эмас, чин оғасиз,
Юз йиғитни бир ўчоқда сиз ёқасиз,
Кўлингизда лаби ўнган тилангиз,
Сиз шундайсиз. Худодан ҳам уялмангиз.

Балки мен ҳам бир хатарли ёшдадирман,
Ё адоқда, ё ўрта, ё боидадирман,
Нону чойда, шакарда ё ошдадирман,
Бутун бўлсин доим қўлчи, нонларингиз,
Шошилмасдан отаверсин тонларингиз.

Ўнгда юлдуз, сўлди ой дугонасисиз,
Туғилажак ботиқларнинг онасисиз.
Ўзингизмас, сиз келажак деб ёнасиз,
Оғирингиз менга, сизга енгилларим,
Бармоқлари совуқ қотган сингилларим.



Баҳодир ҚОБУЛОВ



Икки ҳафта

ОВЧИНИНГ ОФИР КУНИ

Қишлоқни қоқ икки бўлиб, ҳув Каттатоққа бориб қадаладиган йўл ёгин-сочин пайтлари ўнгирлар ва ҳовлилардан йиғиладиган селу селовани сойга қуядиган жарлик ичидан ўтади. Шу боис уни Жаркўча деб аташади.

Жаркўча Каттасой ёқалаб кетадиган Каттакўчага келиб қўшилади. Қўшилиш жойидаги тақир яланглик қишлоқнинг подаси саҳарда йиғиладиган жой. Подани подачи тоққа ҳайдагандан кейин бу ерга қишлоқнинг майда чекана моллари йиғилади. Бердимурод иккимиз ҳар тонг шу ерда учрашамиз. Қўйларимизни бугун қаерга боқишимизни маслаҳат қиламиз. Кўпинча ҳар тонг бизни бу ерда Облоқул овчи кутиб турган бўлади. Биздан бўлак деярли ҳеч ким билан гаплашмайдиган бу киши икковимизни кўрганда хурсанд бўлиб кетади. Бизга қўшилиб қўй боқади. Баъзида қўйларини бизникига қўшиб бирор юмуш билан туман марказига тушади. Ўшандай кунлари биз албатта маза қиламиз. Ахир, марказдан бизга бирор бир ширинлик келтириши аниқ-да. Кечқурун, подақайтар маҳали учовимиз тагин шу жойда тарқаламиз...

Жума кuni эди. Бекмурод иккимиз Эшакўлдиннинг ангоридида қўй боқиб юргандик. Энг осон қўй боқиш ангорда бўлади. Қўйлар кўз ўнгингда, йўқолмайди, бировларникига қўшилиб кетмайди. Фақат бир нарса — соялайдиган жой йўқ. Шуниси ёмон...

Биз ҳам бўш келмаймиз. Чўпон таёқларимизнинг бошини бир қилиб боғлаб, устига бирор бир жандани ташлаб чайла ясаб оламиз. Ишқилиб бошпана. Тўғри, чўпон таёқларимизнинг бири узун, бири калта. Овчининг таёғи энг катта, Бекмуроднинг таёғи меникидан сал кичик. Чўпонлик иримларига кўра, кўчадан топиб олган таёғи билан қўй боқиб кетилавермайди-да. Тоза жойдан олинган таёқни бир учидан кафтлари билан қисимлаб басма-бас ўлчаб олинади. Ҳар бир кафт алмашиши чўпон қўшиғининг ҳар бир сўзига битта-битта мос тушиши керак.

*Тол таёқ, толман таёқ,
Эга, эга бошини ема,
Минг қўйинг боқиб,
Муродига етган таёқ*

Буни ҳам Овчи ўргатган. Кафт ўлчовида ўн тўрт қарич ўлчаб чўпон таёқ қилиб кетаверса бўлавермаслигини, ушбу қўшиқни айтиб, таёқ кўтарса, молига касал йўла-

маслиги, бўри доримаслигини айтган. Биз шундай қилганмиз.

Бундан бир неча кун илгари бу ерларда иш қизгин, ур-тўполон, бир қанор сомон деб эшагидан ажраганлар нечов эди. Ҳозир ўтириб ўша пайтларни эсласанг ишонгинг келмайди. Икки қучоқ сомонни деб жиққамушт бўлганларни эсласам аллаҳил бўлиб кетаман.

Мана, уч-қуйруғи йўқ ангор барчадан ортти-ку! Ҳозир ҳам кунт қилган, ҳафсала қилган одам керакли сомонни йиғиши мумкин. Ҳув, кўз илгар-илғамас тўзонлар галла ўраётган комбайнларнинг чанги. Дунёнинг кўтир жойи ҳозир ўша ер. Ангордан эса фақат бир киши сомон йиғади. Облоқул овчи. Ҳар жой-ҳар жойдаги тоғдек сомон ғарамлари шу кишиники.

Кун пешиндан оққач амаки жума намозидан қайтди. Белбоғларни дастурхон қилиб, бозорликни паққос туширдик. Бугун ҳам янги афсона эшитамиз, деган нијатда иккаламиз ҳам амакининг оғзига тикиламиз. Чунки, ўзлари эрталаб қўйларини бизларга қўшиб кетишларида “бозордан қайтсам, қизиқ нарса айтиб бераман” дегандилар. Бекмуроднинг қистовидан сўнг амаки вадасини бажаришга киришди.

— Шу нарсани ўзларингча сўрамаганликларинг учун раҳмат, — деди амаки узоқ жимликдан сўнг дамсар уриб — Иниларим, биласизлар менинг ҳақимда қишлоқда анча-мунча гаплар юради. Ўлганимдан сўнг қирқ йил юриши ҳам тайин. Барчасига ўзим сабабчиман. Буни олдиндан билардим, ҳеч қачон одамлар олдида бўйнимга олмаганман. Мана ўн йилдирки элдан чиқиб кетдим. Бунга мени ҳеч ким қистагани йўқ. Ўзим, ўз ихтиёрим билан шундай қилдим. Чунки кўрган одам мендан “Облоқулбек, Кўққоядан йиғлаб қайтибсиз, тинчликми?” дея киноя аралаш сўрагани-сўраган эди. Ҳеч кимга ўша йиғи сабабини айтмаганман. Ҳатто болаларимга ҳам. Эсимни таниганимдан буён қилган гуноҳларимнинг энг каттаси деб ўшани биламан. Аслида эса аҳмоқнинг катта-кичиги бўлмаганидек, гуноҳнинг ҳам катта-кичиги бўлмас экан. Сенларга айтишимдан мақсад жўраларингга айтинглarki, ҳайвонларга, дов-дарахтларга қилча ситам ўтказмасинлар.

Хуллас, бир кuni каттаконлардан бири уйимга келиб, “Облоқулбек, битта айиқ бола топиб бермасангиз бўлмайди”, деб жуда гаранг қилди. Аввалига кўнмадим. Катта пул ваъда қилди. Рози бўлдим. Аслида одам

йўрғакда текканини бажариши, ялангоёқ ялангоёқлигини қилиши лозим экан. Пул кўрмаганлик курсин, тўрт тангани деб диндан, имондан чиқдим. Тўғрироғи, менинг ўшанда бошқа иложим ҳам йўқ эди. Чунки мен умуман бирор жойдан ойлик олиб яшамаганман. Овчиликдан рўзғор тебратиб, пулдорлар, каттаконлар хизматида бўлганман. Эл бекорга овчининг уйида тинчлик бўлмайди демаган экан. Шу гапни унутманглар! Пулга ружу қўйгандан одам чиқмайди. Катта кетгач, пулни санаб “қора куннинг яроғи” дея сандиққа ташлаганман. Аслида эса қора кунни кўкайдан чиқариб яшаш лозим экан.

Хуллас эртасига саҳарлаб Ёнасойдаги қари дўланани чўтлаб йўлга тушдим. Уша пайтда у ерда бир она айиқ яшарди. Айтишларича, бир вақтлар Григорий деган ўрмончи тоғдан қайта-қайта сел йўлида ярадор айиқ боласини кўриб қолиб уйига келтирган. Дори-дармон қилиб икки йил парваришлагач, Ёнасойдаги дўлана ёнига келтириб қўйган экан. Дўлананинг танаси жуда катта. Ундаги кавакка ўн беш киши бемалол жойлашади. Хуллас ўшандан буён айиқ шу ерда яшай бошлаган. Кўрганлар уни одамдан ҳайиқмасди дейишади. Ҳар йилги болалари эс танигач, қояга, айиқлар тўдасига қўшилиб кетаркан. Она айиқ эса ёлғиз ўзи яна дўланада қоларкан.

Ниҳоят ўша айиқ болалагани ҳақида Очил овчидан эшитгандим. Овчи овчини алдамайди-да. Саманни минганча эрта саҳарлаб йўлга тушдим. Ёнасойга етгач, катта қоятош ортига бекинганча уларнинг булоққа тушишини пойлаб ётдим. Тушга яқин уларнинг шовқини эшитилгандек бўлди. Онаси ортидан болалари пилдираганча эргаштирди. Пайтни бой бермай биттасини отдим. Ўқ тегди шекилли, қимирламай қолди. Онаси унинг олдида айланавергач, унга қарата отдим. Она айиқ ярадор оёғини судраб, бир боласини эргаштирганча қоя томон қоча бошлади. Тезда ўлжамни олдимга ўнгардим қишлоққа қайтдим. Ҳеч ким кўрмаганим деб Каттақўлнинг қамишзорини оралаб уйга келганимча она сутим оғзимга келди. Ҳаракатларим зое кетмади ҳарқалай. Фақат Теша бобо қилмишимни сезди. Бироқ бир оғиз ҳам гапирмади.

Эрта қишда томорқамда айиқ изларини кўрдим! Танамдан ўт чиқиб кетди. Кейинроқ изларни тез-тез учратадиган бўлдим. Ўзини кўрмайман, пойлаб ётишга эса кўрқаман. Еганим ичимга тушмай қолди. Бир куни кечқурун катта қизим меҳмончиликка келаётганда ғовимиз олдида тик турган айиқни кўрибди. Эртасига эрталаб ваҳима билан Теша бобонинг олдида бордим. У киши саломимга алик ҳам олмай, “айиқ билан юзма-юз бўлгин, йўқса нафақат сени, балки бутун қишлоқни тинч қўймайди” деди. “Хўп” деб чиқдим, лекин айиқ ортидан бормадим. Тўғрироғи, боролмадим. Назаримда қишлоқдан чиқишим билан у ортимдан келиб, бўйнимдан бўлганча Ёнасой томон судраб кетадигандек эди.

Бу орада айиқ отганимни бутун қишлоқ билди. Учрагандан танбех эшитадиган бўлдим. Чунки кечалари тез-тез қишлоқ оралаб айиқ юришининг сабабчиси мен эдим-да. Яна бир гап. Қишлоқда айиқ отиш гуноҳ ҳисобланарди. Айтишларича очарчилик йиллари қишлоқ аҳли айиқ гўшти билан кун кўрган, ўшанда оқсоқоллар “омонлик келса, айиқ отган одамнинг юзига қараманглар” дейишган экан.

Гап-сўзлар жондан ўтгач, қўшотарни яна елкага ташладим. Аччиқ устиди уйга ҳам айтмай йўлга тушдим. Ўшанда назаримда мендан кучли одам йўқ эди. Овчининг пихи қайтса шундай бўлади. Бир ҳафта тоғ кезиб айиқни қидирдим. Кечалари гоҳ у, гоҳ бу чўпон отарида тунайман. Эртаю кеч қулоқларим остида айиқнинг пишиллашига ўхшаш товуш эшитилаверди.

Эрта саҳар эди. Хаёл билан Кўкқоянинг қаллагига келиб қолганимни пайқамабман. (Каллак деб тоғнинг туртиб чиққан, уч тарафи ҳам жарликдан иборат қисмига айтилади). Орқага қайтдим. Не кўз билан кўрайки, мендан уч қадам нарида ўша она айиқ турибди! Назаримда кўзлари чўккан, жуллари тўкилиб кетганди. Қўшотарни қўлга олгандим, айиқ бир уриб учираиб юборди. Менга қандай бунчалик тез яқинлашганига ҳалигача ақлим етмайди. Кейин ўз жойига бориб ўтирди. Жон ҳолатда пичоққа ёпишдим. Белбоғда қини бор-у, ўзи йўқ. Шунда ўлимни бўйнимга олдим. Одамлар “оғир касал бўлиб икки дунё ўртасида қолганимда олам кўзингга чиройли кўринади” дейишса, ишонмасдим. Бу ҳақиқатга ўшанда имон келтирдим. Кўз ўнгимдан беш болам, хотиним ўтди. Қилган яхшилигу ёмонликларим бирма-бир хотирада тикланди. Энтикканча нафас оламан. Айиқ бўлса мен томонга бир қадам ташладию тўхтади. Кўзини кўзимдан олмайди. Қулоқларим остида кенжам Ҳамиджоннинг овози эшитилгандек бўлди. Чўкка тушдим. Фажиб ташлашини тасаввур этиб, йиғлай бошладим. Шунда унинг қулоқлари остида ҳам боласининг овози акс-садо бергандир? Кечга яқин айиқ ўрнидан турди. Турди-ю, танасига номутаносиб тезлик билан ортига бурилди. Бурилдию кетди. Кўёш эндигина ботаётганди.

Айиқнинг менга тегмаганлигини ҳақорат деб билганман. Бу ҳақорат овчиликни касб этганимдан буён жонзотларга қилган хиёнат ва жабрларим учун жавоб бўлса керак.

Бўталарим! Сизлар хиёнат билан покликнинг юзма-юз бўлганини кўрмагансизлар. Поклик ҳеч қачон, ҳеч нарсага алмашилмас, сотилмас экан. Сотилган заҳоти ўлишини тасаввур ҳам этолмайсизлар.

Сизлар соддалик билан таккабурликнинг, мардлик билан номардликнинг юзма-юз бўлганини кўрмагансизлар. Гувоҳ бўлгандагина гапларимнинг мағзини чақасизлар. Ҳаммасидан ҳам ожизликнинг зўрлик устидан ғолиб келган куни курсин экан. Мен шу кунни кўрдим. Бу кунни умримдаги энг оғир кун деб ҳисоблайман. Уйга қандай келганимни билмайман. Кўзимни очсам, бошимда янгаларинг йиғлаб ўтирибди.

Эртаю кеч кўз ўнгимда ўша манзара — ботиб бораётган қўёш, қўёш томон кетаётган айиқ...

Билмадим, бу ҳол қачонгача давом этаркан...

Облоқул амаки шундан сўнг анча пайт миқ этмай ўтирди. Бизлар ҳам. Гап билан бўлиб қўйлар колхознинг лалми полизига тушган экан. Кўп ўтмай, полиз қоровули Умар бобо дунёни бошига кўтарганча қўйларни олдимизга ҳайдаб келди. “Ҳей, сенларга гап ҳам хайф. Шерикларинг Облоқул бўлса, гўр ҳам бўлмайсанлар! Отларингга айтмасам...”

Ниҳоят Облоқул овчи белбоғининг бир учидан маҳкам сиқимлаб, судраганча ангор ўртасидан қишлоқ сари одимлади. Йўл-йўлакай ортига бир неча бор қараб ҳам қўйди.

КУНГА МАТАА КАМПИРЛААР

1

Жаркўчада ўтган болаликнинг илк хотиралари гу-рас-гурас эшикма-эшик юрадиган дўдилар ҳақида эди. Ўзидан катта тўрваю хуржун кўтарган аёллар атрофидаги болаларнинг говур-говуридан кўрқиб, чўмилаётган жойидан ширяланғоч қочиб, аввалига дарчалари олдидаги супада бир зум ҳангу манг қотиб турган, кейин чопиб ҳовлига кирган Бекмирза онасининг кучоғига бекинди. Аҳвол нимадалигини билган онаси унга: “Яна кўчага сўрамай чиқсанг, девоналар хуржунига солиб кетади, “булбул”ингни бекитиб юр”, деганди. Ўшандан кейин яланғоч чўмилмайдиган бўлди.

— Девонаси йўқ шаҳарнинг баракаси бўлмайди, - деганди институт домлаларидан бири.

Дарсини девоналарнинг бирор-бир иримини айтиш билан бошлаб, бирор, бир удумини сўйлаш билан яқунлайдиган ўша тишшунос ўқитувчини талабалар “девонашунос” дейишарди...

Охирги марта қишлоққа борганида онасига қилган муомаласи сабаб мана неча кундирки ичига чироқ ёқса ёришмайди. Нега шундай қилди? Кўнгли ғаш, кўнгли ола тасир. Нима бўлганди ўзи?!

2

Шаҳарлик ўғил келар кун она ҳайҳотдай ҳовлига сиғмайди. Ойнинг сўнгги шанбасига ўтар кечаси ухламай чиқади. Ўғлининг қош қорайганда келишини билса-да каллаи саҳарлаб дарча олдидаги супага таңда кўяди. Ўтган-кетган ҳам унинг шаҳарлик ўғлини кутиб ўтирганини билади. Кўнгли сўраган бўладилар.

— Шаҳарликларни кутяпсизми, эна, — дейишади.

— Ҳа, энди мени болаларим кўмсин-да, — дея зорланади кампир. — Шуларни кутмай, кимни кутаман. Тоғим ҳам шулар, ўлигимнинг эгаси ҳам шулар. Шулардан икки кетмон тупроқ умидворман-да, айланай.

— Эна, дарров шунақа гапларни айтманг-да одамни кўрқитиб, — дейди чакана боқадиган подачи Асрор тиррик. Кейин дарров ўз дардига ўтади. — Ўғлингиз келганда айтсангиз, Пирмат тоғбеги ҳар куни ҳоли жонимга қўймапти. Ҳақини берсам ҳам яхши жойларга молларни ўтлатмаяпти. Бир оғиз бир нима деб қўйсинлар. Ахир, каттакон амалдор. Майли, сизиларингизнинг ҳақини олмайман.

Тирриқнинг сўнгги гапи энага оғир ботади.

— Нега энди олмас экансан, оласан. Ҳозир уйда пул сал узилиб қолганди, пенсиям келиши билан, йўғ-э, бугун ўғлим келиши билан қарзни уздираман. Подачининг ҳақини узмаганнинг ичган сути ҳалол эмас.

— Узр эна, мен шундай...

— Бир айтдинг, бошқа айтма буни. Пирматга эса менинг номимдан айтиб қўй, элни қийнамасин. Тоғ отасидан қолмаган. Боламнинг отини майда-чуйда ишларга аралаштираверма. Тоғбегига патга ҳақини алоҳида, ўзиникини алоҳида бер, жўжабирдек жон. Оларда қандай мард бўлсанг, берарда ҳам шундай мард бўл. Раҳматли қайнотам шундай деганлар.

— Эна, бир илтимос бор эди, — дейди Тирриқ ялтоқланиб, — ўв, ёшлигимизда еган турк патирингиздан қилиб беринг, қаймоқ, саримойини ўзим бераман, ҳеч ким патирни сизникига ўхшатомайди-да.

— Бу гапинг бўлак, саримойинг ҳам керак эмас. Келинимга айтаман, ўргатганман, ўзимдай қилолмасаям, қўли келишган. Лекин, бола, сенга бир гапим бор. Эр-қул трактирчининг болаларига жавр қилма, сизирини

йўқотиб қўйиб ўрнига бузоқ берибсан. Етимнинг ҳақини ейиш ёмон. Тўрт етимнинг оғзидаги сутидан ажратиб, қандай ётиб турасан. Ўғлимга айтайми, бузоғингни сиз-гир қилиб берсинми? Кейин номусини кўтариб юраоласанми?

Асрор тиррик Энага салом бериб, ҳол сўраганига минг пушаймон бўлди. Негаям қўл учида сўрашиб кетавермади. Шу гаплар унга керакмиди?

— Йўқ, йўғ-э, — деб чайналди подачи — сизиларингни топгунимча, бузоқ олиб туринглар, кейин сиз-гир қилиб бераман деганим-да, эна.

Энанинг жаҳли чиқди.

— Етимларнинг сизирни топиладими, йўқми, унгача улар энангни эмиб турадими? Сут-қатик беминнат бўлса рўзғорда барака бўлади. Шу ёшга кириб ҳам тирриқлигинг қолмабди-да. Сизир, қўй-қўзинг яқинда Каттатоққа сиғмайди. Эр отининг баҳоси эмас бу, Асрорбой. Худоям ҳаммани эркақ қилиб яратавермайди!

Кампирнинг Асрорбой дегани Тирриққа ёқиб тушди, бир умр исмига «тирриқ» эмас, «бой»ни қўшиб айтишларини орзу қилганди. Салкам қирқ йилдирки, пода ортидан юриб, соч-соқоли пода чангидан оқарди. Рўзгорини ейиш-ичишдан қисиб, йигирма икки қорамолу, юздан ортиқ совлиқ қилганда ҳам бирор бой демади. Биринчи марта бировнинг, яна кимсан, Яхшигул кампирнинг Асрорбой деганини эшитди-я! Қулоқларига ишонмади. Энди иши юришади. Колхозга неча раис сайланган бўлса, Яхшигул кампирдан хабар олмай идорасига кирмаган-а! Мулла Қодирнинг ҳовлисидан ҳатлаб ўтмаган. (Баъзи одамлардан ўлган бўлса ҳам кўрқасан-а, тавба!) Мулла Қодир зўр одам эди-да. Сути қочган сизирга дам урса елини чотига сиғмасди. Барини айтсанг бир даптарга сиғмайди. Кампир ҳам зўр. Дегани деган. Нимага ўзи шундай?

Тирриқнинг нақд кекирдагига муштдек қайроқтош тикилгандек бўлди. Кўнгли бўшади. Кампирнинг айтганини қилса, бундан кейин Хўжатўпнинг барча одами, битта галстугни йигирма йилдан буён тақадиган Учкун муаллиму бировларнинг мотоциклини ижарага миниб, меники деб мақтаниб юрадиган заправкачи Олимтой ҳам эртадан бошлаб Асрорбой дейдигандек.

— Эна, ўзи бугун кечга бир сизиримни бермоқчийдим, шуни Сиз билан маслаҳат қилмоқчийдим, — деди шоша-пиша.

— Ундай бўлса, ҳозир Эрқулнинг болалари мол қўшганда, шу гапингни айт. Пода қайтарда арқон билан чиқишсин, сизирнинг бошини ўзинг боғлаб уйига элтиб бер. Қўлинг очилмагунча, кўнглинг очилмайди. Сенку бу гапларни тушунмайсан-у, бари бир бир кун нафи тегад, деб айтаялман-да. Эшон бовонгнинг арвоҳи ҳам шод бўлади... Сизир топилса топилар, топилмаса бош ёриғи, дўппининг остида қолгани дуруст. Сен билан мен ҳам кунга маталмиз, кетамиз. Иснод ёмон нарса. Инсон ўзига ўзи матал ёзиб кетади.

— Бўлди, шундай қиламан. Ҳеч кимга айтманг, жон Эна. Мен Сизни яхши кўраман!

3

Яхшигул кампир дарча олдидаги супада ўтирибди. Шаҳардаги ўғли Бекмирза келиши керак. Эркалаб уни Бек ўғлим дейди. Ўғли билан худди катта одам билан гаплашгандек сизлаб сўрашади.

— Эна, сиз деманг, сен деяверинг, ноқулай-да, жўраларим кулишади, — дея эътироз билдиришига қарамайди.

— Бек боламдан айланади, яхши келдингизми, довмисиз болам, ҳамшиша дов бўлинг-да. Акам кўрмади, отам кўрмади, сиз кўринг-да, болам. Сиз менинг акамсиз, сиз менинг отамсиз. Ёмон назарлар менга тегсин, сизга тегмасин. Ҳамиша йигит пири қўлласин.

Қалтираётган қўллари билан ўғлининг бошини, қошу кўзини, бўйин-елкаларини қайта-қайта пайпаслайди. Дуо баҳонасида қўлида ўтириб қолган ўғлининг ҳидини ҳеч кимга билдирмай ҳидлайди. Юзига қон югуради. Чехраси ёришиб кетади.

Шундай кунларда энани супада фақат номоз вақтларидога кўрмаслик мумкин. Бошқа вақт қиш-у ёз, баҳору куз дарча олдида ўғлини кутади. Ойнинг бошқа шанбалари қандай ўтганини билмайди. Билгиси ҳам келмайди. Сўнгги шанба кунни бошқача. Шу кунни яшагиси келади. Узоқдан узоқ жойдан ҳориб-чарчаб келадиган, бироқ чарчаганини билдирмай, одамларга ҳеч бир ҳолатда нолимайдиган ўғлини кўрганда кўнгли тоғдай кўтарилади. Кўзига қараб ўғлининг бошида минг бир ташвиш борлигини билса-да сўрамайди. Сўраса-да гапни бошқа ёққа олиб кетишини билади. Ҳаммаси яхши дейди. Нима қилсам хурсанд бўласиз, дейди. Онасининг хурсанд бўлса яшагиси келишини қаердан биларкан? Раҳматли чоли шунақа эди. Бир-да сен хурсанд бўлсанг яшагим келади, деган. Ушанда болалар эшитиб қолмадимикин деб роса изза бўлганди.

Ёз бўйи ҳар ойнинг сўнгги шанбаси кун пешиндан оққач, Жаркўчани тўлдириб тупроққа беланаётган тўрайларни безовта қилиб кўчанинг нариги бетидога қўшниси Энақиз кампир келиб қўшилади. Икки дугона супага астойдил ўтиришиб, кўнглилари Тайпоқсойнинг даласидек ёйилади. Дарча атрофига говур-говур энади. Дугонаси келганидан хурсанд кампир кенжа келинига чой буюрган бўлади. Дастурхон келишини ҳам кутмай нимчасининг чўнтагидан рўмолча олиб ёзади. Тўй-маракалардан, ундан-бундан чўнтагига илинган майиз, ширинликларни тўкиб солади. Худди болаликларида хола-хола ўйнаган қизалоқлардек, бир-бирларини меҳмон қилишади. Севинишади. Ҳатто кимнинг келинига ким кўз олайтиргани, кимнинг ўқишдаги қизи қишлоққа анчадан буён келмаётгани ҳақидаги қишлоқшумул янги гаплар ҳам уларга эриш туюлади. Бу гаплар душанбаники.

Энақиз кампирнинг асида Яхшигул энанинг олдида гапирадиган гапи, уйда кутадиган одам ҳам йўқ. Бир кўнгида дугонасининг дардига шерик, бир кўнгида завқига ҳамроҳ деб ёнига келади. Ҳар доим кун ботар-ботмас кириб келадиган шаҳарлик ўғлининг қораси кўриниши билан дугонасининг кўз ёшларини артиш, қалт-қалт титраётган танини бир муддат ўзига келгунча суяб туриш учун ҳам унга шерик бўлади. Бундай қилишни дугонаси сўрамаган бўлса-да, ич-ичидан истагини билди. Қариганингдан кейин одамлар гапирмаса ҳам, кўкайдан ўтганини билиб қоларкансан.

Дарча Жаркўчанинг шундоқ энг юқори жойида жойлашган. Кўчага бурилган ҳар қандай улвони кузатиб туриш мумкин. Кампирларнинг кўчадаги ҳеч бир нарсани кўзлари илғамаса-да, кутаётган машинасини товушидан билишади. Кўпинча биринчи бўлиб Энақиз англайди.

— Дугон, Бек ўғлинг келаяпти.

Кампирларнинг хурсандчилигига шу вақтгача ёнғоқ соясида тўшини заҳга бериб, кесилган қалта думи билан хомишакларни эринибгина ҳайдаётган Олапар қўшилади.

Олапар аввал ёнғоқ остидоги сўри тагидан даст сакраб туради. Кулоқларини динг қилиб, кампирлар олдида ҳал-лослаб келади. Зўр бир ишни қойиллатгандек, уларга бақрайиб қараб туради-да, олд оёқлари билан супанинг бир четини ишғиёқ билан тирнайди. Яхшигул эрининг “Эганг келаяптими?” деган гапи тугар-туғамас тўғри йўл қолиб жарнинг сал кам тик қия жойидан ўзини кўчага отади.

Кейин Жаркўчанинг бошида одамлар билан саломлашиб ҳаяллаган Бекмирзанинг оёқлари остидо ялтоқла-

нади. Одамлар кулги аралаш “Ана, момонинг разведка-чиси келди” дейишади. Олапар йўл бошлади, ортидан Яхшигул кампир эрталабдан буён кутаётган машина йўлга тушади. Шаҳардан келган машина ҳовлида тўхтагач, атрофини бир қур айланади. Чап елкасини ерга қўйиб, эркаланади. Атрофини ўраб олган болаларга кулги бўлади.

Шу вақтгача икки кампирдан бошқа зот назари тушмаган ҳовли бир зумда таниш-нотаниш болаларга, мўйлови майса урган жиану, сал кам бўй етган қизалоқларга тўлиб кетади.

Эна уларнинг ҳар бирига ўғлининг арзимас бўлса-да пул беришини истайди. Баъзиларига бирда бирон ишини қилдирган бўлади. Бек ўғлим келса китобингга пул олиб бераман, деган бўлади. Ҳовлидаги ўспиринларнинг аксарияти ана шу «қарз»ларни ундириш илн-жида йиғилишган. Ора-чорада кўшни келинлар ҳам ушбу ҳолат устидан чиқиб қолишар, кампир ўғлидан келинларга ҳам пул беришини сўрайди.

— Бек берганда бетига қарама, қарз бўлиб қоламан дема, ўлганимда яхшилаб йиғлаб берасан, — дейди ўпкаси тўлиб.

Шу талотўпда Асрор тирриқ кўзлари чақнаб қўлида таёғи, резина этигидан тўкилган Жаркўча тупроғи билан ҳовлиқанча пайдо бўлади.

— Эна, биласиз-ку, бугун Эшқулнинг сигирини ёнимдан тўламоқчи эдим. Сигирини Боғмозордаги арчазордан топдим. Топмасам ҳам ўз ёнимдан беришимни билар эдингиз-ку...

— Яша, Асрорбой, — дейди кампир унинг кўнглидаги гапни топиб.

Асрор тирриқнинг овози ўчиб қолади.

Зум ўтмай ҳовли хувиллаб қолади. Келини дастурхон ёзади. Ҳар кун икки ёнида тармашгандек бўлиб ўтирадиган кенжасининг икки қизи бобосидан уялиброқ дастурхон пойида мўлтирашади. Энақиз кампир ҳам уйига боришини қайта-қайта такрорлайди. Дугонасининг билагини икки-уч марта ушлаб кўргач, аҳволи анча яхши бўлиб қолганини билгачина кўзғалади.

Кейин Эна ўғлини ўзига яқинроқ, юзма-юз ўтиришини сўрайди. Кўзларингизга тўйиб олай, болажон, дейди. Кўзларингизни соғиндим, дейди.

4

Жаркўча адоғида Асрор тирриқ камшиқ оғзини ишшайтирганча таёғини суяниб турганмиш.

— Эртароқ турсанглар бўлмайдами, тоғбеги хотинининг кучоғидан чиққунича подани Қирратошдан оширишим керак, — дермиш томоғини йиртгудек бўлиб, молини қўшаётган ҳар бир болага ўқрайганча.

Шунда онасининг овози эшитилди:

— Тур болам, подачи кетиб қолади...

— Ҳозир, озгина ётай...

Кейин онасининг умуман бошқача оҳангдаги овози эшитилди.

— Туринг, болажон...

— Боринг-эй, турмайман, — силтаб ташлайди Бекмирза. Кейин бирдан туш кўраётганини, хонанинг эшиги олдида ёш боладек мўлтираб турган онасининг чехрасини кўрдию қилиб қўйган ишидан кўнглига гашлик тушди. Нега бақирдим? Нега силтаб ташладим? Онам нима деб ўйлайди?

Эшикка қараган эди, онаси кўринмади. Юз ботмон юкни кўтаргандек ўрнидан турди. Ҳовлига чиққанида одатдагидек ҳовли тўла кампирлар эди. Бирма-бир сўрашди. Дили ёришмади. Онасининг кўзига қарай деса, қарай олмайди. Қайдан ҳам кеча кечқурун Асрор тирриқни кўрдим. Қайдан ҳам тушимга кирди.

Бўлар иш бўлганди. Кампирлар гурунги орасида онасининг юзига қарамоқчи бўлиб бир неча бор уринди. Кучи етмади.

Ҳар доимгидек қишлоққа келганидаёқ машинасини ювиб шаҳарга қайтишга чоеланиши ўзига эриш туюлиб кет-

ди. Шаҳарда ҳафталаб ювилмайдиган машинани қишлоқда ювиши, онасининг ҳовли зинасига ўтириб “Сиз машина юва-веринг болам, мен сизга тўйиб оламан” дейишини эслар экан, буларнинг барчаси онасига қилган жабридек туюлди. Ҳар доимгидек қишлоқ одамлари бозордан қайтар-қайтмас шаҳарга қайтишини кечки салқинга қолдирди.

Тушликни қаерига еди, кимлар билан нималар ҳақида гаплашди — эслолмайди. Онам эшитмагандир, деган аёлга ҳам борди. Кўнглидаги ғашлик кўтарилмади.

Елдек елдек учиб келаётган машина ойналаридан шаҳар яқинлигини эслатувчи кўллаб қизил чироқлар кўриниши билан хаёллари тиниқлашди. Минг марта қатнаган бу йўлларнинг кўп жойларига ўзича ном ҳам қўйган эди. Бу чироқларни “Минг чироқ” деб қачон атаганини эслолмади. Машинани тўхтади. Саратоннинг салқин шамоли хотираларини остин-устун қилди. Энасида бир оғиз кечирим сўрашга куч тополмаганига ўзини койиб, ортага қайтмоқчи бўлди. Эрталаб ишга етиб келиши қийин бўлишини эслаб фикридан қайтди. Ўзи нима қилдию, нима учун узр сўраши керак. Узр сўрайдиган иш қилишга борган экансан, ўлганинг шу-да, деди яқиндагина йўлдан олган сигарета қутисидан сўнгги донани ҳам олиб тутатаркан. Кўнглига нега бунчалик ғашлик тушди? Бу нима? Не-не ишларни, не-не бош оғриқларни бировга бир сўз демай ҳал этган, не-не амалдорларнинг бировдан ўрганиб берган остин-устун саволларига жавоб топиб берган Бекнинг аҳволи шуми? Нима бўлаётти ўзи? Наҳот онасига бақирган бўлса? Наҳот жеркиган бўлса? Ўзи хоҳламаса-да, ич-ичидан онасининг қулоғи оғирлашиб қолганидан биринчи марта хурсанд бўлди.

— Илоё эшитмаган бўлсинлар-да.

5

— Бирор нарсдан хафамисиз, боя ухлаб ётганингизда, номоз ўқиётганимда кўзимга кўриндингиз...

Онасининг синиққина овозда айтган гапи охири-оқибат қулоқлари остида борган сари баландроқ овозда такрорланаверди. Кўз ўнгида ёнғоқ остидаги сўри устида номоз ўқиётган, икки қўлини дуога очган ҳолати ўрнашиб қолганди.

Кечаси билан кўзи илинмади. Саҳарда туш кўрдими, қулоғига биров айтдими, англамайди. Бироқ бутун пешингача нотаниш бир аёлга иккита нонни садақа қилиши ва ўша аёл раҳмат айтиши шарт эканлиги ҳақида биров топшириқ берди-ю, у бу топшириқни бажаришга ўз-ўзига ваъда берганди.

Шу ниятни амалга ошириш учун жон-жаҳди билан тиришди. Шаҳарнинг катта чорраҳаларида турадиган тиланчи хотинларга нон улашиш, уларнинг раҳматини эшитиш илинжида машинасига бир кучоқ нон солиб, шаҳар кезди. Шаҳарда девона йўқ эди. Ақалли биронта тиланчи хотин топилмади. Чорраҳаларда тиланчи тилади. Девонанинг қораси кўринмасди. Чорраҳалардан умид узиб, бекатларга борди. Тўрва кўтарган бир аёлга минг истиҳола билан иккита нон тутганди, қарғаб берди. Кейин ўтган, қайтганлар орасидан мункиллаган кампирларни ахтарди. Соат тўққизгача ниятини амалга ошириб, ишга кечикмай бориш режаси барбод бўлди.

Соат ўн. Шаҳарда девона, тиланчи топилмасди.

Соат ўн бир. Узоқдан бўш халта кўтариб келаётган аёлга пешвоз чиқиб нон тутган чоғ, “Сенинг юкингни нима қиламан, ўзимники ҳам етиб ортади” деганда ичи тўкилиб кетди.

Соат ўн икки. Вақт ҳам шунчалик тез ўтадимиз?

Қулоқлари остида ўша гап: “Пешин номозигача бегона аёлга иккита нон бериб, раҳматини олинг”.

Кўз ўнгида эса онаси. Рўпарадан келаётган аёл нақд онасининг ўхшашидан чўчиб тушди. Ҳадемай, пешинга муаззин овоз беради. Умидлари саробга айланаётганини

англади. Бекмирза қўлида иккита нон кўтариб, кулиб турса-да, ич-ичидан йиғлади. Онасига бўлган воқеани айтиб, тушунтириб бермагани, бақирмаганини эшитмаган бўлса-да, узр сўрамагани учун ўксинди.

Ўспиринлик вақтида эрларини қишлоқнинг бирор-бир булоғи бўйида кутиб туришларини тайинлаб, эшикма-эшик юрадиган лўли хотинларни Жаркўчанинг пастқам жойларидан туриб тошлаганига минг-минг пушаймон еди.

Худди шу онда ҳозиргина ўтиб кетган аёл ортига қайтиб Бекмирзанинг олдига келди. Сўлгин юзли бўлса-да, кўзида нур бор эди. Гап-сўзсиз икки кўллаб узатганди, худди шунга кутиб тургандек, икки кўллаб нонларни олди. Ўтирди, ўпиб пешонасига сурди. Онасидек узундан-узоқ дуо қилиб, охирида раҳмат, болам, барака топ, деди.

Бир йигит ва бир аёлнинг йўл ўртасида бир-бирига нон бераётгани — текин томошани кўришга йиғилганлар ҳалқасини оралаб ўтаркан, ўша томоғига ёпишган бир нарса эриб кетдими, ҳар қалай нафас олиши енгиллашди. Машина эшигини очганда муаззиннинг овози эшитилди.

Ишга биринчи бор кечикиб келди. Ҳеч ким уни кечикиб келдинг ҳам демади. Хўжайин уни чақиртириб ҳозир юқорида бўлганлигини, жуда катта топшириқ беришганини, эрталаб столида хужжатлар тайёр бўлиши лозимлигини уқтирди.

Бекмирзанинг ўйлари бўлак эди. Иш қочиб кетмас. Улгуради. Кечаси билан бўлса-да қишлоққа бориб онасини бир кўриб келиши керак. Тушунтириши керак. Узр сўраши керак.

Катта топшириқ ижроси ярим тунда тугади.

6

Мирзачўлнинг бийдек бағрини қоқ иккига бўлиб ўқдек учиб бораётган енгил машинанинг чироқлари тун зулматини ҳам тенг иккига тилиб борарди. Қозоғистон чегарасидан ўтишда доимо тихирлик қиладиган, ҳозирда уйқусираб турган посбонлар Бекнинг вазоҳатини кўрибми, негадир чойчақани ҳам олмасдан оқ йўл тиладилар. Йўл анча яқин бўлди.

Бекмирзанинг назарида онасини кўрмаганига бир йил бўлгандек эди.

Ҳар ойнанинг охириги шанба куни унга қишлоққа бориб келишга рухсат берилади. Тушгача ишга чиқмаса-да осмон узилиб ерга тушмаслигини биринчи бор ҳис этди. Ҳозир хаёлотта ишхона сифмайди. Бекмирзанинг хаёллари Жаркўчанинг бошида. Уни кутиб турган Олапарда. У ҳозир ҳаммани уйғотган. Меҳмон келишини ҳаммага билдириб бўлган. Жаркўчани танг қилиб меҳмон кутмоқда. Дарча билан кўча боши ўртасида минг бориб келгандир. Насиб этса кўчанинг ўртасига тушиб, йўл бошлаб боради.

Кейин болалигида гурас-гурас, эшикма-эшик тиланчилик қиладиган лўлилардан кўрқиб, дарча олдидаги супачада ширяланғоч тек турган ҳолатини эслади. Кулиб қўйди.

Булбуллар булоқ бошидан кўтарилмай, Бекмирза қишлоққа кириб келди.

Айтувчининг дўриллаган овози аъзойи баданини титратиб юборди. Вақт жойида тўхтаб қолди.

— Худойига...

— Худойига...

Бекмирзанинг қулоғига “Жанозага” дегандек туюлди. Нафасини ичга ютиб қулоқ осди.

— Асрорбойниқига худойига.

— Эй, бой бўлмай қол, шу вақтдаям одам чақиртирасанми, — ўзича гудранди Бекмирза. Дарров шукрона келтирди.

Каттасойдан бошланиб, қишлоқни қоқ иккига бўладиган нақд Каттатоққа бориб қадаладиган қишлоқ йўли бошида Олапар кўринди. Олапар ирғишлади.

Кечаги кун матал бўлди.



Дилором АБДУРАҲМОН

Осмонимда бир армон эрийди...



...Сукунат йиғлайди ёмғирлаб,
Армонлар узаар томирлаб.

Бир хаёл

Осмонда синади.

Сўнг яна кўнгилга қайтади.

Қайтади кўнгилга сим рангда
сим рангда ой кўкда чирманда.

Бир аёл

Гўдагин суяди,

Бир банд

Кесилган тил билан айтади.

Кўнгилга,

Кў-ў-ў...нгилга қайтади.

СЕВГИЛИМ,

МЕН СЕНИ ҲЕЧ КИМГА БЕРМАСМАН.

Келмасанг,

Гуноҳкор қилмасан.

Майлига,

Менга шу ғам этади куйидаги,

Тушларим этади суйидаги,

Гуноҳингга қолиб кетмайди...

...Кўкда ой чирманда сим рангда,

малонклар унсиз, учиб юрибди...

Наҳот мен

Азалий ишқининг

Йўлларида маҳзун дуоибадман,

Зафарой тусли ҳур армонларимнинг

Шаҳарлари ичра самари қадман.

О, менинг соғинчларим ювилган осмон

Сен нечун йиғладинг, кимнинг кўнсан?

Ёмғирлар ёғдиму Самарқандга ҳам,

Толега сивмадинг,

Нега йиғладинг?..

Қилмаган гуноҳдан ўзи суялиб,

Умри оралаб кузатмоқда ким?

Сен мени осмонга бой бериб қўйма...

Осмонлар суйдимки, кўнганим жим...

Учгим келиб келиб туриядлар билан,

Ишқ юртининг жануб,

Жанубларига...

Мен янги бир нарса демоқчимасман,
Эски гапни такрор айтмоқчимасман,
Мени балиқ ютади бир кун,

Дарёларда сув қуриган кун.

Мен хушимни қувмоқчимасман,

Ё тушимдан кечмоқчимасман,

Самолардан қуйилган хаёл,

Бу дунёда бўларми увол?

Азизим,

Хаёлинг нечун бўлинди,

Чакмоқнинг фотида нелар кўринди?

Дунё танларини ҳаддан оширди,

Йодлар сўз тароғин қайга яширди?

Азизим,

Мен тароқ илашга келган эмасман.

Ё юпанчларга зор қолган эмасман.

Биргина

Кўз оғтали гўзал тонг етар,

Кўз юмтали мунаввар кун бўлса етар.

Осмонимда бир армон эрийди
қишдан қувилган қор каби

Мен эса, авайлаб дилни

Соғинавераман —

Ёр каби —

Кўзларимда куйиб етар соғинч

Дунё каби дунёдан кечолмаётган,

Кўнгил каби руҳ бақдиги етолмаётган

Уйқум каби

Тушларимдан чиқолмаётган,

Кунларимга киролмаётган

Еки,

Осмон каби

Кўзларимга термилгани

Ботинполмаётган

Азизим,

Айт, сенинг кўзларинг

Осмонларга яширинганми?

...Уйда мен бу дунёга не учун келдим?

Армонларнинг қаноти ёйиқ қушмиди,

Тошиб, йўқотганларим сирли тушмиди,

Кўнгилнинг бўйи-басти гўзал ишқмиди,

Бир ғариб умр бўлса, кечаётибди.

Азизим, сен ютинма, демагил ҳазил,
Тақдирнинг либоси нечун зил замбил?
Дунёнинг ҳовури қизил, қип-қизил,
Бағримда нимадир қуяётибди.

Бу йўллар азоби роҳатми, оғир,
Киприкка тизилган шабнамлар тақир,
Сен мenden узоқлаб кетмагин, ахир,
Кўнгилдан нималардир кечаётибди.

Севгилим,
Дил розим ўзингга айтмай,
Нигоҳинг бекитган қўшиққа қайтай,
Дардли шивирингга қўшилиб кетай,
Кўзигада қай армон қуяётибди,
Қушимда осмонлар синаётибди...

ОЙНИНГ ҚЎШИГИ

“Дилингиз қайда”, деб сўрадинг, жоним,
Дилимни оромга қўшиб қўйганман.
Тилаб келганида ярим кўнглимни,
Яримга ойга мен
Ҳади қўйганман.

Сен дединг:

“—Мен ойни яхши кўраман,
Пинҳон, сирли, маюс кизга ўхшайди.
Яримга кўнглини ҳиллолга берган,
Кўнгли тўқ, у малак сизга ўхшайди...”

Азизим,

У оқшом ойни кўрсатдинг,

Ҳа,

Мунди дардларга қуйилган кўнглим.

Дилимдаги унут жойни кўрсатдинг,

Бир маҳал аразлаб кетганди дилим...

Дилнинг унутилган маконларига

Аразлаган руҳим

Ёрдек қайтади,

Мен эса, айтолмасам, аммо кўнгилда

Ўтирган бир малак

Секин айтади:

“—Айтинг, уни ойдан ҳам яхши кўраман...”

Абдулла УЛУҒОВ

ҚАҲРАМОН ҚАДРИ



Адабий асарларга баҳо беришда турли мезонларга асосланилади. Бу мезонлар баҳоловчиларнинг мақсад-муддаосидан келиб чиқади. Роман, қисса, ҳикоя, шеър, дostonлар шу боисдан турлича талқин қилиб келинади. Албатта, асарларга муносабат билдирганда ҳамиша уларнинг мавзуси, сюжетининг янгилиги, қурилиши, воқеаларнинг кескинлиги даражаси, ифода услубининг ўзига хослиги кабилар эътиборга олинади. Ҳазал, рубоий, туюқ сингари шеърӣ асарлар тўғрисида мулоҳаза юритилганда эса улардаги оҳорли ташбеҳ, ўхшатишлар, чиройли ифодаланган қуйма фикрлар, сатрларда сўзларнинг жаранглаши таъкидланади. Драма, комедия, трагедия сингари сахна асарлари хусусида сўз юритилганда, биринчи навбатда, улардаги диалог, монологлардан парчалар келтирилади. Қаҳрамонлар ўртасидаги тўқнашув, уларнинг қалб кечинмалари, туйғулари туғғени қандай кўрсатилгани тўғрисида тўхталинади. Адабий асарларга баҳо беришда асос қилиб олинган бу хилдаги ёндашувларнинг барчаси тўғри. Чунки улар насрий, шеърӣ, драма асарларини аниқ шарҳлаш, тушуниш-тушунтириш имконини беради.

Аммо адабий асарлар қай тарзда баҳоланмасин, қандай нуқтаи назардан таъриф-тавсифланмасин, мақсад битта бўлади — асарда инсон дунёси, унинг ички ва ташқи олами қай даражада ҳаққоний акс эттирилган? Ана шу савол азал-азалдан бадиий асарларга баҳо беришда бош мезон саналади. “Шоҳнома”, “Хамса”га ҳам шу ўлчов қўйилади. Илк машқлари босилиб чиққан ҳаваскорнинг ҳикоя, шеърларига муносабат билдиришда ҳам шу андозадан келиб чиқилади. Чунки адабий асарлардаги қаҳрамонлар жонли одам, ҳаёт кишилари сифатида тасаввур уйғотиши керак. Қаҳрамонлар—роман, қисса, ҳикоя, дoston саҳифаларида турган, шеър мисралари ичида юрган “одамлар”. Эртақ, дoston, ривоят, афсоналардаги ана шу “одам”лар асрлар давомида кишилар қалбида эзгулик уруғини ундириб келган. Инсонлар ўзидаги жамики эзгу фазилатлар учун аввало адабиётдан миннатдор бўлиши керак. Афсуски, бу ҳақиқатни англамайдиганлар анчагина.

Аждодларимиз “Алпомиш”, “Гўрўғли” дostonларидаги қаҳрамонларни худди ўз яқин кишисидай тасаввур қилишган. “Минг бир кеча”даги қаҳрамонлар саргузаштларини тинглаб, беқийс таъсирланишган. Улар таъси-

рида ҳалолликка интилишган, алдамчилик, ўғирлик, порахўрликнинг аянчли оқибатларини англашган ҳамда ўз фарзандларини тўғри йўлга даъват этишган. Ҳаром-хариш кўчасига кириб кетишига йўл қўйишмаган. Абдулла Қодирийнинг Отабек, Кумуш, Анвар, Раъно каби қаҳрамонлари фақат севги саргузаштлари туфайли эмас, балки ҳалоллиги, ҳаромдан ҳазар қилиши билан миллионлаб одамлар кўнглида меҳр уйғотган.

Ҳалоллик мезонлари ҳар даврда ҳар хил бўладими? Уларнинг “чегара”лари баъзан қисқариб, баъзан торайиб турадими? Алдаш ақллилик белгиси бўла оладими? Ёлғон сўзлаб, тоғ-тоғ қасам ичиб, бировларни чув тушириш тadbиркорлик саналадими? Ваъда бергач, бажармасдан турли баҳоналар тўқий олиш мақташга арзигулик фазилатми? Бошқаларни эмас, фақат ўзини ўйлаш—худбинликка ўрганиш, одатланиш керакми? Бу замонда кимдан, қандай одамдан ибрат олиш керак? Роман, қисса, ҳикояларда, драма асарларида шу каби саволлар қўйилса ҳамда қаҳрамонларнинг улар хусусидаги ўй-мушоҳадалари ҳаёт ҳодисалари билан боғлаб кўрсатилса, ўқувчиларнинг айна кўнглидаги гап бўларди. Чунки ҳозирги баъзи бир ёшлар аждодларимиз ардоқлаган ҳалоллик мезонларини кўпинча ҳазм қилишолмаяпти. “Ўғри” ҳикоясидаги бурунсиз эликбоши пора олмаган. Унга Қобил бобонинг ўзи чўнтагидаги борини қоқиштириб берган. Чунки Қобил бобо пулсиз, сарфхаражатсиз ҳеч бир иш битмаслигини биледи. Ўша замонда ҳам худди ҳозиргидек “текинга мушук офтобга чиқмайди”. Қобил бобога эликбошининг бу мансабга “мингунча” анча-мунча пул сарфлагани, хусусан, “мингбошининг бир ўзига етти юз боғ беда, бир той бергани, пошшоликдан “ойлик” емаслиги маълум. Шундай бўлгач, эликбошининг олгани ҳалол. Амин, тилмоч, пристав ҳам ўз улушини олган, дейдиганлар кўпайиб кетяпти. Эликбошининг бу замонавий “оқловчи”лари шундай важларни дастак қилиб кўтаришадики, салом берганини ҳам сўмга чақадиган бу пишиқ-пухта-ларнинг ақллилиги кишини лол қолдиради. “Агар Фарҳодга Хусрав халақит бермаганида Ширинни олиб, бир йил ўз мамлакатидеги тўрт қасрда, бир йил Шириннинг ўлкасида қазган ариқ-анҳорлари бўйидаги кўшқларда роҳат қилиб яшарди”, дейдиганларнинг “ўлчов”лари ўйлантириб қўяди. Наҳотки аждодлар ва

авлодлар дунёқараши ўртасида шунчалик тафовут юзага келса?!

Бу тафовут қандай баҳоланмасин, у бир нарсадан далолат беради: ҳаёт тўхтовсиз кетмоқда, тараққиёт қайсидир манзилларга томон узлуксиз интилмоқда. Адабиёт асарлари қайси замонда яратилганидан қатъи назар, одамларни бефарқ қолдирмаяпти. Уларни ажлодлар ҳам, авлодлар ҳам ўз “қарич”и билан ўлчаётти. Ҳар кимнинг танаси, қўли ўзига азиз, қадрли бўлганидай, уларнинг баҳолари ҳам ўзлари учун тўғри. Шу боисдан бир-бирини инкор этадиган муносабатлар хусусида қатъий ҳукм чиқариш қийин.

Аммо адабиётимизда турлича муносабатлар уйғотадиган салмоққа эга асарлар кўпми? Боболар ва набиралар эътиборини тортадиган қадрли қаҳрамонларимиз анчагинами? Улар нега олтин ёмбиси каби ноёб? Айни саволларга аниқ-тиниқ жавоб бериш ҳам қийин. Лекин бир нарса аниқ: ҳар қандай бадиий асар аввало қаҳрамони туфайли қадр, эътибор топади. Кўпчилик китобхонлар, ҳатто, асарлар муаллифи номига унчалик эътибор ҳам қилишмайди. Лекин қаҳрамонлар номини, уларнинг тақдир-қисмати ни доимо ёдда сақлашади. Яхши кўрган қаҳрамонлари исмини ўғил-қизларига қўйишади ёки шундай деб чақирившади. Биргина шу далил ҳам адабий қаҳрамон ҳаётимиз учун нақадар аҳамиятли эканини билдиради.

Борлиқнинг бош хусусияти—бетакрорлик. Унда ҳайвонот, наботот оламидаги бирор-бир нарсада такрор йўқ. Одамлар ҳам худди шундай. Қиёфаси, феъл-атвори, овози, юриш-туриши айнан ўхшаш кишилар учрамайди. Санъат ва адабиётда фақат анъаналар йўлидан бориш—такрор бир жойда тўхтаб, депсинишга олиб келади. Бир-бирига ўхшаш, яқин асарлар ўқувчиларнинг тасаввурини бойитмайди. Ўзбек адабиёти ҳам узоқ асрлар давомида анъаналар доирасида қолиб келди. Ўқувчиларнинг одам ва олам тўғрисидаги тасаввурини кенгайтирадиган, уларда янгича фикр-мушоҳадалар уйғотадиган асарлар пайдо бўлгунча анчагина вақт керак бўлди. Албатта, ўтган асрнинг боши, 30-йиллари, 60-80-йилларидаги манзара билан кейинги давр асарлари солиштирилса, жиддий фарқ сезилади. Хусусан, Назар Эшонқулнинг 90-йилларда босилиб чиққан қатор қисса ва ҳикоялари ҳаёт ҳодисалари ва инсон дунёсини бадиий гавдалантириш борасида чинакам янгилик бўлди. Унинг асарлари аввало инсон қалбидаги зиддиятларга тўла фожелиқни тадқиқ этиб кўрсатиши билан диққатни жалб этади. Бу ёзувчининг қаҳрамон образини яратишдаги ифода услуби ҳам ўзига хос. Унинг “Қора китоб”, “Тун панжаралари”, “Маймун етаклаган одам”, “Тобут” каби асарларида Эшмат-Тошмат тарзидаги аниқ исмли қаҳрамонлар йўқ. Улар номсиз. Ёзувчи асарларининг қаҳрамонлари—зиёлилар. Рассом, меъмор, журналист кабиларнинг дардли дунёсини ич-ичидан таф-

тиш қилиб кўрсатиш бу адиб асарларининг умумий мавзуси. Назар Эшонқул яратган қаҳрамонлар зиёлиларнинг умумлашма бадиий образи бўлиб кўринади. Номсиз бу қаҳрамонлар яшайдиган макон, замон ҳам ноаён. Уларнинг миллати ҳам номаълум. Негаки адибнинг қаҳрамонлари барча замонларга, барча миллатларга дахлдор дардкаш сиймолар сифатида таассурот уйғотади. Хусусан, “Шамолни тутиб бўлмайди” ҳикоясидаги Байна момо ўзбек учун ҳам, япон учун ҳам, бошқа миллат, бошқа замон кишилари учун ҳам муҳаббатга садоқат тимсоли бўлиб туюлади. Унинг иродаси, сабр-бардоши ҳар қандай миллат кишисини, у қайси даврда яшайдиган қатъи назар, беихтиёр ҳайратга солади. Ёзувчи умр бўйи уқубат тортиб яшаб ўтган. Байна момонинг гоят таъсирчан қиёфасини, унинг изтиробу нафратдан қоврилган қалб дунёсини ёрқин чизиб кўрсатади. У бунга сўзларни санъаткорона маҳорат билан жаранглатиш орқали эришади. Умуман, бу адибнинг асарларидан вазмин, оғир, таъсирчан мунгли куй эшитилиб тургандай туюлади. У қаҳрамонлари портрети, ички кечинмаларини бошқа ўзбек ёзувчиларига ўхшамаган бир услубда жозибали, таъсирчан гавдалантиради. “У қобқоқлари солиқ, соқоли қирилмаган, бир пайтлар семиз бўлган, ажинлар тарам-тарам қилиб ташлаган, кўримсиз юзи тарих китобларида тасвирланган баджаҳл маъбудларнинг ҳайкалига ўхшаб кетар, унга қараган одамнинг юраги нохуш бир ҳисдан орқага тортарди. Кўзлари ҳиссиз ва ифодасиз, эгнида элигинчи йилларнинг андозасида тикилган кител, бақбақаси осилиб турган ҳолда ўйчан ўтирарди». (“Маймун етаклаган одам”). Кишининг қиёфа, ҳолатлари бундай бадиий тиниқ тасвирланган асарлар нафақат ўзбек, бошқа халқлар адабиётида ҳам жуда кам. Назар Эшонқул қаҳрамонлари Фарбу Шарқнинг сермушоҳада китобхонлари диди, тафаккурига кўпроқ мос. Бу адибнинг қисса, ҳикоялари айни шу жиҳати билан ҳам ўзбек адабиёти инсон дунёсини бадиий акс эттиришда жиддий ўзгаришлар сари илдамлаётганидан далолат беради. Собир Ўнар, Абдуқайюм Йўлдош, Луқмон Бўрихоннинг қисса, ҳикоялари эса ҳаёт ҳодисалари ва инсон образини анъанавий услублар асосида ифодалашнинг янгича тарзи сифатида эътиборни тортади. Уларнинг асарлари тафаккур, диди анъанавий адабиёт ифода услуби асосида шаклланган китобхонлар учун, айниқса, маъқул бўлади. Лекин сермушоҳада ўқувчилар ҳам бу ёзувчиларнинг ҳикоя, қиссаларида бугунги кун кишилари қиёфаси ҳаққоний гавдалантирилганидан мамнун бўлади.

Ўзбек адабиётининг бугунги адабий қаҳрамонлари образи даражасини шу ижодкорларнинг асарлари асосида белгилаш ўринли бўлади. Чунки улар яратган қаҳрамонлар шу кун кишиларининг мураккаб, зиддиятларга тўла олами тўғрисида аниқ тасаввур беради.





Тўнларини қўмсаган оғоч

ИШҚ

* * *

Зора жисмим пора кўрди ўртаниб ел,
Хора жоним ёра кўрди титраниб гул.
Ёрасиз ой ҳажри ўтди ҳижратим не
Дегайлар шавқ —
нолаи ишқ,
нолаи ишқ

Умр васфинг шўми,
Аъмолинг шўми?
Орзунг бесарҳаду
Самонинг шўми?
Хазон-қу боғларинг,
Нурсиз тонгларинг.
Муңлардек эгилган,
Қаро кўзларинг.
Нега чўкмаяпсан
Оғир тош бўлсанг,
Сувларим юзида
Сузғувчи харсанг.
Ахир ботмади-қу
Менсиз бу шафқ.
Ахир етмади-қу
Тўнларга полам,
Лаҳзаки ором бер
Ўзимга қайтай.
Юракка қатий,
Хор бўлмай, хор бўлмай!

* * *
Хазон — дардим иштирларидан
Чўчиб беҳос гуллагандек Дил.
Гуллайсан, оппоқ ёшини
Силкитади руҳимда бир кўл.

Йиғлапсан гўдакдек хушҳол,
Қароғингдан ўпар минг чашма.
Ёлбораман ҳозир тонг отар,
Чиройли қиз, сен бироз шошма.

Сен дедингки, Тонгла қолмасман,
Тўн — сўзим бор айтғувчи унга!..
Шивирлайман: Мен эса, Ойсиз —
Сени қандай ишонай Тўнга.

* * *
Оёгинга тушар сирғалиб,
Дилга ҳижоб бўлган зиёлар.
Юрагимнинг тўб-тўбларидан,
Топиб келар сени дунёлар.

Топиб келар умиди роҳим,
Моҳи бирла кўнғил эшигин.
Ва жимгина тинглайди ёлғиз,
Сенинг каби дарё кўшигин.

Сенинг каби учар шамолда,
Тупроқ бўлар, бўлар бир осмон.
Уни ҳеч қим туширолмагай,
Билолмагай мендек ҳеч қачон.

Ой-кўнғилининг меҳробларида,
Ғариб қолар сенисиз бу мезрож.
Тушларимга қиради қайтиб —
Гулларини қўмсаган оғоч.

Заҳримга юз захр қотди ридоли тўн,
Қаҳримга юз қаҳр этди қароли тўн.
Азал бирла ажал этди сафоли тўн
Демшилар ҳол —
хонаи дил,
волаи дил.

Қаро кўзинг ошигиман ай тақаддум,
Дедим, келди гул косада икки мардум.
О, йиғладим, бу не қундир, бу не гардун?
Дегайлар вазжд —
жолои ишқ,
волаи ишқ.

* * *
Тўлғонар гулбоғда гулқудуқ,
Тубига тушади қийналиб
қаро чўғ —
қаролик аро гул қўйманиб
бир чироқ ёқади —
ул фиروق...
(қай банди сафсарлар кетар сочилиб).

Чамбарак нур ларзон —
Дил — осмон.
Шўғлаи шавқингда чекиб жон.
Ҳар баҳор йиғлайди бу баҳор...
Сен ҳайрон,
Мен ҳайрон...
(иккимиз қолурмиз руҳи саргардон).

Сув ичдим,
Сув ичдим ой тўла кўзадан,
Юраксим боқмади қайрилиб —
Гулбадан.
Иккимиз жим чиқиб кетамиз.
Ғар кетсак —
Шу мовий.
Шу нафис қулбадан
(ай банди сафсарлар қолар сочилиб).



* * *
Шом ўтди, тўнларим барқида ҳилол,
Сен келдинг сидқидил, соҳиби жамол.
Бу висол ўйлаким, ҳур ситамлардан
Ки зоҳир айлади тўтқунлик нишон.
Ки дунё ўтғувчи, муңг низоҳлардан
Тўналди руҳимга хазонлиг доғлар.
Тупроқлар айланди, оғочлар ўрди,
Қайтадан тикланди беҳисоб дорлар
Куйсифат шамоллар умрига монанд,
Яшнади серфироқ кўксимдаги чўғ.
Бу сурат завқида инжулар куйди,
Абрлар бошимда йиғлади берух.
О, Ҳажр шомида ҳайрона фасл,
Сен фақр боғимдан муждалар келтир.
Айтгил, ой сурури ломакон мунинг
Ғамий ошно дегин, бодалар келтир.
Мен ичай аламлар, заққумлар ютай,
Кетай фалаклардан юқиб бошимни.
Лек қандай кўйлайин, қандай асрайин,
Кўзга кўринмаган ширин жонимни.



МАСЪУЛИЯТ МАЙДОНИ

Сўнгги йилларда ички ишлар идоралари тизимида амалга оширилаётган кенг қўламдаги ислохотлар, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши кураш, содир этилган жиноятларни фож этиш борасидаги изланишлар, иш юритишнинг янги услублари ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Ҳозирги кунда милиция таянч пунктлари бевосита маҳаллалар ҳамда турар жойларда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида кенг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкор фаолият кўрсатмоқда.

Шунинг учун ички ишлар идораларининг энг биринчи, қўйи бўғини бўлган милиция таянч пунктларига ҳар томонлама етук, халқ билан ишлашга билими, тажрибаси етарли, ақл-идрокли, жонқуяр профилактика инспекторларини жамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Бир қарашда ишимизнинг ҳеч бир оғирлиги йўқдек кўринади, лекин унга чуқурроқ назар солсан, бу иш жуда катта масъулият талаб этади. Чунки биз инсонлар ҳаётига, тақдирига, ёшлар келажагига, демакки, мамлакат келажагига масъул бўлган соҳа ходимларимиз. Шу боис хизматда алоҳида ўрнатилган кўрсаткич, ўз ҳаётини хавф остига қўйиб, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган 18 профилактика инспектори Давлат мукофотлари билан тақдирланди. Бу ҳурмат-эътибор зиммамиздаги масъулиятни янада чуқур аниқлади.

Юртбошимизнинг эътибори ва кўрсатмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг қўйи тизимлари маҳаллий ҳокимликлар, давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда республикамизда 3400 дан ортиқ милиция таянч пунктлари ташкил этилиб, уларга шинам, барча қулайликларга эга хизмат хоналари, замонавий компьютер ва алоқа техникалари, хизмат автомобиллари ажратилаётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан милиция таянч пунктларида вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ташкилий-тарбиявий, оммавий-спорт тадбирларини ташкиллаштириш ҳамда уларнинг бўш вақтларини самарали ташкил этиш мақсадида 2485 милиция таянч пунктлари инфратузилмасида спорт майдончалари, жумладан, футбол, баскетбол, волейбол майдонлари, бассейнлар, машқ-машғулот хоналари ташкил этилган. Тажрибали спорт мураббийлари жалб этилиб, турли спорт тадбирлари ўтказиб келинмоқда. 2088 та милиция таянч пунктларида эса маҳалла ёшлари учун турли йўналишдаги

тўғарақлар, 2054 тасида эса кичик бизнес хоналари, тикни-бичиш, дурадгорлик ва миллий ҳунармандчилик устахоналари ташкил этилган. Бу қулайликларнинг барчаси маҳаллаларда яшаётган ёшларнинг келажақда ўз ўрнини топишига, баркамол инсон бўлиб етишишига хизмат қилади.

Қишлоқ ва овул марказлари ҳамда маҳалла-гузарларидаги милиция таянч пунктларида эндиликда профилактика инспекторларидан ташқари маҳалла оқсоқоли, маҳалла посбонлари, яраштириш комиссияларининг аъзолари ва диний, маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар учун алоҳида хоналар ажратилган, удар зарур анжомлар билан жиҳозланган. Шундай тадбирлар натижаси ўлароқ маҳаллаларда жиноятчилик кескин камайди.

Биз профилактика инспекторлари, милиция таянч пунктлари, у ерда олиб борилаётган ишлар ҳақида жуда кўп бора ҳикоя қилганмиз. 2005 йил 29 январ куни Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва халқ таълими вазирликлари, Республика Оқсоқоллар Кенгаши ва “Маҳалла” хайрия жамғармаси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши билан ҳамкорликда “Намунали милиция таянч пунктлари” ўртасида ўтказилаётган республика танловининг якуний босқичи ва ғолибларни тақдирлаш тадбири бўлиб ўтди. Шунинг таъкидлаш жоизки, бундай танловлар уч йилдан бери 4 та ҳудуд бўйича мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда. Ғолибликни қўлга киритган жамоалар эса қимматбаҳо совғалар билан тақдирланаётилар. Танловлар “Энг жасорат кўрсатган профилактика инспектори”, “Аҳоли ўртасида катта обрў-эътибор қозongan энг фаол профилактика инспектори”, “Вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича энг фаол профилактика инспектори”, “Энг фаол маҳалла оқсоқоли”, “Энг фаол маҳалла посбони”, “Энг фаол диний маърифат ва маънавий ишлар бўйича ходим», «Ички ишлар ходимининг энг садоқатли аёли» номинациялари бўйича ўтказилди.

Танловда “Энг намунали милиция таянч пункти” номинацияси бўйича 4 та шартли ҳудуднинг биринчисида ғолиблик Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги “Эски шаҳар” маҳалласидаги 190-сонли милиция таянч пунктга берилди. Ҳакамларнинг бундай қарорга келишлари бежиз эмас. Чунки, танлов шартларига кўра Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги 764 милиция та-

янч пунктлари ичида айнан шу таянч пункти ўзининг ўта замонавийлиги ва тўлиқ шарт-шароитлар яратилиб, аҳолига беқиёс хизмат қилиб келаётгани аниқланди. Улар Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги томонидан ажратилган “Дамас” автомашинаси билан тақдирланди. Ушбу совғани голиб жамоага Ўзбекистон Республика Бош вазирининг ўринбосари, милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича республика мувофиқлаштириш комиссияси раиси Рустам Қосимов тантанали равишда топширди.

Танловнинг иккинчи ҳудуди, яъни Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари бўйича Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги 171-сонли милиция таянч пункти голибликни қўлга киритди. Голибларга ички ишлар вазирлиги томонидан ажратилган “Дамас” автомашинаси топширилди.

Ҳозирги кунда Андижон вилоятида 264 милиция таянч пункти фаолият кўрсатапти. Шундан 18таси вилоятнинг Қўрғонтепа туманида жойлашган.

Бу ерда амалга оширилаётган ишлар, яратилган шароитлар ички ишлар идораларида ўтказилаётган ислохотлар талабларига тўла жавоб бераётганлигининг гувоҳи бўлди.

Учинчи ҳудуд, яъни Самарқанд, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари ўртасидаги беллашувда голибликни Сирдарё вилоятининг Сирдарё шаҳар “7-Ҳақиқат” маҳалласида жойлашган 14-сонли милиция таянч пункти қўлга киритди. Бу голиб жамоага ҳам ички ишлар вазирлиги томонидан ажратилган “Дамас” автомашинасини Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими Адхам Аҳмедбоев топширди.

Тўртинчи ҳудуд, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари бўйича ўтказилган танловда 1-ўринни Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳридаги 21-сонли милиция таянч пункти эгаллади. Шаҳарда ҳозирги кунда 9 та милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг аксарияти қайта таъмирланган бўлса, баъзилари бутунлай янгитдан қуриб битказилди. Ишда юқори самарага эришиш мақсадида милиция таянч пунктлари маҳалла фуқаролари йиғинлари билан бир бинога жойлаштирилди.

Бундан ташқари милиция таянч пунктлари қошида спорт тўғарақлари, тикувчилик, рақс, зардўзлик ва бошқа бир қатор тўғарақлар ташкил этилмоқдаки, бу нарсаларни касб ҳунарга йўналтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ана шу омиллар жамоани голиблик шохсупасига олиб чиқди. Голибларга ички ишлар вазирлиги томонидан ажратилган “Дамас” автомашинасини Республика ички ишлар идоралари фахрийларини қўллаб-қувватлаш

маркази раиси, истеъфодаги генерал-майор Ғофуржон Раҳимов топширди.

Ички ишлар идораларининг деярлик барча хизматларида ўзига хос машаққат ва кўпчилик хавас қиладиган шарафли томонлари бор.

Биз Хоразм вилоятининг Янгиариқ туманида бўлганимизда шу туман ички ишлар бўлими ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи профилактика инспектори, катта лейтенант – марҳум Қўпол Отажонов ҳақида юқоридаги каби ижобий фикрларни эшитдик. Қўпол эндигина 35 ёшга тўлган эди. Унинг оташин қалбида жуда кўплаб эзгу-ниятлари, ширин орзулари бор эди. Эл тинчлигини асраш, юрт осойишталигини таъминлаш, унинг нияти эди. Шу ният йўлида шижоат камарини белига маҳкам боғлаган эди. Афсуски, унинг бу орзулари, эзгу ниятлари охиригача амалга ошмай қолди. Ўша куни у суд ижрочилари билан бирга қонун талабларини бажармаётган шахснинг уйига борди. “Сизлар тўхтаб туринглар, аввал мен ўзим у киши билан гаплашиб кўраман», деди Қўпол ва шахдам қадамлар билан қонубузарнинг уйига кириб кетди. Лекин минг афсуслар бўлсинки, орадан бир

озгина вақт ўтгач ҳовлидан гўмбурлаган ўқ товуши эшитилди. У хизмат вазифасини бажариш чоғида мардларча ҳалок бўлди.

Қўполдан ёдгорлик бўлиб 5 фарзанд қолди. Улар тарбияси эса Қўполнинг садоқатли ёри Замиранинг зиммасида қолди. Унинг бир масъулияти икки бўлди.

Фуқаролар ҳаётини сақлаш мақсадида жиноятчилар томонидан отилган ўққа ўз кўксини қалқон қилиб ҳалок бўлган мард ўғлоннинг турмуш

ўртоғи бўлган Замира Бобожонова “Ички ишлар идоралари ходимининг энг садоқатли аёли” номинацияси голиби бўлди. Голибга совғани Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Светлана Иномова топширди.

Бундай кўрик танловларнинг ташкил этилиши, ўтказилиши соҳамизга бўлган эътиборнинг нечоғли катта эканлигини кўрсатади ва ўз навбатида профилактика ходимларини янада самаралироқ ишлашга даъват этади. Бу танловда ҳеч ким мағлуб бўлгани йўқ. Гарчи рамзий маънода 1, 2, 3-ўринлар тақсимланган бўлса-да аслида ходимларимиз бир-бирларидан билганларини ўргандилар, камчиликларини таҳлил қилдилар. Мана шунинг ўзи энг катта голиблик деб биламан ва бу голиблик келгуси ишларимизда дастуриламал бўлишига ишонаман.

Авазбек САТТОВОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш
Бош бошқармаси бошлиғи, полковник



МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Мустақил Ўзбекистонимизда олий таълим ва кадрлар масаласига катта эътибор берилётгани юртимиз обрўсини янада ошириб, илм-фан, техника янгиликларини ҳаётга жадал тадбиқ этишга сабаб бўлмоқда.

Ҳар бир ўқув предмети жамиятнинг сиёсий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётига ўз ҳиссасини қўшади. Шу жумладан чет тилларини замонавий усулда ўқитиш ва ўрганишнинг ҳозирги кундаги аҳамияти давлатимизнинг қатор хорижий мамлакатлар, шу жумладан Франция билан кўп соҳаларда ривожланаётган алоқалари билан ҳам боғлиқдир.

Франция дунёдаги ривожланган мамлакатлардан биридир. Ўзбекистон билан Франция муносабатлари узок тарихга бориб тақаладики, Амир Темур билан Карл IV нинг мактублари буни тасдиқлайди. Икки давлат ўртасидаги ўзаро дўстона алоқалар мустақилликка эришганимиздан сўнг янада ривожланипти.

Тил алоқа воситаси бўлиб, уни мукаммал равишда эгаллашда кўп жиҳатдан дарслик, қўлланма, илмий адабиётлар ва луғатлар муҳим аҳамиятга эгадир. Луғатлар хилма-хил турларга бўлинади. Улар изоҳли, энциклопедик, этимологик, синоним, антоним, омоним ва таржима, яъни икки ёки кўп тилли луғатлардир.

Францияда луғатчилик соҳаси жуда ривожланган. Масалан, Ларусс, Роберт сигари луғатлар дунёга машҳур бўлиб, шу номдаги нашриётлар луғатчилик соҳасидаги илмий текшириш институтларига айлантирилган.

Луғатлар жамиятдаги нарса, ҳодиса, тушунча ва воқеаларни ўзида намоён эттирувчи объектдир. Турли фанлар тезкорлик билан ривожланаётган ҳозирги даврда луғатларнинг аҳамияти алоҳида.

Зеро, чет тилларни ўрганишга қизиқиш кун сайин ортиб бораётгани. Натижада луғатларга, хусусан, икки тили яъни таржима луғатларига эҳтиёж давр талабига айланди.

Шу маънода Франция ва Ўзбекистон тилшуносларининг ҳамкорликда луғат яратишлари эътиборга сазовордир.

Мазкур луғат Марказий Осиёни тадқиқ қилиш француз институти ходимлари Б.Балси, Х.Ибрагимов, У.Мансуров, Ж.Ухрез иштирокидаги муаллифлар жамоаси томонидан яратилган. (2004 й. Тошкент).

Биринчи марта 1984 йилда яратилган 8 минг сўздан иборат бўлган ўзбекча-французча луғат бу борадаги дастлабки ишлардан эди. 24 босма табоқдан иборат мазкур луғат эса ҳажм жиҳатидан ҳозирги даврда нашр этилган шу типдаги луғатлардан энг йиригидир.

Луғат ўзбекчалаштирилган лотин алфавитида ёзилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Луғатда шартли қисқартмалар рўйхати ва охирида географик жой номлари икки тилда берилган.


Ушбу луғатнинг ижобий томонларидан яна бири шуки, унда ўзбек тилига хос миллий калорит ифодаловчи: кулча, палов, патир, манти, дотор, рубоб, доира, шунингдек, орият, ор-номус, оқибат, мурувват, андиша, латофат каби сўзлар киритилиб, ўзига хос изоҳлар берилган.

Ушбу луғат ўзбек ва француз лексикография фанида ўзига хос ютуқдир. У кенг ўқувчилар оmmasига

мўлжалланган бўлиб, ундан нафақат талаба, ўқувчи, ўқитувчи, аспирант, таржимонлар, балки элчихона ходимлари ҳам кенг фойдаланишлари мумкин.

Француз мутахассиси Реми Дорнинг луғатта ёзган сўз бошида таъкидланганидек, ушбу луғат ўзбек тилини Францияда, француз тилини Ўзбекистонда ўқитишга ёрдам беради, икки халқ ўртасида дўстона ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиради.

Дилбар АЛИҚУЛОВА,
Ўзбекистон Миллий Университети доценти.



Муҳайё ОЧИЛОВА

БОЙЧЕЧАГИМ, СЕНИ СУЯМАН

МИТТИ ЮЛДУЗ БИЛАН ГУҲБАТ

Митти юлдуз, жон юлдуз,
Кел, шеъримга қўйнақол.
Шеър ишиқида мен ёлғиз,
Сухбатдошим бўла қол.

- Эй қизгина, Маҳлиё,
Сени кузатдим узок.
Дунё ичра сен дунё,
Толеинг бўлур порлоқ.

Митти юлдуз, жон юлдуз...

УМИД ЧЕЧАКЛАРИ

Ўзбекининг фарзандлари,
Хур ўлка дилбандлари.
Лабзи – асал-қандлари,
Иқбол эгизаклари –
Умидим чечаклари.

Юртбошимнинг орзуси,
Келажакнинг кўзгуси,
Истиқболнинг ёдгуси –
Ўзбекининг фарзандлари,
Хур ўлка дилбандлари.

ТАБИАТ ГЎЗАЛЛИГИ

Тоғлар бағри ловуллаб,
Лолазорга бурканди.
Шу паллада юртимга,
Кўклам – баҳор келганди.

Муҳайё Очиллова 1987 йил Қашқадарё вилояти Китоб тумани Яккатут қишлоғида туғилган. Ҳабиб Абдуллаев номидаги умумтаълим мактабининг II синфида ўқийди. «Меҳрим сизники» шеърлар тўплами «Насиф» нашриётида chop этилган.



Қувноқ мурғак юрагим,
Табиатни севади.
Сенинг гўзалликларинг
Ақлу ҳушим олади.

Анҳор тўла сув лим-лим,
Шамол гир-гир эсади.
Нафис баҳор хаёлим,
Олиб қочиб кетади.

Фасли баҳордай яшина,
Азиз қишлоқ Яккатут.
Борлигим сенга ташна,
Шоирингман, эса тут.

БОЙЧЕЧАГИМ

Қор остидан бош кўтарган гул –
Бойчечагим, сени суйгайман.
Тўнғиб ётган қиру адирда,
Мен жонимни қайга қўйгайман?

Бойчечагим, сени суйман...

Сен баҳорнинг илк бор эртаги,
Навбаҳорнинг муждаси, гулим.
Йўқ-йўқ, сенмас кўнглим эрмаги,
Ҳақиқий гул топмагай ўлим.

Бойчечагим, сени суйман.

Мафтуна СОБИР қизи



ЁШЛИК МАНГУ ЯШАР

Қалбимда бир тўйгу уйғона бошлар,
Ҳаяжон, эҳтирос тўлғона бошлар.
Юрагим бир сирни қизғона бошлар,
Ёшлик қаримайди, ёшлик ўтмайди.

Тоғларнинг бошида эрийди қорлар,
Карвон бўлиб ўтар туялар, норлар,
Дунёда мавжуддир ишончи борлар,
Ёшлик қаримайди, ёшлик ўтмайди.

Дилни тоза тутмоқ эмасдир осон,
Гул деган шева бор, ишиқ деган лисон,

Дилдора ҚУРБОНОВА

БАХТ

Ногоҳ кўзлар тикилар йўлга
Нега, дея бошим қашлайман.
Баъзан эса ботаман терга
Мен кимдир кутиб яшайман.

Бу армонлар қалбга битилган
Бу не жазо, яна ўйлайман.
Ўзгаларнинг бошига кўнган
Ҳумо қушим кутиб яшайман.

Муяссар САЙФИЛЛА қизи



НАВРЎЗИ ОЛАМ

Варрак чўлларини боғлайди болам,
Юрагим учмоққа чоғлайди болам.
Пайғомчи лайлақлар қанотларида
Қулиб келаёттир Наврўзи олам.

Қур-қурларга тўлар боғлар оғуши,
Турналар кўкларнинг даракчи қуши,
Кўзи тушиганларнинг учади ҳуши,
Қулиб келаёттир Наврўзи олам.

Ийманиб боқади ой-моҳитобон,
Қиқирлаб қувнайди сумалак қозон,
Мезанадан кўкка учади азон,
Қулиб келаёттир Наврўзи олам.

Табиат тўлғоғи бошланган палла,
Бодом гулларига айтилар алла,
Обод маҳаллар тилида ялла,
Қулиб келаёттир Наврўзи олам.

Тоғ бошида алвон гуллар ловулар,
Жилгалар, дарёлар шодмон шовулар,
Поёндоз тўшайди кентлар, овулар,
Қулиб келаёттир Наврўзи олам!

ЎЙГИТ ҚЎШИҒИ

Осмоннинг эрка қизи,
Ваҳ, оя кўзим тўшиди,
Қошлари ҳилол, кўзи
Шаҳлоя кўзим тўшиди.



*Оламда бор экан оташиқалб инсон,
Ёшлик қаримайди, ёшлик ўтмайди.*

ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

*Умр ўтгай, инсон ўтгай,
Тап яраси шаксиз битгай,
Ҳаёт бол ва захар тўтгай,
Кўнгул доим очилмайди,
Ҳақиқий дўст топилмайди.*

*Мол дўсти бор, жон дўсти бор,
Дунёнинг ҳам кам-кўсти бор.
Ё ости бор, ё усти бор,
Бир туўнук бор ёпилмайди,
Ҳақиқий дўст топилмайди.*

*Хаста дилнинг арзи бўлгай,
Яхшиликнинг қарзи бўлгай,
Одамзотнинг фарзи бўлгай,
Буюрганга чопилмайди,
Ҳақиқий дўст топилмайди.*

Мафтуна СОБИР қизи 1990 йилда Иштихон туманида туғилган. Тошкентдаги Ижтимоий йўналишдаги Республика махсус гимназиясининг 8-синф ўқувчиси. Шеърлари матбуотда биринчи марта чоп этилиши.

ҲАЁТ

*Бир Бехишт боғ томон кириб борардим,
Жарангдор ийх кулгу чалинди бирдан.
Бунчалар жарангдор, ҳайрон қолардим
Атрофни лол бўлиб, кузатдим зимдан.*

*Кўрдим, ана, кулаётган гўзал пари қиз
Дунёни кузатиб ўлтирар эди
Юзидан нур томган, лаблари қирмиз —
Исмини сўрадим, “мен ҳаёт” деди.*

ТАНЛАГАН

*Оҳ дунё, басир дунё,
Кўрганам на сир, дунё?
Кўзларингда бир дунё
Маъноя кўзим тўшиди.*

*Икки кўлим қолди бўши,
Юрагим, айраю жўши!
Тақимдан сув ичган кўши
Дарёя кўзим тўшиди.*

*Қуш кокил тўлғонадир,
Белина чўлғонадир...
Дунё ичра яна бир
Дунёя кўзим тўшиди.*

*Умид қилма вафодан,
Бошинг чиқмас жафодан,
Йироқдасан сафодан,
Дўсти подон танласанг.*

*Омадинг ҳеч чопмагай,
Биров айбинг ёлмагай,
Кўнгул таскин топмагай,
Дўсти подон танласанг.*

*Богингга зог тўшигайдир,
Шағингга доғ тўшигайдир,
Елкангга тоғ тўшигайдир,
Дўсти подон танласанг.*



Гуландом **ТОҒАЕВА**

МУКАММАЛИК САНЪАТИ

Агар физика фанини эслаб кўрсак, “атомлар” деган тушунча бор. Физика дунёни унсурларга, уларни моддага, моддани молекулага, уларни атомларга, уни эса электронга, уни эса протонга, протонни нейтронга, нейтронни ҳам ўз навбатида альфа, бетта ва гамма заррачаларига бўлиб ўрганади. Бу бежиз эмас, ахир коинот ҳам аввал галактикага, сўнгра системаларга, сўнгра планеталарга бўлинади-ку! Буни тасаввувий оҳанг билан-да сўзлатса бўлади. Рухнинг бир ботини бордирки, уни “сир” дейишади. Сирнинг ҳам ботини бордирки, уни “сиррус сир” дейишади. “Сиррус сир”нинг ҳам ботини бордирки, уни “хофий”, «хофий»нинг ҳам ботинини эса “ихфо” дейдилар.

Бир нарсанинг ботинидан мақсад, эзгулик, унинг моҳияти ва ҳақиқати, демакдир. Масалан, досканинг ҳақиқати дарахтдир, дарахтнинг ҳақиқати ёғочдир, бунинг ҳақиқати ва ботини уни майдонга келтирган унсурлардир. Юқорида келтирганимиз рухнинг беш ботинида Мавлонинг зикрини босқичма-босқич такрорламоқ жоиз бўлади. Хўш, бирданига барча ботинларга айланмоқ мумкинми? Мумкинми, галактикани, система, планета тугул барча олами ухрою, олами куброни қамраб олмоқ. Мумкин экан! Аммо, бағоят мушкул экан. Ахир жумлаи воридотга қарасангиз, мингларча гуллар ва ҳидлар бор, мингларча сарғайган барглари, сўлиган, қуриб-қақшаган дарахту қураболар бор, кенг ўрқачли, ниҳоясиз чўзилган тоғлару эзилган ва лолалар қон йиғлаган тепалигу адирлар бор. Уларга айланмоқ қанчалар мушкул савдо. Ана шу савдони илми тасаввуфда ўрганилади, десак хато бўлмайди. Чунки тасаввуфни ҳеч ким ҳеч кимга ўртага олмайди, у илми ғайбдирки ва шундай кўкату зиравордирки, агар Мавлои таоло хамирингизга кўшиб қориган бўлса юзага чиқади, йўқса, йўқ... Ахир уни қудсий шарифи билан айтилган-ку: “Эй инсонлар, Ерда (ундаги тоғу тошлар ва водий, дараларда, денгизлар ва дарёларда, ҳайвотот ва наботот оламида) ҳамда ўзларингизда (ушбу ҳаётга келиб-кетишингиздан тортиб, вужудларингиздаги ҳар бир аъзойингизда, балки ҳар бир ҳужайрангизнинг нақадар нозик тартиб-интизом билан яратилиб, ўз ўрнига жойлаштирилганида, ўз зиммасидаги Яратган буюрган вазифани қулоқ қоқмасдан адо этиб, бор ишонгувчи зотлар учун (Оллоҳнинг қудратига далолат қиладиган) оят-аломатлар бордир. Ахир кўрмайсизларми?» (Воз зорийет сураси, 51-сура, 20-21 оятлар). Ва шунингдек, машоихлардан биридан “Тасаввуф нима?” деб сўраганларида “Аллоҳнинг ахлоқи

ила ахлоқланмоқ” дея жавоб берган эди. Адабиёт-чи? Адабиётнинг тасаввуфга нима алоқаси бор? Тасаввуф – ахлоқ ва одоб, тўғрилиқ ва эзгулик йўли, адабиёт эса ўша йўлга руҳлантирмоқ, йўналтирмоқ йўлидир. Зеро, адабиёт сўзи ҳам арабча “адаб” сўзидан келиб чиққан. Тасаввуф яхши сифатларни барчага юқтирмоқ илмидир. Демак, ҳар икки соҳанинг мақсади бирдир ва ҳар икки соҳа илмул ғайб санъатидир. Зеро, Абулҳасан Ҳарақоний, Абдулла Ансорий, Хиравийдан тортиб, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакийларгача адабиёт билан бежиз шуғулланишмаган, гўзал лафзи шарифда Зоти Зулжалолни куйламаган бўлур эдилар. Адабиёт тасаввуфни қобилган жўн, мағзан чуқур тушунтиради.

Комил инсон даражасига етиш босқичлари силсиласини Ф.Аттор ва Алишер Навоий каби ижодкорлар, адабиётда етти мақомга ажратиб туриб ифода этганлар. “Лисон ут-тайр” дostonида А.Навоий ҳам шу мақомни кўрсатганки, уларни куйида келтирамиз¹:

1. Талаб. 2. Ишқ. 3. Маърифат. 4. Истиғно. 5. Ҳайрат. 6. Тавҳид. 7. Фақру фано.

Ҳар бир мақомни шоирлар ўз таайюн белгилари асосида чизиб берганлар. Масалан, талаб водийсини ифодалаш учун шоир куйидаги деталларни танлайди: тонг, субҳ, қуёш, кема, парвона каби. Бу рамзий белгилар ошиқи покнинг ҳолати ва кечинмаларини тасвирлаши. Ёрни соғиниб, ҳажрида ўртанишини ифодалаш учун хизмат қилади. Ваҳоланки мумтоз адабиётимиз яқин ўн йилларгача тасаввуфий маънолардан ажратилиб тушунтирилди ва бундан маънавиятимиз кемаси бадтарроқ сув тубига чўкди, холос. Тасаввуфдан ажратилган адабиёт нима дейётганини билмайдиган тўти каби беидрок ва беқурб бўлиб қолади.

Зеро, Қуръони Каримнинг ладуний тафсири тасаввуф, тасаввуфнинг ладуний тафсири адабиётдир. Ладуний илм ҳақида “Ғиёсул луғат”да куйидагича хабар қилинади: “Аллоҳ таоло томонидан ато қилинган илм. Ундай илмга уриниш, саъй-ҳаракат, риёзат чекиш натижасида, Аллоҳ таоло хоҳласа, эга бўлиш мумкин. Чунки бу Аллоҳ таоло Ўзи хоҳлаган кишиларгагина беришчи илоҳий илмдир, бу илм Мавлога хизмат илмидирки, Баҳоуддин Нақшбандий уни шарафлаб замзама қилганлар:

*Ба жон мекунам кори ту чаро накунам,
Ба сар мекамам бари ту чаро накунам.*

Маъноси: Аллоҳ, сенинг хизматингни жоним билан адо қиламан, нега уни адо этмас эканман? Сенинг юкингни бошимда кўтараман, нега кўтармас эканман².

Шунча вақтгача ладуний илм аҳилларини, аҳли кашф, аҳли мушоҳада дея атаганлар ва билониҳоя тасаввуф шундай бир гули Муҳаммадияки, бу гул кимнинг юрагида очилса, хушбўйларни оламни асир этади, бу хушбўйликларнинг жозибаси ҳатто Аршни ҳам ҳайратда қолдиради. Зеро, Маҳмуд Шабустарий ҳам айтдики: “Боргил, сен кўнгил уйингни ораста қил. Маъшуқанг кириб келиши учун жой тузат. Қачон сен чиқсанг у кирди. Ва ўз гўзаллигини сенга сенсиқ зоҳир қилади”³.

Мирзо Абдулқодир Бедилда тасаввуф маъноларига бир чиройли иқтидо бор:

*То нагарда адам жаҳон нашави,
Кок нагашта жисму жон нашави.
Ба тааммул агар куни исбот
Жуздам нест маржел авлот
Аз адам доард обруи вужуд
Асли ҳар фарқу иттиход ин жост
Олами мабда у муод ин жост.
Зир ҳаёти ки кост, ё афзуд
Ҳам оз у жасту ҳам дар у осид
Халқе аз пардаам аён гарид
Он фаное к-аз бақо гул кард
Ин фанову бақои ваҳм анжом
Нест жуз ажзу қудрати ифхом
То макоме, ки фаҳим моболид
Он чи он суи саъи фитрати мост
Надди мо мулки бекишони фаност
Надди мо мулки бекишони фаност
Барна ажзол, зарре то хуришед
Мезанад мавжу хастки жовид
Дарҳақиқат фанои мутлақ нест
Ки фано аз лавозему ҳақ нест
Чу ба кун ҳам намерасад ифхом
Мекунад ажзи мофонаям ном.*

Маъноси: Йўқ бўлмасдан туриб, жаҳон бўла олмайсан, тупроққа айланмасдан жисм, жон бўла олмайсан. Агар ўйлаб қарасанг ўлим адам демакдир. Адамдан яна янги нарсалар вужудга келади. Адам бирлик ва фаҳрланмоқ жойидир, у келиб чиқмоқ ва қайтмоқ оламидир. Ҳар бир ҳаёт эгаси, ким ортиқ, ким озроқдин, унда туриб чиқди ва ҳам унда бориб туташди. Бир халқ куннинг пардасидан ошкор бўлди. У яна бориб ўша пардага урилади (йўқ бўлади). Бақодан турган фано шу фано марказида – ерда туради. Бу ҳақиқатни тушунмай, асосиз фикрлар ёйиши – бизнинг тушунчамизнинг ожизлигидандир. Бизнинг тушунчамиз баҳо маъносини билди. Ўзининг кучи етмаган томонни нишонсиз мулки фано деб атади. Лекин заррачаларнинг қисмларидан то қуёшга қадар ҳамма абадий борлиқдадирлар. Ҳақиқатда мутлақи фано йўқдир. Фано ҳаққа хос эмасдир. Мана шуни охиригача тушуна олмаса, бизнинг ожизлигимиз фано деб ном қўйди...

Ҳа, бизнинг ожизлигимизгина чегаралайди, аммо ишқимиз чегарани билмайди. Румий инсонга қарата айтади: “Сен ўз баҳойингни билмассан. Аслида Сенинг баҳойинг йўқдир!”... Тасаввуф Инсонга ана шу бебаҳолик таълимини беради. Қалб – ана шу таълим уйи бўлиб, Аллоҳнинг Ўзи унга муддариси олийдир. Бу уй шундай бир уйки, “Бу ерга кирган киши омонлик топади” (“Оли имрон” сураси, 3-сура, 96-оят). Омонлик – бу ҳар қандай хавф-хатардан холилик, Оллоҳ ризоси ва пайғамбар фатвосидир. Зеро, бу уйга кирганлар учун Зоти Зулжалолнинг ўзи “Иржаи” - Қайт, эй жон! – дея хитоб қилади (“Валфажр” сураси, 89-сура, 28-оят). Ана шундагина Жалолиддин Румийлар куйлаган ишқи бегуборнинг мазмуни аён бўлади, ана шундагина Мансур Халложнинг кесилган бошига, Машраб ва Имомиддин Насимийларни дор олдига боришга йўналтирган кучнинг моҳиятига етамиз. Моҳият эса мукамалдир. Зеро, Ҳақнинг назаргоҳи кўнгилни орасталамоқ учун, мукамаллаштирмоқ учун шу сўзларни битдик.

¹ А.Навоийнинг адабий маҳорати масалалари. 1993 й. 176-бет.

² Салимов С. Дилда ёр. 1993. 139-бет.

³ И.Ҳаққулов. Тасаввуф ва шейрият. 30-бет.



Дилором ИСМОИЛОВА

ЮРАГИМНИНГ БИР ЧЕТИДА ШЕЪР ЙИГЛАДИ...

ЮРАГИМНИНГ БИР ЧЕТИДА

Оёлинга юзларимни кўйгим келди,
Килваллади кўксимдаги қотган жойим.
Меҳримди— бир товланди кўзларимда,
Офтобимсан, опажемим менинг ойим.

Юрагимнинг бир четида шеър йиглади,
Сўз йиглади, кўз йиглади сени кўриб.
Бошимда ҳис этдим мен кўзларингни,
Кўяр эдинг соғларимни ўриб-ўриб.

Қайда қолди қадрдоним болалигим,
Қайтгим келар кўриб битган ўша сойга.
Ёмғирларда ивиган гул лолалигим,
Чиқсам дерди том устида янги ойга.

Соғинчлардан тўлиб кетдим, тўлиб кетдим,
Келгин, ёнган бағримга бир тўйиб босай.
Сўнг майлига чиқмаганим ўша томга,
Чиқиб ойнинг ўрғовига ўзим осай.

Юрагимнинг бир четида шеър йиглади,
Юрагимнинг бир четида сен йигладинг.

НЕГА ҚАЙРИЛАСАН?

Юлдуз кўздан юлдуз ёшлар тўнкалғай,
Бағримни тилдадеб ўтаркан фурсат.
Қайрилиб қарайсан, сен не учун, айт,
Энг мағрур саналган қадлар буналғай.

Таширилладими кўксингдаги жон,
Ташидими мени ул меҳрибон кўз.
Бугун умримни баҳи этадиган сўз,
Айтиларми ҳозир ё бўлар армон.

Киприкларинг тўғди кўёш нуриши,
Хуфтон бўлар энди кўрган кўнларим.
Дийдамдан кўйилар дардли кўйларим,
Шу ҳолда кўрарсан меҳринг кўйлиши.

Кўзимда соғинчнинг чоки сўналғай,
Нега қайриласан менинг тентагим.
Ортиқ бузилмасин ором сендаги,
Юлдуз кўздан юлдуз ёшлар тўнкалғай.

КУЗАТУВ

Қароғимда очилган гулни,
Кўзларингиз териб олади.
Ҳеч кимсага улашилмаган
Соғинчиз менда қолади.
Кўйгоч қарош кўли ўзингиз,
Соғинчларнинг менман гадоси.
Кипригимга мезонлар каби,
Илаидаи йиллар садоси.
Бир парча ой— сеник кўзгудан
Қарар ҳилол, керилган қоши.
Соғинч деган тўхфангиз кўриб,
Осмоларнинг айланар боши.

БИЗ КЕЛАЯПМИЗ

Чопиб келиб хабар берар ирмоқлар,
Югуриб чиқади томга қизгалдоқ.
Чўзилиб қолади гуллар қомати,
Бўйингиз йўлларда кўринган чоқ.

Завқидан тошади сизни кўрган ой,
Кўлар оптоқ тишли ўрик новдаси.
Жўда соғинганди айта олмайин,
Унсиз силканида дарахт гавдаси.

Ой чиқмади бугун осмонга,
Изтиробда ўртанди бағир,
Мақонини топа олмаган,
Уйлар узун, муҳаббат сағир.

Халотининг тошоинасида
Кўрилади дийдоринг, бўйинг.
Ёрнинг кўтлуге қадамларига
Юрагимнинг гулларин тўнганг.

Сен келмаган, ой чиқмаган тўн,
Товон каби ёрилди осмон.
Адрларга тўнкалди лола,
Кўзларимга тиг урди ҳижрон.

ТОНГА ҚАСИДА

Тонг ёришиди, нурли қайғиси
Тўн илларин қирқиб ташлади,
Қорочадан келган ҚИЗ—БОРЛИҚ,
Кўёшини кая бошлади.
Нур—терақнинг энгиз кўйлаги,
Кўтлуге нурга меҳрим қорилди.

Соғинчидан гулчаларимнинг
Юраклари боғда ёрилди.

Қоғозимда порлади Кўёш,
Тивч ураркан Ватан юраги.
Она юртга омонлик тилаб,
Оқарган бу тонглар тилаги.

БИР ЯХШИ ГАП АЙТИНГ

Бир яхши гап айтинг, кўлига айлиниб,
Учгим келаверсин кўнда чарх уриб,
Нилуфар гуллар ҳам чиқиб денгиздан,
Кўнар, йўлларимда турсинлар кўлиб.

Бир яхши гап айтинг, ёмғирни ичган
Соғларим буралиб-буралиб кўксин,
Кўзларим пориллаб, яноқларимда
Томларда чиқмаган қизгалдоқ унсин.

Яхши гап эшитгим келювди Сиздан,
Ҳатто бош кўтариб бурмадингиз юз.
Бир йил кечиккандай бўлди баҳор, ёз,
Тарновлар оғзида ухлайверди муз.

ШОИРА ЗУАФИЯ

Таваллуд кўнлари билан,
1 март

Чуммоқлар чалди ажиб кўнлароқ,
Гулларнинг юзида субҳий шабнам.
Юрагимнинг алвон далаларидан,
Қизгалдоқ келтирдим Сизга, шоирам.

Мовий-мовий бўлди осмон кўзлари,
Ўриклар бош чайқаб тебранди ўжам.
Бу дамда, тозарини нафасларидан
Сизни ёд айлади бўлиб жамульжам.

Маҳзунлик кўнди сўз, юзларимизга,
Юракдан айқариб келди бир армон.
Нигоҳимни кўнка қадаган эдим,
Парчаланиб кетди кўзимда осмон.



ЯХШИ НИЯТГА ЭШ БЎЛАЙЛИК

Бугунги матбуот бундан атиги 10-15 йил олдинги матбуотимиздан тубдан фарқ қилади. Айни пайтда республикамиз бўйича нечта газета ва журналлар чоп этилаётганини аниқ айтолмайман-у, ҳар қалай, бирор мингдан нари-бери бўлса керак.

Хўш, бугун газеталарнинг бу қадар “болалаб” кетаётгани яхшими ёки ёмон?

Келинг, билайлик-чи, бугун газеталар асосан қайси мавзулардаги мақолалар ва бошқа жанрлардаги материаллар билан ўқувчини хушнуд этмоқда? Масалани менимча шу тартибда қўйган маъқул.

Мен газеталар деб (агар уларни газеталар деб бўлса) бугун ўзига хос умумий номга эга бўлган “булварний” газеталарни назарда тутяман.

Шу каби варақаларни (майлида номи бўлсаям) қайси бир сонини олиб кўрманг, худди чет элларда суратга олинган ва бизнинг юртва умулан ёт бўлган ғоя билан шимдирилган фильмлардан бирини томоша қилгандек бўламан. Бу каби фильмларнинг сюжети эса маълум: ур-йиқит, ўлдир, номусга тажовуз асосий мавзу қилиб олинган.

Бугун номлари турли-туман варақаларнинг ҳам хоҳлаган бир турини, сонини олиб кўз югуртирсангиз шу каби сийқаси чиққан мавзулар.

Ишонсангиз, икки қўлим баббаравар ёқамга югурди. Наҳотки, ўзбек миллатида ота-она, тоға ва жиян шунчаликка бориб қолишган бўлса. Улар пул учун одамқуш, ўғри, номусга тажовузкор. Опа араймаган нарса учун синглисига тухмат қилган...

Хўш, биз нимани тарғиб қилишимиз?! Ахир, чет эллардан қайсиқидир қинғир-қийишқ йўллар билан олиб келинаётган, янада аниқроғи ўша ёқдаги “ҳамкор”лар томонидан юборилаётган турли-туман кассеталарнинг вазифаси аниқ-ку! Ғоялар уруши шихона кетаётганини, наҳотки билмасак?

Хўш, адабиётнинг вазифаси — эзгулини тарғиб этиш бўлса, бугун газета деб аташиб, нималарни ёзишяпти? Агар, киши ўз юртини сезса, унинг ёмонини яширади, яхшиини оширади-ку. Ёзи бу каби материаллар кишиларни ёмон, жирканч йўллардан қайтараяптимикин?

Йўқ! Асло! Мен ишонгим келмайди. Чунки ҳамма нарса ниёта боғлиқ. Ниёта эса бугунги кунда гонорар бўлиб қолгани энг ачинарли ҳолдир...

Яна бир гап. Мана шу каби варақаларнинг бозори чаққонки, айрим газета дўконларидан фақат шу каби варақаларинигина топиш мумкин.

Талабалар шаҳарчасида иккита дўкон мавжуд бўлиб, унинг биттасидан ҳукуматга тегишли газетани топиш мумкин. Ҳатто, шу дўконга “Туркистон” газетаси бир донагина (!) келади, холос.

Қандай тушуниш мумкин?

Ахир бугунги талаба — эртанги кун-ку. Бугун кундалик ахборотларни ўқимаса, сиёсат билан қизиқмаса ва мулоҳаза юритмаса эртага у қандай қилиб ишлайди? Ҳозир қайси талабани кўрманг, кўлида “булварний” варақа. Варақада эса олди-қочди воқеалару фахш, номуста тегишнинг батафсил тафсилотлари.

Йўқ, азиз ҳамкасблар!

Қишлоқларга чиқинг. У ердаги аҳоли бир-бирига меҳрибон, бировнинг аҳволидан бошқаси хабарланган. Рост, у ердагилар маоши вақтида олмайди, аммо меҳр-оқибат ҳали-да, кўз тегмасин, бор.

Ростки, турмушдаги салбий кўринишлар тўғрисида ёзиш керак, лекин ҳозиргидек эмас-да. Балки у қандай салбий асоратлар қолдирди, унинг нимаси гуноҳ, қандай қилсак кишиларимиз инсофли, диёнатли, ҳаромдан ҳазар қиладиган, бир парча нон емаса ҳам, аммо китоб ўқийдиган, маънавият ва маърифат ишларига бел боғлайдиган бўлади.

Мана, мавзу. Ахир халқимизда шундай мақол бор: “Жинини жинни десанг, арпа бўйи ўсади...”

Нима бўлганда ҳам, яхши ниёта — яхши-да.

Камолуддин МИНГБОВ



Рустам АМИНОВ

ЭСКИ ЙИЛ ХАТОСИ

*Эски йил ҳаммага қилди мурувват,
Унинг саҳийлиги тўлдирди хирмон.
Ҳотамлик бобида бўлди валломат,
Ҳар йилгидан тўқин бўлди ошун нон.*

*Эвоҳ, дўстлар, мундоқ қаралса йўлаб,
Ундан кечирилмас хато қолибди.
Чеккан заҳматларин тўхфасига у
Умрдан бир ёшин юлиб олибди.*

ЯШАСАМ БЎЛАНИ

*Эллик йил яшабман бу — ярим аср,
Неча бор алмаиди дарахт нўстини.
Нокас, нотаваонга бўлмадим асир,
Зотан, бўлмасам ҳам осмон устини.*

*Неча кун умрим бор боқий дунёда,
Билмам, қанча порлар менинг кўёшим?
Лекин умидим кўп — ҳаддан зиёда,
Яшасам бўлгани эгмасдан бошим.*

ЙЎЛАРИМ

*Богдаги ҳар бир гул, ҳар ниҳол учун
Йиллаб тер тўқади миришкор дехқон.
Мен-чи, қозғоздаги ҳар сатрим учун
Ухламай оттирдим қанча-қанча тонг.*

*Кошкийди, шеърларим боғбон гулидек
Одамлар қалбига бўлолса малҳам.
Шунда шеърим билан инсон қалбига
Кўйишлиб кирардим менинг ўзим ҳам.*

ТЎРТЛИКЛАР

*Сени қандай кутса, сен ҳам шундай кут,
Йилгаса, йилгагин, кулса, тур кулиб.
Унутма, келишмас сўв билан ҳеч ўт,
Ўзгалар қўлида қолма хор бўлиб.*


*Кимдир сенга қўйди олдиндан ҳайкал,
Кимдир отасидан кўрди зиёда.
Воажаб, оёгинг узилган маҳал
Дедилар: “-Энг аблаҳ — шудир дунёда”.*

*Тушуниб-тушурмай ҳолин сўрмагин,
Кўлингдан келмаса, қилма яхшилик.
Бировга ёмонлик раво кўрмагин,
Билсанг шунинг ўзи — катта яхшилик.*

Рустам АМИНОВ Самарқанд вилояти Оқдарё тумани Янгикўрғон қишлоғида яшайди.

Шеърлари “Ёшлик”да илк бор чоп этилмоқда.

ХОРХЕ ЛУИС БОРХЕС



БАДҚАҲР ХАЛОСКОР

Ҳикоя

МОЗИДАГИ САБАБ

Бузуқвор Барталоме де Лас Касаснинг бир минг беш юз ўн бешинчи йилдаги фатвоси ҳиндулар учун мусибатли бўлди, гап шундаки, у император Карл Бешинчига ҳабашларни жаҳаннамнинг нақ тўри, ишлаш ўлимдан оғир Антил тилла конларида адои тамом бўлгунча зўрлаб ишлатишни қатъий жорий қилишни маслаҳат берди. Шу бузуқ саховатпешанинг айниган ҳиссиёти боис энди биз паришон назаримиз ила Хэндининг жазавали диркиллашлари, санъати бутун Парижни истеъло этган шарқий соҳиллик Педро Фигари, қочоқ ғуломлар бошидан кечирган саргузаштларга бағишлаб қатор-қатор рисоалар битган, ақл бовар қилмас насер устаси, яна бошқа бир уругвайлик дон Виисенти Росси, афсонавий маҳобат соҳиб Авраам Линкольн, Жануб ва Шимол ўртасида урушган уч миллиард уч юз миллион нафақаҳўр, сохта Фалучога ўрнатилган ҳақиқий ҳайкал, академик дугатнинг ўн учинчи нашрига киритилган “жазолаш” феъли, даҳшатидан лабга учуқ чиқадиган “Аллилуй” фильми, чаптаст Соллерининг “қорамағиз” ва “буғдойранг” шотирлари ила ҳамласи, шунга яраша кетворган ойимтиллалар, ҳабаш эканлиги етмагандай, дард устига чиққан ашаддий каллакасар Мартин Фьерро, жуда ҳам ўтакетган беҳаё жилпанглаш — “Эл Маннисеро” рақси, манглайига сургун ва хору зорлик чекилган шиддаткор наполеончи Туссен Лувертьор, Гантнинг хоч ва илони, эчки хуни, паполаонинг бурдаловчи ханжари, волидаси Тонгодек бир мақомга етган дил ўртар ва дил тортар кандома рақс базми текимизга тўғри келади. Булар ҳам камдай қонли ва мудҳиш тақдир эгаси бадқаҳр халоскор Лазарус Морел қисмати ҳам бор.

ЎЛАН ТЎШАК

Бу муртадга дунёдаги энг узун дарё, сувларнинг мадҳи улёси Миссисипи ўз азимлиги ҳисобидан тенгиз фаолият майдони нигъм этди. (Дарёга илк йўлни Алварес до Пинседа солган, унинг биринчи ўрганувчи иштиёқманди конкистадор, капитан Эрнандо де Сато бўлганди, капитан Перуни истило қилганда ёхуд Атаульпе инке хибхонасидаги маҳбуслик қуларидан ҳам тошган бойлиги, кўнглини безаган нарса, овунчоғи шу дарё бўлган. Шу баҳонада шахматни ўрганганди, капитан казо қилганда ҳам шу дарёнинг мавжлари унинг хилхонаси бўлди).

Сийналари бўлиқ, боши кўкка етгудек бўйчан, Миссисипи Парона, Уругвай, Амазонка ва Ориноко дарёларининг мушфиқ эгачисидир. Ҳар йили Мексика бўғозидagi ташланадиган ҳисобсиз чиқинди, тўрт юз миллион тоннадан ортиқ балиқни тубида тўшаб қўйганиданми, дарё сувининг ранги ҳам соҳилида умргузаронлик қилишни тақдир азал манглайига битган, ҳинду билан оқ тавлидан тўраган мулат баданининг тусида. Ирмоқлари бошланган қишлоқлардан яна шунча миқдорда кирчир, чиқиндилар ташланишига қарамай, олис-олислардан йўлга

чиққан бу дарё адоқсиз ботқоқликлару, сероб чангалзорлар ила уфқларгача чўзилиб кетган, у ҳар ер, ҳар ерида ҳеч қачон ўчоғидан ўт ўчмайдиган қасрлар, чолдевор кулбалар ораб балиққа сероб бадбўй ва хушманзара, совуққон ва ваҳший бир салтанат каби оқиб ётади. Унинг шимоли Арканзас кенгликлари ва Огойода ҳам худди шундай ўз феъл-атвориға қўйиб берилган ёввойи бир ҳаётни кузатиш мумкин. Унда ранг-рўйига қараб бўлмас, тинка-мадори қуриган жулдирвоқилар тирикчилик қилишар, бу безгакка чалинган бечораларга тоғу тош, темир-терсақларга ҳорислик билан боқишар, чунки уларнинг шу ширриқ сув, дов-дарахт, бўтана сувдан бўлак ҳеч вақолари йўқ эди.

КИШИЛАР

Ўн тўққизинчи асрнинг бошида (бизни айнан шу давр ўзига жалб этади) Миссисипи соҳилидаги бош-кети йўқ плантацияларда ҳабашлар аёвсиз ишлатилар, бу ерда тонгдан шомгача, шомдан тонггача уларнинг манглайидан оққан қора тер тўхтаб демасди. Ҳабашлар шу далалар рошидаги ёғоч кулбаларда тунашар, бундаги ҳар қанақа қондошлик рингалари жигарчиликдан ташқарида, шартли ва мавҳум эди. Уларни аллабало деб чақиришар, ақсарияти ўз насл-насабидан беҳабар, фамилиясиз юришарди. Ҳабашлар бесавод эдилар. Бироқ инглизча унлиларни сал чўзиб талаффуз қилиб айтишларини ҳисобга олмаганда, ўз кўншларини майин ва ширали овозда, дилнавоз алфозда куйлардилар. Бир-бирлари билан елкама-елка туриб тер тўқишар, назоратчининг кескир қамчиси ҳар лаҳза бошлари тепасида визиллаб ўйнаб турарди. Шунга қарамай, ҳабашлар бу жаҳаннамдан боши оққан томонга қочиб қолмоққа уриниб кўришар, бунақа фавқуллодда паллада тўрвасоқол ашп эркақлар сарвқомат, шамолмонанд тўриқларига отилиб минишар, ортларидан бўрибосар итлар ҳам изма-из эргашарди.

Улар муқаддас каломни ўзларича тушуниб, унга қўшиб-чатиб нафеу амморалари ва африқоча даҳшатлар асосига қурилган хатти-ҳаракатларини Исо масиҳнинг комил иймонига нисбат беришар, эътиқодларимиз шундан томир отган деб билишарди.

Шу боис ҳам “Go down, Moses”¹ дея хушу бир руҳда ҳаяжондан бўғриқиб, жўровоз куйлашарди. Ҳатто Миссисипида Иордан дарёсининг лойқаси тусидаги аллақандай кишини кўришганмиш.

Бу ерли зироатчи ўтроқ элининг, қора тавли ҳабашларнинг хўжайинлари бекорчихўжа, зиқна, узунсоч жаноблар бўлиб, улар синчлари оқ қарағайдан, пенштоқи дарёга қараган, сохта жимжимадор, юнонча услубда солинган шоҳона қасрларда давру даврон суришади. Расмана кул минг дўлбир баҳоланар, лекин ҳар дақиқада бу нарх-наво сакраб кетиши ҳам мумкин. Қулларнинг бир талайи оғир ва қора меҳнатга суяги йўқлигидан тез орада касаликка чалинади ва нобуд бўлишади. Узоққа кетишидан умид йўқлардан вақтида барақали фойдаланиб қолиш

ишқиди уларни ҳаддан ташқари сиқувга, қийин-қистовга оладилар. Қўллар тонготардан қош-қорайгунча далада ушлаб турилади, бу тартиб йил давомида узлуксиз давом этар, тамаки ёки пахтазорда ё бўлмаса шакарқамиш даласида ҳосил етиштириш, йиғим-теримнинг охири кўринмайди. Бу плантацияларда одамни ҳоритиб, адои тамом қиладиган бегона ўтлар ҳаминша босиб ётади, қанча тез ўтоқ қилингани билан бу ер юттурлар уруғини қуритишнинг ҳеч иложи йўқ. Шаҳар ташқарисидати уладаси чиққан, тўкилиб ётган фермалар ва қалин қамишзорлар билан ўралган ботқоқларда рооg whitec оқ танли қашшоқлар яшашади. Уларнинг айримлари балиқчилик билан рўзгор тебратишади, овчилари негадир молбоқар бўлиб кетишади. Улар ҳабашларнинг иону насибасига аҳён-аҳён кўз олайтириб туришади ва ўзларининг бу қаланги-қасанги хор-зор ҳаётларига каллаларига ўрнашиб олган биргина фикр мазмун бағишлаб туради, улар шундан керилиб фахр туйиб юришади: бизнинг қонимиз тоза, насл насабимиз асл, зотишаст, дурагай-пурагай эмасмиз. Лазарус Морел ҳам ўшалардан бири эди.

ҚАҲРАМОНИМИЗ

Амриқо журналистлари ёритган олди-қочди сафсаталарга ишониладиган бўлса, бу чиқишларда асл Морелнинг арвоҳини ҳам кўрмаймиз. Эҳтимол, ҳақиқий инсон анқонинг уруғи бўлгани учунми унинг бот-бот машҳур зотлиги эсланиши ҳам шунчаки тасодиф эмасдир. Бундан ҳам Морел афсонавий сиймо бўлиш умидида ҳаминша кумуш пластинкадан узоқлашиб юрган, ҳар бир қалтис, ноқўя хатти-ҳаракатида ўзидан бIRON-бир асар қолдирмаслик пайида бўлган ва булар алал оқибат унинг кирдикорларини хаспўшлаш, қисматини сирли улугворликка ўраб кўрсатишга қўмак бериши керак эди, деган тахмин эшик очади. Достон қилинганига қарамай, у ёшлигида ашқомаат бўлмаган, кўзларининг ялтирашию юнқа лаблари ҳам чирой сифатида унинг фойдасига ишламаган. Кейинги пайтда унинг дайдиликда оқарган сочлари, омади чошиб қилган жиноятлари, лекин шунга яраша жазосини олмаслиги бу каллакесарга алоҳида улугворлик бахш этди. Оч-юпун кечган болалик чоғлари, кейинги харомзода ҳаётига қарши ўлароқ Морел тагли-туғли аслзода жанубликлар зурриётидан эди. Муқаддас каломдан яхшигина воқиф бўлган Морел амри маъруф қилганда йиғилганларнинг этини жимирлатиб ровийлик қилар, овози ва қироатида ҳаммага насиб қилмайдиган иқтидор, комил ишонч устивор бўларди. “Мен Лазорус Морелни минбарда шундай ҳолатда кўрдимки, - деб ёзади Луизин штатининг Батон-Руждаги аллақандай қиморхонасининг соҳиби, - у пок бир ахлоқ ибрати ҳақида ёниб, жон-жаҳди билан ҳаяжонланиб гапирар экан, кўзларидан шашқатор ёшлар куйилиб келар эди. Мен унинг хотинига хиёнаткор эрлигини, ҳеч таш тортмай қора ташчиларни ўғирлашини, ашаддий қотилликлар қилган мирғазаб, Парвардигор қаҳрига учрагудек гуноҳкор бандалигини билардим. Аммо шунга қарамай бу дамда мен ҳам кўз ёшларимни тия олмасдим”.

Такводорликда унинг бунақа жўшиб кетиши, ибрат кўрсатиши мақсад-моҳияти қаердан келиб чиққанлигини Морелнинг ўз оғзидан чиққан мана бу иқрор янада аниқроқ тасдиқлайди. “Мен Тавротни таваккал қилиб очдим-да, ҳаворий Павелнинг шеърий тафсирига ёндошиб, саҳифадаги оятларни бир соату 20 дақиқа шарҳладим. Бу вақтнинг ҳар дақиқасини олтинга тенг билиб Креншоу оғайнилари билан биргаликда тетрада йиғилган мухлисларнинг отларини ўмариб, узоқлаб кетишди. Биз отларни Арканзас штатида пулладик, фақат биргина ерга урса сапчигудек тўриқни сақладим, миниб юрмоқчи бўлдим. Бу от Кленшоуга ҳам ёқиб қолганди, бироқ мен бу от унинг савлатига ярашмаслигига ишонтира олдим”.

ЙЎРИҚ

Отларни бир штатдан ўғирлаб, бошқа штатга пуллаш Морелнинг устакор жиноятлари тарихида кўпам аҳамиятга молик эмас, қўл учидати бир иш эса-да, айнан унинг машғулоти

ила бир йўриқ сифатида қарор топти ва унинг Умум Шармисорлик тарихидан муқим ўрин олишга беқиёс хизмат қилди. Бу йўриқ ўз вазиятидан келиб чиқиб теша тегмаганлигидан ташқари Su! generis ўз нафси аммораси талаб қиладиган иблисона шўхликларга умид уйғотган, доимий айнишларни таъмин этган, бир-бирига ўхшаш расвогарчиликларга ҳам илҳомлантиради. Бу етарлича разиллик ва қабиҳлик эвазига бугун бир азим шаҳар автоматик қурол-аслаҳа омборхонасига эвриди. Аль Канон ва Барс Мороч улкан капитал билан таъминланди. Улар осмон қадар мол-давлат миқёсларига бир йўла, кўтарасига жон тикишарди... Уч-тўрт безоридан иборат кичик бир тўдадан тортиб, минглаб муттаҳамлар уюшган қўшинларнинг барига Морелнинг бир ўзи раҳнамо бўлиб, бари Морелнинг номига сидқидилдан қасам ичиб тўдага қабул қилинарди. Улардан 200 нафари Олий Кенгашга аъзо бўлиб, қарорлар чиқаришар, қолган саккиз юзтанинг чекига уни ижро қилиш ёзилганди. Хавфу хатар азоби ҳам наسدати табақанинг насибаси эди. Мабоду, бу нарсаларга бIRON-бир эътироз билдириб, подадан олдин чанг чиқарадиганлар бўлса, қўл учидати машғулоти каби уларнинг оёғига зил-замбил тошларни боғлашиб, лойқа дарёнинг қаърига улоқтиришарди. Бундайларнинг аксарияти ҳам мулатлардан бўларди. Мана энди босқинчиларнинг ўз йўлига кўрсатган кароматларига ҳам тўхталасак бўлади.

Бу дайдилар олифтлар қўлида узук каби мақомга эришишлари учун бепоен жануб плантацияларида изғиб юришарди. Қаердадир бир ғурабо ҳабаш топишса, ишни унга озодлик ваъда қилишдан бошлашарди. Ҳабаш ўз хўжайинидан айтишлари, унинг дилида қочинга рағбат уйғота бошлансагина у қўлни иккинчи бор плантацияга пуллашга имкон туғиларди. Шунда бечора қўлга олди-сотди эвазига топилган пулнинг маълум бир фоизи берилади ва бу уни яна қочинга имкон бўлади. Кейин эса уни холироқ штатлардан бирига етаклашарди. Озодлик ва пулкмуш, дўғлирларнинг ҳиринги ва эркинлик — булардан-да ортқ кишини ўзига маҳдид ётадиган бIRON-бир қудратли нарса борми? Оқибатда илк бор қўл ўз хоҳишโปรดаси билан қочмоққа қарор қилади.

Қочоқлик учун дарёдан ҳам ўнғай ўтадиган йўл йўқ. Одмигина Канозда, кеманинг остки аслаҳахонаси, юксак елканли қайиқдами ёки чети канон билан ўралган кўз илғамас сода ҳам йўлга чиқилар, бунинг фарқи йўқ, ишқилиб одатдаги дарё оқимида ҳаракатланиб турсанг бўлди, бу ҳар қанақа босқинчининг зулмидан аъло, хавф-хатардан холи кўринарди...

Бироқ ҳабашлар қўлга олиниб, бошқа бир плантацияга сотиларди. У бўлса яна кўзани шамғалат қилиб қалин ўсан қамишзорларга ўзини урар, ёки бўм-бўш баракларда яшириниб, жиллавақт ўзига паноҳ топгандай бўларди. (Ҳабаш ишончига дарз кета бошлаганда) унинг зolim валинеъмати унга кетган аллақандай харажатлар ҳақида гапириб, бошини қотирар, энг сўнги бор қўл ўзини сотишга мажбур эканлигини исботлашга тушарди. У эсон-омон бирор қўни қайтса, бу икки бора сотилганлигининг қандайдир фоизлари унга берилиши ва шунинг эвазига у озод бўлиши мумкин, дейилади. Бу ватдалардан ноилож қолган ҳабаш яна ўзини сотишларига рухсат беради ва аллақанча вақт сотилган жойида эзилиб ишлаб, яна жонидан тўяди. Охири яна бўрибосарларнинг уни бурдалашга тайёр эканлиги ва ўлардек даҳшатли калтак остида қолиши кундек аёнлигини кўра туриб, сўнги бор қочинга жазм қилади. У ўз қонига бўялиб, бор умидидан мосуво, ҳақир бир ҳолда судралиб ортга қайтади.

ЯЛПИ ОЗОДЛИК

Бу маълумотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан изига тушиб кўрамиз. Морелнинг муттаҳам шотирлари ҳабашнинг биринчи хўжаси қўли қочгани ҳақида жар солиб, изловчиға мукофот тайин қилмагулларича қўлни сотишмайди. Шундан кейингина кулларни ушлаб туришади ҳар қандай эмин, ихтиёрга эга бўлишади ва бу бечораларнинг ўзларига бўлган барча ишончларни суистеъмом қилишиб, қўл жаллобликдаги барча

пасткашларни ишга солишади, ammo шунда ҳам қул бирон ёққа гумдон қилинмайди. Бу ҳолида ҳалиги бечора адолат сўраб, фуқаролик ҳақ-хуқуқларини талаб қилиб бирон-бир жойга мурожаат қилмайди, бу беҳуда ва ўзи учун зарарли, ҳаммадан ҳам ёмон бу йўқотишнинг ўрнини ҳеч нарса билан тўлдириб бўлмайди.

Буларнинг бари хавф-хатардан халос бўлиш учун қилингандай туюлади. Аслида ундай эмас. Ҳабаш эҳтимол соддалигига бориб ёки алами қўзиганида нима қилишини билмаганидан ҳаммасини тўкиб ташлаши мумкин. Иллинойс штатининг Эль-Каиродаги ислоатхонасида бу тайини йўқ итўғли, таг-туғи бориб турган қулвачча бир икки шиша виски учун каттагина пулни бошига сув қўйиши ҳеч гап эмас, бу пулни унга нима учун беришган, у ёғи ҳам, бу ёғи ҳам ҳеч нарсага арзимаёди ва шу билан махфий сақланиш керак сирдан асар ҳам қолмайди. Бу йилларда шимол обоциончилар фирқасининг ҳабашларни озод қилишни тарғиб-ташвиқ қилган, уларни авраб қочишга ундаган нотайин тўдаларига тўлиб-тошиб кетди. Морел ўзини ҳеч ҳам бу бузғунчи, ғаламис-тентак тўдаларга қўйишларини истамасди. Ахир у янги эмас, тоза қонли жанублик оқлардан, аслзода оқ танининг набираси ва у шунинг учун ҳам ишлари юришиб кетишига умид қилар, бир кун киборлардай егани олдида, емагани кетида бўлиб яшашни, ўзини беюён пахта плантациясида чирик қулларнинг орқасида қўлини белига тираб юришини хаёл қиларди.

У ўз тажрибасидан шунини яхши билардики, бу ҳунарда боши кетини ўйламай бир қалтис ҳаракат қилиш ярамайди.

Қочоқ зориқиб озодлик оиларини кутади. Шунда Лазарус Морелнинг бадқовоқ мулатлари, бир-бирларига амру-фармон узатишади, ҳабашларнинг ҳаммасини бир йўла соқолларидан силкитиб, кўтарасига уларни кўришдан, эшитишдан, сезишдан, ҳар кунги ёруғликдан, теғраларидаги ҳар қанақа фиқсу фужурдан, замондан, карам ва саховатдан, ҳаводан, итлардан, умидворликдан, бу азобланарли меҳнатдан, алаҳхусус ўзларини ўзларидан озод этмоққа бел боғлашади. Чийиллаб учган ўқ овози ё бўлмаса қоринга биргина тикиб олинган ханжар ранг-рўйдан, ҳеч бўлмаса бошга қулоқкашлаб туширилган мушт зарби ила Миссисипининг мўйловдор балиқлари ва тошбақалари бу ҳақда етарли маълумотга эга бўладилар.

ҲАЛОКАТ

Қаловини тошган қорни ҳам ёндиради. 1834 йил бошида Морель етти юзга яқин ҳабашларни “озод” этди ва бу “бахтлилар”ни намойишкорона кузатув маросимига шунча кишидан кам бўлмаган оломон йиғилди. Шу билан ҳунар кўрсатиш ҳудуди янада кенгайди, тўдага янги аъзолар қабул қилинди. Янгидан қасамёд қилганлар ичида Арканзасдан бўлган Виржил Стюарт деган йигит бўлиб, тез орада ўзининг ҳаддан ортиқ бадқархлиги билан отнинг қашқасидек кўзга ташланиб қолди. Бу йигит ҳисобсиз хизматкор қулларидан жудо бўлган бир аслзоданинг жиғини эди. 1834 йил августда Виржил қасамёдни бузди, буни Морел ва унинг гунаҳталарига ошқора кўрсатиб ҳам қўйди. Янги Орлеандаги Морелнинг уйини полиция босди. Аммо полициячиларнинг ҳафтафаҳмлиги ёки поранинг кучи билан Морел аранг қочишга улгурди.

Орадан уч кун ўтди. Бу вақтда Морел Тулуз кўчасидаги патио ва сарв дарахтлари тарвақайлаб кетган, ҳайкаллар сероб эскигина уйда яшириниб ётди. Айтишларича, қоронғу ва сокин кечалардагина ҳовлида аранг, унда ҳам оёқяланг, парижонхотир алфозда сигарет тутатиб юрганмиш. У бу уйнинг хизматчиси орқали Натчез ва Ред-Риверга ҳам иккита хат жўнатади. Тўртинчи кун бу уйга уч эркак кириб келади ва у билан суҳбат қуришади. Бешинчи кун оқшом Морел ўрнидан қўзғалди-да, соқололтич сўраб олди ва юзини арчилган тухумдай ҳолга

келтирди. Кейин кийиниб кўчага чиқди. Шаҳарнинг шимолӣ тарафидаги қулбалар олдида хотиржам, шошилмай ўтди. Фақатгина шаҳар ташқарисидagi Миссисипи соҳилининг пасттекисликларига етгачина, ўз оdatида илдам қадам босди.

У ўзи тузган режанинг мастлигига мард бўлиб кетди. Морел ҳали ҳам Жанубда ўзига ишонадиган ҳабаш-қуллар бор деб билар, бу ҳурmat эъоздан охиригача фойдаланишни истарди. Ахир улар ўз оға-иниларининг қочганини кўрган, уларнинг қайтмаганини ҳам билишади. Бундан чиқди, улар озодликда юришибди-да. Морелнинг режасига қўра, бутун бошлиқ ҳабашлар исёнини алангалатиш олиниши — уларнинг қўли билан бутун Янги Орлеанини забт этиб, талаш зарур, шу йўл билан тамоман бу ҳудуд унинг ўз қўли остига ўтиши керак эди. Морелнинг хомхаёлича ҳамма нарсага ағдар-тўнтар қилиб, оёғини осмондан келтирадиган бу сотқинликка бутун қитъа бўйлаб лаббай деган жавоблар бўлиши керак эди, жавоб эса... бошқача бўлиб чиқди. У шу мақсадда ҳали-ҳамон ўз номи ҳурmat билан тилга олинадиган Натчезга йўл олди. Бу сафарини унинг ўз ҳикояси орқали кузатишимиз мумкин.

“Мен тўрт кун давомида ниёда йўл босдим, аввало, ўзимга лойиқ бирон бир улов топишим керак эди. Бешинчи кун аллақандай дарёча рошида ичимлик сув ғамлаб олиш ва озгина ҳордиқ чиқариш учун тўхташга тўғри келди. Бир хомага ўтириб, узоқларга чўзилиб кетган йўлга қарасам, тўсатдан нимага кўзим тушди, денг, қарға келбатли чўнкайган бир суворий менга қараб яқинлашиб келяпти. Кўрган заҳотим, унинг отини тортиб олмоқ фикри калламга урди. Тўшпончамни тўғрилаб, унга амр қилдим. У амримга бўйсинди ва мен чап қўлим билан отнинг жилловини қўлга киритиб, унга дарёчани кўрсатдим-да, олдинда юришни буюрдим. Бу бегона билан икки юз одимларча юрилгандан кейин тўхтадик. Мен унга чўқинишни буюрдим. У “агар мени ўлдирмоқчи бўлсангиз, ўлим олди ибодат қилиб олишимга имкон беринг” деб ялинди. Сенинг тавба-тазарунгни тинглаб, кутиб туришга вақтим йўқ, деб жавоб қилдим. Шунда у менинг оёқларимга ўзини ташлади, мен эса унинг бўйнига ўқни жойлаб қўя қолдим. Кейин жасадни бурдалаб дарёга улоқтирдим. Навбат чўнтагини титкилашга келди, ундан тўрт юз дўллари ўттиз цент чиқди, яна аллақандай қоғоз парчалари қатланиб ётар, амом бу майда-чуйдаларга разм солиб, овора бўлиб ўтирмадим. Этиклари янгигина, яна айнан менга мос эди. Ўзимники эса дабдаласи чиқиб кетганди, мана энди дарёга улоқтирса ҳам бўлади.

Натчезнинг юкорисига етиб олиш учун ана шундай қилиб, уловга эга бўлганман”.

ХОТИМА

Исёнчи ҳабашларнинг бошлиқлари Морелни дорга тортишни орау қилганда, Морелнинг ўзи жанговар ҳабашлар тўдасига фармонбардор бўлишни орау қилган эди, лекин афеус билан шунга иқроманки, Миссисипи кечмиши бу улғу имкониятдан фойдалана олмади. Шоирона, адолатга тескари суратдаги ёки бу ҳам шеърӣй зиддият мутаносиблигимиз, дарё ҳам бу жиноятчи билан ўзини булғашни истамасди. Морелга қабр бўлиши ўзига эп кўрмади. 1835 йилнинг иккинчи январида Сайлэс Баклиман номини қайд эттириб Лазарус Морел Натчез хастахонасига ўпка шамоллаш билан оғриб тушди. Аммо умумий палатадаги касаллардан бири уни таниб қолди. Иккинчи ва тўртинчи январ кунлари бир қанча плантациялардаги қуллар ғалаён кўтаришга урниниб кўришди, бироқ кўп қон йўқотилмасдан уларнинг попути пасайтирилиб ювошгина қилиб қўйилди.

Рус тилидан Вафо ФАЙЗУЛЛО таржимаси



ДРАМАТУРГИЯМИЗГА БИР НАЗАР

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти, хусусан, драматургияси ўзининг илк одимларидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳурриятга етишган халқимиз ҳаётининг, мустақил мамлакат истиқболини замондошларимиз тақдири билан одамлар қалб ҳаёти орқали акс эттиришга катта эътибор бериб келмоқда. Демак, воқелигимизда шакланган, қатъий йўналиш касб этган ҳаётимизнинг барча тармоқ ва шоҳочаларидаги тадбиркорлик ҳаракати синграи етакчи хусусиятлар жамият тақдири билан шахс психологиясини яхлит бирликда ўрганиш тамойили тобора тақомиллашиб бормоқда. Ушбу жараёнда ҳозирги ўзбек драматургияси касб этган энг муҳим фазилятлар, драма жанрлари ҳамда жанр кўришишлари (биргина Иззат Султон ижодий изланишлари мисолида кузатилганидек) табиатидаги ички сифат структура ўзгаришлари, услубий ранг-барангликларнинг бойиб бориш ҳодисасини фақат миллий воқелигимиз характери билан чеклаб қўйиб бўлмайди.

Зеро, драма жанрларининг тараққиёт тенденцияларини, бадий тафаккур табиатидаги таъсир ва акс таъсирланиш, санъаткор дунёқарashi ва бадий маҳорат сингари кўплаб масалаларни инглиз, француз, испан ва рус каби Европа адабий воқелигидан, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик каби бошқа Шарқ адабий ҳаракатчилиги ютуқлари, эришган самараларидан айри ҳолда тасаввур этиш мумкин эмас. Бугун ўзбек миллати жаҳон халқлари ҳамжамиятининг қонуний, тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўзлигини намоён этиб бораётир. Шунга монанд, адабий ҳаётимиз ҳодисаларини ҳам жаҳон бадий-эстетик тафаккур тараққиёти контекстида кўриш, ўрганиш ва илмий-назарий жиҳатдан баҳолашни тақозо этади.

Зотан, адабиётларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва бир-бирига таъсири масаласи санъаткорлар онги-дунёқарashiдаги, адабий жанрлар ва индивидуал услубларнинг бойиши жараёнларини ҳам ўз табиатида сингдирган ҳолда намоён бўлаётир. Шу боисдан ҳам ҳозирги ўзбек драматургияси тараққиёт йўлларини етакчи тамойилларини жаҳон адабий ҳаёти билан боқлиқликда ўрганиш, назарий умумлаштириш галдаги муҳим вазифаларимиз сирасидандир. Негаки, драматургиямиз жаҳон сахна маданиятининг бой тажрибаларини (айниқса, теледраматургия, радиодраматургия таъсири салмоқлидир), XX аср ўзбек драматик бадий-эстетик мағзини чуқур ўзлаштириш, катта маънавий-интеллектуал маданиятлардан озуқланиш, ўзаро уйғунлаштириш эвазига янада теран мазмун билан бойиб бормоқда.

Энг муҳими, ушбу жараёнда эзгулик, адолат, гўзаллик сингари башарий маънавий-ахлоқий, интеллектуал қадриятлар асосий мезон сифатида қаралаётир, баҳоланаётир. Адабий жараён ҳодисаларини, адабий асарларни ўрганишда, тадқиқ этишда, баҳо беришда бадийят бош мезон бўлиб қолди. Ва лекин, яна шу нарсани ҳолис этиш керакки, мустақиллик даври драматургиясининг ютуқлари, орттир-

ган фазилятларидан кўра кемтиклар, етишмовчиликлар, нуқсонлар кўпроқдек туюлади. Хусусан, ҳали ҳам тор, ўз қобилига ўралиб қолишдек кемтиклик, бартараф этилгани йўқ. Ҳуда-беҳудага олқишлар ёғдириш, урвоқдек самаралари учун бир-бирини ўринсиз мақташ, “кўтар-кўтар”, ҳай-баракаллачилик тобора авж олиб боряпти. Бу борада, айниқса, яна бир касаллик пайдо бўлди. Хусусан, юксак бадийят мезонлари эмас, аксинча баъзи шахслар хоҳиш истаги, қўнғил азмойиши, диди-савияси бош кререрия, асосий ўлчовга айланди. Адабий воқелик ҳодисаларини, бадий асарлар аҳамиятини ўша шахслар қаричи билан ўлчаш, баҳолаш устивор тамойил бўлиб қолди.

Мустақиллик даври ўзбек адабиёти, хусусан драматургиясига жаҳон драматурглари бадий-эстетик тажрибаси қай тахлит таъсир кўрсатаётир, ижтимоий-сиёсий, гуманистик мазмуни қай йўсинда ўзлаштирилаётир? Ёш драматурглар авлоди, асосан, қайси ижодий йўлларни маъқул кўрмоқда? Қайси ижодий мактаблар таъсирини кучлироқ намоён этишмоқда? Мустақиллик даври ўзбек драматургияси шогирдлик ҳолатидан устозлик макомига кўтарилиши учун нималарга кўпроқ эътибор бериши тақозо этилади?

Бугунги адабий ҳаётдаги бир нарсани таъкидлаш жоиз. Хусусан, аввал мисол келтирганимиздек Иззат Султон ижодий изланишлари мисолида бугунги сахна маданиятимиз олам ва одам қисмати, шахс ва жамият тақдири масалаларига ижтимоий-филсафий йўналишдан кўра маънавий-ахлоқий йўсинда ёндашишни, ўрганишни, бадий хулосалар чиқаришни маъқул кўраётир. Ушбу жараёнда драматургиямиз ўзининг миллий хусусиятларини (бу нарса биргина Иззат Султон пьесалари мисолида кузатсак, онлаги, жамиятта, ишқ-муҳаббатга бўлган муносабатда айниқса яққол кўзга ташланади) намоён этиш билан баробар умуминсоний гуманистик мазмун билан ҳам бойиб бораётганлиги қувончли ҳодисадир.

Демак, миллий адабиётларнинг бир-бирига яқинлашишидан фақат ижобий самаралар кутиш мумкин. Бу нарса, санъаткорларнинг онги-дунёқарashiда, адабий тур ва жанрлар табиатида ички сифат структура ўзгаришларида, жанр ва индивидуал услублар хилма-хиллигида очик-ойдин зоҳир бўлади. Шу маънода, драматургиямизнинг кейинги йиллардаги тараққиёт йўлларини, етакчи тенденцияларини, миллий ўзига хос хусусиятларини ўрганишда, илмий-назарий умумлаштиришда миллий адабий тажрибаларни жаҳон бадийияти контекстида таҳлил қилишдек катта, олижаноб вазифалар ўз ечимини кутиб турибди. Ҳозирги босқич ўзбек сахна маданияти билан боғлиқ равишда жанрлар, услублар ранг-баранглиги, бадий маҳорат, анъана ва новаторлик масалаларига бағишланган монографик тадқиқотлар яратилиши лозим.

Манзура ОТАЖОНОВА,
аспирант

АӘЛ Кучи

тилда бұларкан

ХИКМАТ

Битиклардан хикматни топдим,
Аммо қайдан топай химматни?
Татимаиди арзоннинг моли,
Нима қилай, айтинг, қимматни?

Кимдир йиғиш билан овора,
Кимдир эса сочиб юрибди.
Кувган кимса етган эмас ҳеч,
Қочган эса қочиб юрибди.

Бели тиклар ўроқда йўқ-ку,
Мошоқда йўқ қорни тўқлар ҳам.
Хирмон чоғи қўли чўнтакда,
Дехқонлар ҳатто дўқлар ҳам.

Ёрим менга ноз қилар доим,
Суйдиргани суйдирган бирам.
Бу дунёнинг ишлари қизик,
Куйдиргани куйдирган, жўрам.

Битиклардан хикматни топдим,
Аммо қайдан топай химматни?
Татимаиди арзоннинг моли,
Нима қилай, айтинг, қимматни?

БОР ГАП

Аёл кучи тилда бұларкан,
Эркак кучи белда бұларкан.
Адашган кимсалар ўйлашар:
Пул кўп иш чет элда бұларкан.

Ишлатар руҳингни синдириб,
Мажбур қиб, ҳар ишга кўндириб.
Сўнг қувиб юборар юртидан,
Эшакка чаптасин миндириб.

Тили қани ўша аёлнинг,
Қуни қани ўша аёлнинг.
Бир бор бориб ўзга юртларга
Қурбони бўлди хом хаёлнинг.

Ёмғир девди, сели чиқди-ку,
Пуч гап экан, ели чиқди-ку.
Четдан бойиб келаман деган,
Эркакларнинг бели чиқди-ку.

Бахт ўзи қаерда: қўлдами,
Ўзга кўча, ўзга йўлдами?

Барчасин боғлашар ўшанга,
Наҳотки, ҳамма гап пулдами?

Бўлдим бўлса гар қорни тўқ,
Қарашар бегона, мисли ўқ.
Дунёда бошқа ҳеч меҳрибон –
Муштинлар юрт Ўзбекистон йўқ.

Аёл кучи тилда бұларкан,
Эркак кучи белда бұларкан.
Бекор гап, бекор гап, бекор гап,
Пул кўп иш чет элда бұларкан.

МУНОФИҚҚА

Яшаб бўлмас хатосиз ахир,
Мунча тошлар отасиз ахир.
Шошманг бир пас, сотасиз ахир,
Бошгинамнинг соғ жойи йўқ-ку.

Тамом бўлдим аразлардан-а,
Куйиб бўлдим гаразлардан-а.
Қутулмадим маразлардан-а,
Бу кўнглининг чоғ жойи йўқ-ку.

Жиндек ортиқ мойим бормикан,
Тиғ тегмаган жойим бормикан,
Ҳеч миннатсиз чойим бормикан,
Бир пиёла ичайин десам.

Ишонувдим, яқин олувдим,
Юрагимни тўкиб солувдим,
Қанотимни кериб борувдим,
Ҳеч кимса йўқ қучайин десам.

Энди қандоқ бош кўтарай мен,
Наҳот дўстга тош кўтарай мен,
Йўқ, яхшиси, ёш кўтарай мен,
Кетар пайтим бўлди чоғи-ёв.

Тонглар отиб бўлганга ўхшар,
Қуёш ботиб бўлганга ўхшар.
Руҳим тушган, ўлганга ўхшар,
Сўлиб бўлди кўнглим боғи-ёв.

Яшаб бўлмас хатосиз ахир,
Мунча тошлар отасиз ахир.
Шошманг бир пас, сотасиз ахир,
Бошгинамнинг соғ жойи йўқ-ку.

ФАРИДА

Билмайман висолдан мен нега
Нарида, нарида, нарида.
Телбавор руҳимга сен эга,
Фарида, Фарида, Фарида.

Чўғ бўлган юрагим сеники
Борида, борида, борида.
Наҳотки бўлмайсан меники,
Фарида, Фарида, Фарида.

Десалар майлига куйди ул
Зорида, зорида, зорида.
Мен булбул, сен эса гунча гул,
Фарида, Фарида, Фарида.

Рақибим қўнмоқчи гулимга,
Ари-да, арида, арида.
Қачон сен чиқасан йўлимга,
Фарида, Фарида, Фарида.

Вақт ўтиб бир куни десалар:
Қари-да, қари-да, қари-да.
Қаттиқроқ севади кексалар,
Фарида, Фарида, Фарида.

Билмайман висолдан мен нега
Нарида, нарида, нарида.
Телбавор руҳимга сен эга,
Фарида, Фарида, Фарида.



ELIM DEB, YURTIM DEB YONIB YASHASH KERAKI

MUASSISLAR:
O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati**Jamoatchilik kengashi raisi:**

Abdulla ORIPOV

Jamoatchilik kengashi:

Abulqosim MAMARASULOV

Ahmad OTABOYEV

Mirkamol ODILOV

Minhojiddin MIRZO

Ahmad USMONOV

Farmon XUDOYBERDIYEV

Botir UBAYDULLAYEV

Bosh muharrir

Sobir O'NAR

Bosh muharrir o'rinbosari

Luqmon BO'RIXON

Mas'ul kotib

Akbarali MAMASOLIYEV

Tahrir hay'ati:

Odil YOQUBOV

Abduqayum YO'LDOSHEV

Abdusaid KO'CHIMOV

Sirojiddin SAYYID

Rustam MUSURMON

O'rozboy ABDURAHMONOV

G'affor HOTAMOV

Yoshlarning adabiy-ijtimoiy jurnali. 1982 yildan chiqarib boshlagan.

© "Yoshlik" № 1 (199) 2005 y.

Ushbu son "Yoshlik" jurnali tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.

Sahifalovchi: Saodat RUSTAMOVA

MUNDARIJA**MUHARRIR MINBARI***Men alla aytсам-u, qo`bizim... .. 1***NAZM***Anvar OBIDJON. Yaxshi tushlar ko`ring, malikam..... 3**Salim ASHUR. Har lahza yangorar ohang, rang, timsol... 24**Dilorom ABDURAHMON. Osmonimda armon eriydi qordek... 31**Habib ABDUNAZAR. Gullarini qo`msagan og`och 34**Dilorom ISMOILOVA. Yuragimning bir chetida she`r yig`ladi ... 41***NASR***Ithom ZOYIR. Dardisar. Qissa 6**Bahodir QOBULOV. Ikki hikoya 26***BIRINCHI UCHRASHUV***Muhayyo OCHILOVA, Maftuna SOBIR qizi, Dildora**QURBONOVA, Muyassar SAYFULLA qizi 38**Rustam AMINOV 42***BOQIY QADRIYATLAR***Gulandom TOG`AYEVA. Mukammallik san`ati..... 39***MUNOSABAT***Kamoliddin MINGBOYEV. Yaxshi niyatga esh bo`laylik... 42***JAHON HIKOYACHILIGI XAZINASIDAN***Xorxe Luis BORKES. Badqahr xaloskor. 43***IJTIMOY HAYOT***Avazbek SATTOROV. Mas`uliyat maydoni 35***LUG`AT***Dilbar ALIQULOVA. Muhim qo`llanma 37***ADABIY TANQID***Abdulla ULUG`OV. Qahramon qadri 32**Manzura OTAJONOVA. Dramaturgiyamizga bir nazar.... 46***ELPUG`ICH***Abdurazzoq OBRO`Y.**Ayol kuchi tilda bo`larkan 47***Muqovalarimizda****1-betda:** Namangan Davlat Universitetining huquqshunoslik fakulteti a'lochi talabasi Aziza USMONOVA.**2-betda:** Alisher NAVOIY.**3-betda:** Filologiya fanlari doktori, professor Qozoqboy YO'LDOSHEV.**4-betda:** O'zbek mumtoz qo`shiqchiligining mohir ijrochisi Hilola HAMIDOVA.

Manzillimiz: 700000, Toshkent, Javoharlar' Neru, 1-uy,

Telefon: 133-40-83

Bosishga 21. 02. 2005 yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati 60x84 1/8. Nashriyot hisob to'g'ri 6,0.

Indeks 822 ISSN 0207-9137

Jurnal 2003 yil 29 dekabrda Matbuot va Axborot agentligi tomonidan 072 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda «Yoshlik»dan olindi deb izohlanishi shart.

Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 15

Manzil: Toshkent. sh. X. Sulaymonova ko'chasi, 33-uy.